



# ODILLIK MEZONI

ILMIY-AMALIY, HUQUQIY JURNAL



*Ҳижрон қифасида  
жон қуши  
рам қиладур,  
Ғурбат бу  
азиз умрни  
кам қиладур.*

**Заҳириддин  
Муҳаммад БОБУР**

Судьялар олий кенгаши ташаббу-  
си билан шу йилнинг 24 февраль куни  
“Ҳалоллик ва поклик – адолатнинг са-  
одатли йўли” мавзусида маърифий тад-  
бир бўлиб ўтди. Бу галги учрашувда  
шоир, драматург, кинодраматург ва  
носир Усмон Азим меҳмон бўлди.



## ҲАЛОЛЛИК ВА ПОКЛИК – АДОЛАТНИНГ САОДАТЛИ ЙЎЛИ



Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Судьялар олий кенгаши, Олий суд, вилоят, туман ва шаҳар судлари судьялари, суд фахрийлари, Судьялар олий мактаби тингловчилари – бўлажак судьялар, шунингдек суд тизими ходимлари иштирок этган ушбу маънавий-маърифий тадбирда қонун устуворлиги, ижтимоий адолатни таъминлаш учун қонунларни пухта билиш ва тўғри қўллашдан ташқари судьядан ҳалол ва поклик, маънавий баркамоллик ҳам талаб қилиниши, маънавияти юксак, иродаси мустаҳкам инсон адолатсизликка йўл қўймаслиги ҳақида батафсил сўз борди. Зеро, Давлатимиз раҳбари таъбирлари билан айтганда, “адолат ва



маънавият – ўзаро чамбарчас боғлиқ тушунчалар, маънавият бўлмаган жойда ҳеч қачон адолат бўлмайди”.

Айрим судьяларда айнан маънавий фазилатларнинг етишмаслиги туфайли суд тизимида қонунга зид ҳаракатлар содир этиш, нопоклик, таъмағирлик, одамларнинг дарду ташвишларига лоқайд қараш, адолат мезонларига хилоф равишда қарорлар қабул қилиш ҳолатлари учрамоқда. Тадбирнинг аҳамияти ҳам шундаки, суд ҳокимиятини том маънода адолат кўргонига айлантиришга кўмаклашишдир. Истеъдодли ижодкор томонидан тўғри таъкидланганидек,

судьялар ва суд ходимлари адолат йўлидан четга чиқмай юриши учун бадиият билан ошно бўлиши лозим. Бунда эса, китоб ва китобхонлик ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Инсон қалбини англаши учун бадиий асарлар мутоласидан яхши восита йўқ. Шундагина инсоннинг, хусусан, суддаги тарафларнинг руҳий кечинмаларни тушуниш, изтиробларини ҳис қилиш мумкин. Бу эса асосли, адолатли ва қонуний қарорлар қабул қилинишида муҳим омил ҳисобланади. Унутмаслик керак-ки, ўқишдан тўхтаган киши фикрлашдан тўхтайтиди. Китоб жамият ҳаётидаги муносабатларнинг бадиий шаклдаги ифодаси.

Шуни таъкидлаш ўринлики, кейинги вақтларда Судьялар олий кенгашида турли соҳа вакиллари, хусусан адабиёт соҳаси вакиллари билан учрашувлар ўтказиш анъанага айланиб бормоқда. Албатта бу жуда ҳам муҳим. Бугунги



бир давомида адабиётга, санъатга ошуфталик туйғуси турмуш ташвишлари сабаб китобдан сал бўлсада узоқлашган айрим иштирокчиларнинг ҳам кўнглида яна китобга бўлган меҳрни алангалатгани шубҳасиз. Чунки, маънавияти бой инсон адашишдан йироқ бўлади. Ақли, фаросати унга тўғри йўл кўрсатади. Шу жиҳатлар ҳисобга олиниб Судьялар олий кенгаши томонидан сўнгги йилларда бу каби ижодий учрашувлар ва тадбирлар мунтазам ташкил қилиниши мамлакатимизда одил судловни таъминлашга қодир судьялар корпусини шакллантиришда муҳим омил бўлади.

— Бугун шоир Усмон Азим билан бўлган учрашувдан ўзим учун кўп маънавий бойликлар олдим, дейди Судьялар олий мактаби тингловчиси Дилбар Чориева. — Чунки, Усмон Азим сингари ёзувчилар кўп китоб ўқиганлиги сабабли уларда гапни етказиб бериш қобилияти кучли бўлади. Шунингдек, улар ўзи иштирок этаётган даврага қандай фикр ва маънавий тарбия бериши кераклигини ҳам дарҳол англашади. Шоирнинг катта ҳаётий тажрибаси ва ижодий жараёнлар ҳақидаги фикрлари менда чуқур таассурот қолдирди. Шу жиҳатдан қарайдиган бўлсак тадбирда иштирок этган барча иштирокчилар ўзлари учун маънавий жиҳатдан катта озуқа олдилар.

кунда биз судьялардан ҳар бир қароримизда халқимиз фақат адолатни кутмоқда. Тадбирда таъкидланганидек, адолатли қарорлар қабул қилишга ҳар томонлама қодир, иродаси мустаҳкам, юксак касб ва маънавий фазилатларга эга бўлган судьялар корпусини шакллантириш энг муҳим вазифа бўлиб ҳисобланади.

Шу маънода бугунги каби ижодий учрашувлар судьялар, бўлажак судьялар учун жуда ҳам муҳим. Чунки ижодкорлар билан ўтказиладиган тадбирлар иштирокчиларга олам-олам завқ бериши шубҳасиз. Учрашув жараёнида иштирокчилар Усмон Азимнинг асарларидаги қаҳрамонлар ҳақида ўзлари қизиққан саволларни сўради, фикрини билдирди. Ушбу тад-



Грузиянинг В.Маяковский номидаги Давлат мукофоти ҳамда “Дўстлик” ордени соҳиби Усмон Азим жонли ва самимий ўтган тадбирда инсон саодати унинг ҳалол ва поклигига боғлиқ экани, бу гоё унинг барча асарларида акс этгани, адолат ҳаётнинг бош маъноси, тараққиётнинг таянч нуқтаси эканини таъсирли мисоллар билан ифода қилди.

**Дусмурод ТОШЕВ,**  
Тошкент туманлараро маъмурий  
суди раис ўринбосари.

## “ODILLIK MEZONI”

илмий-амалий, ҳуқуқий журнал

Муассис: Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби

### Ҳамкорлар

Ўзбекистон Республикаси

Судьялар олий кенгаши,

Ўзбекистон Судьялари ассоциацияси

### ТАҲРИР КЕНГАШИ

Холмўмин ЁДГОРОВ

Убайдулла МИНГБОЕВ

Ҳожи-Мурод ИСОҚОВ

Дилшод АРИПОВ

Комил СИНДАРОВ

Худойкул АЗИЗОВ

Илхом НАСРИЕВ

Малика ҚАЛАНДАРОВА

Бехзод МЎМИНОВ

Собир ХОЛБАЕВ

### Бош муҳаррир

Арслон ЭШМУРОДОВ

### Навбатчи муҳаррир

Ҳамроқул ҚАРИШИЕВ

### Саҳифаловчи дизайнер

Шокиржон АЛИБЕКОВ

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2019 йил 31 январдаги 261/8 сон қарори билан юридик фанлар бўйича диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

**Манзил:** 100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпон ога кўчаси, 6-уй  
**Электрон манзил:**  
odillikmezoni2019@umail.uz

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигидан 2019 йил 27 августда 0972-рақам билан қайта рўйхатдан ўтган.

**Обуна индекси:** 1317

Ҳар ойда бир марта чоп этилади.

Журналда эълон қилинган материаллардан фойдаланилганда манба кайд этилиши керак.

Босишга 26.02.2024 да рухсат берилди.

Бичими 60x84 1/8, 8 босма табоқ.

Буюртма № 3. Адади 2070.

Баҳоси келишилган нарҳда.

“ATLAS PRINT MEDIA” МЧЖ

босмаҳонасида чоп этилди.

Босмаҳона манзили:

Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Дархан, Ипак берк кўчаси, 35-уй

# МУНДАРИЖА

МАСЪУЛИЯТ МЕЗОНЛАРИ

6

СУДЪЯЛИК: ЛАЁҚАТ, МАСЪУЛИЯТ ВА ҲАЛОЛЛИК

8

КУН МАВЗУСИ

КОРРУПЦИЯ – ЎТА ХАВФЛИ ИЖТИМОЙ ҲОДИСА,  
УНГА ҚАРШИ КУРАШМОҚ КЕРАК!

9

СУД ТИЗИМИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ:  
ТИЗИМЛИЛИК, ТАЪСИРЧАНЛИК ВА САМАРАДОРЛИК

10

МУШОҲАДА

ҲУҚУҚ УСТУВОРЛИГИНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

РАҚАМЛИ ДУНЁ

13

СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ, ЯЪНИ НЕЙРОТАРМОҚНИНГ  
ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИНИ БЕЛГИЛАШ МУАММОЛАРИ

16

МЕНИНГ ФИКРИМ

НОТАРИУСЛАР ТОМОНИДАН ЭКСПЕРТИЗА ТАЙИНЛАШ:  
МУАММО ВА ЕЧИМ

ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛ

18

ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДА ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ИЖРОСИ  
ҲУҚУҚИЙ МОНИТОРИНГИНИНГ ЎЗАРО ЎХШАШ ЖИҲАТЛАРИ

20

ЯНГИ ДАВР НАФАСИ

ЭКОЛОГИК МУНОСАБАТЛАРНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА  
СОЛИШДА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ВА КИБЕРХАВФСИЗЛИК

ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИ

22

БАЪЗИ ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА ЎЗИНИ ЎЗИ  
ЎЛДИРИШ ДАРАЖАСИГА ЕТКАЗИШ ЁКИ ШУНГА  
УНДАГАНЛИК УЧУН ЖИНОЙИ ЖАВОБГАРЛИК

24

СУДЪЯ МИНБАРИ

ОИЛА КИЧИК ВАТАН ЁХУД ОИЛАВИЙ СУДЛАРНИНГ  
МУҲИМ ВАЗИФАЛАРИ

25

“ЎЗБЕКИСТОН – 2030” СТРАТЕГИЯСИ – ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН  
ТАРАҚҚИЁТИ САРИ

26

ТАДҚИҚОТ

ҚУРИЛИШ СОҲАСИДА КОРРУПЦИЯНИНГ ОЛДИНИ  
ОЛИШДА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

ШАХС ВА ЖАМИЯТ

28

ХИЗМАТ ТЕКШИРУВИНИ МАЪМУРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА  
СОЛИШ БОСҚИЧЛАРИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

**29**

**ТИНГЛОВЧИ МИНЪБАРИ**

**РЕЦИДИВ ЖИНОЯТ ВА УНИНГ ЖИНОЯТ  
КВАЛИФИКАЦИЯСИГА ТАЪСИРИ**

**30**

**ФИРИБГАРЛИК ЖИНОЯТИ УЧУН ЖАВОБГАРЛИКНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**32**

**ОИЛАВИЙ (МАИШИЙ) ЗЎРАВОНЛИК УЧУН  
АЛОҲИДА ЖАВОБГАРЛИК БЕЛГИЛАНИШИГА  
САБАБ БЎЛАДИГАН ОМИЛЛАР**

**33**

**ГИЁҲВАНДЛИК ЖАМИЯТ КУШАНДАСИ**

**34**

**ҚУРИЛИШ ПУДРАТИ ШАРТНОМАСИ БЎЙИЧА  
ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

**35**

**ЖИНОЙ ФАОЛИЯТДАН ОЛИНГАН  
ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШ  
ЖИНОЯТИНИНГ КРИМИНОЛОГИК ТАВСИФИ**

**36**

**МУЛК ИЖАРАСИ ШАРТНОМАСИГА АМАЛ  
ҚИЛМАСЛИКНИНГ ҲУҚУҚИЙ ОҚИБАТЛАРИ**

**37**

**СУДЪЯЛАР ДАХЛСИЗЛИГИ – СУД ҲОКИМИЯТИ  
МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ГАРОВИ**

**38**

**ШАРҚ МАМЛАКАТЛАРИДА МЕРОС: ҲИНДИСТОН ВА  
БАА МАМЛАКАТЛАРИ МИСОЛИДА**

**40**

**АЛИМЕНТ ТЎЛАМАГАНЛАРНИНГ МАМЛАКАТ  
ҲУДУДИДАН ЧИҚИШНИ ВАҚТИНЧА  
ЧЕКЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**

**41**

**МАЪМУРИЙ СУД ИШЛАРИДА ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ  
ВА УНДАН КЕЙИН СУДНИНГ ҲАРАКАТЛАРИ**

**42**

**МАНСАБ СОХТАКОРЛИГИ ЖИНОЯТИНИНГ  
ЖИНОЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАВСИФИ**

**43**

**КОРПОРАТИВ НИЗОЛАРНИНГ ТУРЛАРИ ВА  
СУДЛОВГА ТААЛЛУҚЛИЛИГИ МАСАЛАЛАРИ**

**44**

**ШАРТЛИ ҲУҚМ ҚИЛИШ АСОСЛАРИ  
ВА УНДАН КЎЗЛАНГАН МАҚСАД**

**ОДИЛ СУДЛОВГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР: ТУРЛАРИ ВА  
ЖАМИЯТ УЧУН ХАВФЛИЛИК ДАРАЖАСИ**

**45**

**СУДЪЯ, ҚОНУН ВА АДОЛАТ**

**МАЪМУРИЙ СУД ИШЛАРИДА ТАФТИШ ИНСТАНЦИЯСИ  
ИНСТИТУТИНИНГ ЖОРИЙ ҚИЛИНИШИ**

**46**

**АЙБСИЗЛИК ПРЕЗУМПЦИЯСИ ШАХС  
ҲУҚУҚЛАРИНИНГ КАФОЛАТИ СИФАТИДА**

**47**

**КАССАЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИ СУД МАЖЛИСИДА  
ҲУҚМ ЁКИ АЖРИМНИ ТЕКШИРИШНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**48**

**ТАМОМ БЎЛМАГАН ЖИНОЯТЛАР ВА УЛАРГА  
ЖАЗО ТАЙИНЛАШ**

**49**

**ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВ ВА СУРИШТИРУВ УСТИДАН  
СУД НАЗОРАТИНИ КУЧАЙТИРИШНИНГ ПРОЦЕССУАЛ-  
ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

**50**

**ОДИЛ СУДЛОВ ВА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР**

**51**

**ВАЖНАЯ ТЕМА**

**ОСУЩЕСТВЛЕНИЕ ОБЩИХ ПРИНЦИПОВ ПРАВА  
В ДЕЯТЕЛЬНОСТИ МЕЖДУНАРОДНОГО СУДА ООН**

**56**

**НОВЫЙ ЭТАП**  
**СОВРЕМЕННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ, ИСПОЛЬЗУЕМЫЕ  
ДЛЯ СОВЕРШЕНИЯ КИБЕРПРЕСТУПНОСТИ И  
ВАЖНОСТЬ ВНЕСЕНИЯ ОТВЕТСТВЕННОСТИ  
ЗА ИХ ПРОТИВОПРАВНОЕ ИСПОЛЬЗОВАНИЕ**

**60**

**ПРОЦЕСС**

**ОСНОВОПОЛАГАЮЩИЕ АСПЕКТЫ ПРИЗНАНИЯ И  
ИСПОЛНЕНИЯ РЕШЕНИЙ МЕЖДУНАРОДНЫХ  
АРБИТРАЖНЫХ СУДОВ В РЕСПУБЛИКЕ  
УЗБЕКИСТАН**

**ТЕМА ДНЯ**

**62**

**КРИМИНОЛОГИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА  
ЛИЧНОСТИ ПРЕСТУПНИКА, СОВЕРШАЮЩЕГО  
КОРРУПЦИОННЫЕ ПРЕСТУПЛЕНИЯ**

# СУДЬЯЛИК: ЛАЁҚАТ, МАСЪУЛИЯТ ВА ҲАЛОЛЛИК



**Холмўмин ЁДГОРОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Судьялар олий кенгаши раиси

“Адл айлаки, ул халқ ҳаёти бўлмиш,  
Хуш ул кишиким, адл сифати бўлмиш”, дейди-  
лар ҳазрат Алишер Навоий. Яъни, адолатли бўлгин,  
чунки ижтимоий ҳаётнинг бош мезони шу, зотан,  
инсон айна шу сифати (*адолатлилиги, одиллиги,  
холислиги*) билан гўзал ҳисобланади. Ҳазрат бу би-  
лан барча инсонларни адолатли бўлмоққа даъват  
этаётгани тушунарли. Бироқ, ушбу мисра биринчи  
навбатда судьяларга тааллуқлидир. Негаки, судья-  
нинг фаолиятига у қанчалар адолатли эканидан ке-  
либ чиқиб баҳо берилади, бундан бошқа мезон йўқ.  
Зотан, ҳаётнинг бош маъноси, тараққиётнинг таянч  
нуқтаси адолат ҳисобланади.

“Хукми элнинг моли ва жонига тааллуқли экан, қозининг шиори тўғрилиқ ва адолат бўлмоғи лозим.”, дея таъкидлайди Навоий ҳазратлари “Маҳбуб ул-қулуб” асарида. Сўнг давом этадики: “Қозининг кўнгли дин илми билан тўла, дунёвий билимлардан хотири хабардор бўлиши керак. Хамирида (*табиатида*) шахсий манфаатга майл бўлмаслиги, соф кўнгли иккиюзламачилиқ иллатидан холи бўлиши лозим. У ҳукм вақтида ошнога ҳам, бегонага ҳам бир хил назарда қарамоғи лозим”. Бунинг учун эса Давлатимиз раҳбари қайд этганларидек:

**“Судьянинг онгида – адолат, тилида-ҳақиқат, дилида-поклик бўлиши шарт”.**

Бундай талабга жавоб бериш учун судьянинг масъулият ва салоҳияти ўта юқори ҳамда шахс сифатида **ҳалол-пок, сабр-қаноатли, илмли, сипо (ҳилмли), тавозули, ҳамиятли, раҳм-саховатли, ифбатли, виқорли** бўлиши лозим. Бундай фазилатларга эга инсон биринчи навбатда ўзига нисбатан адолатли бўлади. Ва, табиийки ўзига нисбатан адолатли бўлган шахс ҳеч қачон бошқаларга нисбатан адолатсизлик қилмайди.

Ҳалоллик-поклик, сабр-қаноат инсоннинг энг асосий фазилатларидан ҳисобланади. Айна фазилат ростгўйлик, мажбуриятга содиқлик, қилаётган иши тўғри эканлигига

қатъий ишонч, бошқаларга ва ўзига нисбатан самимийлик каби ахлоқий сифатларни ҳам ўз ичига олади.



**Ҳалоллик фазилати** инсоннинг қалби поклиги ва маънавий дунёқараши етуқлиги билан боғлиқдир. Ҳалоллик судьянинг ўзига юклатилган вазифага ҳамда одамлар тақдирига бўлган муносабатида кўринади.

**Судья умри ва эгаллаб турган амалининг ўткинчилигини унутмаслиги, ўз виждони олдида ҳисоб бериб боришни ўрганиши керак.**




Судьянинг **сабр-қаноатли бўлиши** ҳам унинг ҳалоллик фазилатига киради ва унинг барча масалаларга сабр-тоқат билан муносабатда бўлишини билдиради. Қаноатли бўлиш дегани эса ўзида бориға, ойлик маошига қаноат қилиб яшаши, ҳалол ризқ билан ризқланиши, емоқ-ичмоқ ва кийинишда зарурият даражасидан ўзгасини ўзига эп кўрмаслиги демакдир.


Сабр-қаноатли бўлиш учун судья кучли ирода соҳиби бўлиши керак. Чунки, иродасиз кишида турли майллар ва бошқаларнинг фикрига кўр-кўрона берилишга мойиллик бўлади. Қолаверса, холислик кучли иродага таянади. Зеро, судья ишни кўришда холис бўлиши, у ёки бу


қарорни қабул қилишда шахсий адоватига берилиши ёинки бирон-бир манфаатни назарда тутиши асло мумкин эмас. Акс ҳолда, қонунийлик ва адолат бузилишига олиб келади. Инсонларнинг судга, адолатга бўлган ишончига путур етади.

 Судьянинг **илмли бўлиши** деганда унинг бевосита судьялик вазифасини амалда бажаришида талаб этиладиган ҳуқуқий билимлар, шунингдек дунёвий билим ҳамда тажрибани тушуниш лозим. Зеро, судьянинг биргина қонунларни мукамал билишининг ўзи етарли эмас, гап судьянинг ўз ички туйғу, маънавий дунёқарашидан келиб чиқиб, қонунларни қандай қўллашида ҳамдир. Шунга кўра, судья ўз билимини, соғлом фикр ва ақлий салоҳиятини ошириб бориши, қонунларни мукамал билиш билан бир вақтда уни тўғри қўллаш олиш бўйича амалий кўникма-тажриба орттириб бориши, шунингдек доимий ўқиб-излаши шарт.


Судья ўзига юклатилган вазифанинг улкан масъулиятини ҳис этган ҳолда ўзининг маънавий дунёқарашини тўғри шакллантириш учун ўз маънавиятини бойитиш, яъни кундан-кун руҳан покланиш, маънавий юксалиш ҳамда виждон ва иродани тоблаш, иймон-эътиқодни бутлаш, бир сўз билан айтганда комилликка эришиш борасида ҳам доимий ишлаши талаб этилади.

 Судьяда мавжуд бўлиши лозим фазилатлардан яна бири *сиполик (ҳилм)* бўлиб, бу ҳар қандай ҳолатда ҳам оғир-вазмин, босиқлик ва мулойимлик билан масалага ёндашувни талаб қилади. Унинг **тавозуъли**, яъни - камтар бўлиши, ўзидан каттага – ҳурмат, кичикка – иззат билан муносабатда бўлиб, ҳаргиз ўзини бошқалардан устун тутмаслиги демакдир. Тўрт нарса инсонга хорлик келтиради, дейилади муқаддас манбаларда, булар: бадфёъллик, бадқовоқлик, такаббурлик ва дилозорлик...


 Судьянинг **ҳамиятли бўлиши** – унинг ўзини тарбиялаб вояга етказган ва ваколат берган халқи, шунингдек ўзга миллатларнинг урф-одат ва анъаналари ҳамда жамият қонун-қоидаларига ҳурмат билан муносабатда бўлишида, шунингдек, оиласи ва яқинларига бўлган муносабати ва садоқатида ифодаланади. Кишининг яқинларига бўлган муҳаббати – ватанига бўлган муҳаббатини ҳам ифодалайди. Судья фидоий, элпарвар ва ватанпарвар бўлиши лозим.


 **Раҳм-саховат** деганда судьянинг қонунларни инсон манфаати нуқтаи назаридан қўллашгани, жазо муқаррарлигини

таъминлаш билан бир вақтда қонунда назарда тутилган енгилликларни холис қўллашгани, жазонинг қилмишга нисбатан оғир бўлмаслигини тушуниш лозим. Суд қарорлари **қонуний** бўлиши билан бирга **асосли ва адолатли** бўлиши шарт экани талаби ҳам шунда.

 **Судьядаги иффат** биринчи навбатда юриш-туриши, муомала ва кийинишида кўринади. Судья умум эътироф этилган одоб доирасидан четга чиқмаслиги, ўз нафсини ақлан бошқариши ҳамда уят ва енгилтак туюлган ҳар қандай иш ва ҳаракатлардан ўзини тийиши лозим.

Керагидан ортиқ ҳою-ҳавасга берилмаслик, кийиниш ва уй-жой, мол-мулк орттиришда меъёрларга риоя этиш, ўзини кўз-кўз қилмаслик ҳам судьянинг иффатидан далолат беради.

 **Виқорли бўлиш** – судьянинг ўзига ишончи бўлиши, шошма-шошарликка йўл қўймаслиги ва виқорли бўлиш орқали бошқаларнинг ишонч ва ҳурматига эришиши ҳамда ўз вазифа ва бурчларини талаб даражасида амалга ошириш воситаси деб тушунмоқ лозим.

 Судьянинг **адолатли бўлиши** – унинг ҳаммани тенг кўриши, ишдаги тарафларга бир хил муносабатда бўлиши, ишнинг ҳақиқий ҳолатини аниқлай олиши ҳамда ҳар қандай ҳолатда масалага холис, қонуний ҳуқуқий баҳо бера билиши ва масалага нисбатан ечими, яъни қабул қилган қарорининг нечоғлиқ тўғрилиги билан баҳоланади.

Судьянинг ҳар қандай ҳаракати, қарори қонунга асосланган ва адолатли бўлиши шарт.

Хулоса ўрнида айтсак, Цицерон таъкид этганидек, ҳалол одам ҳакамлик курсисига ўтирар экан, у шахсий майлларини унутади. Чунки, ҳакам – гапираётган қонун, қонун эса тилсиз ҳакамдир. Ҳақ гап. Демак, илгари ҳам айтганимиздек, судья ҳар бир ишга юксак масъулият билан ёндашиши, керак бўлса, ўзини судланувчи, жабрланувчи ёки жавобгар ёинки маъмурий ҳуқуқбузарликда айбланаётган шахс ўрнига қўйиб кўриши лозим. Шундагина йўл қўйилиши мумкин бўлган хатоликлар олди олинади. Давлатимиз раҳбари тўғри таъкидлаганидек танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик бугунги кунда давлат бошқаруви органларида фаолият кўрсатаётган барча инсонлар қатори судьялар фаолиятининг ҳам кундалиқ қоидаси бўлиб қолиши зарур.

## КОРРУПЦИЯ – ЎТА ХАВФЛИ ИЖТИМОЙ ҲОДИСА, УНГА ҚАРШИ КУРАШМОҚ КЕРАК!

*Адолат устувор бўлган, қонунга итоат этилиб яшаган давлатлар юксак тараққиётга эришган ва эришишмоқда. Шундай экан қонунлар инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини чегаралаб қўйиш, қўрқитиш ёки таҳликада ушлаш учун эмас, балки уларга ёрдам бериш, ахлоқан тарбиялаш, қонунбузарликларнинг олдини олиш учун яратилган. Демак, барча фуқаролар ким бўлишдан, қайси лавозимда ишлашидан қатъи назар қонунларни чуқур англаб етиши ва ҳурмат қилиши, уларга итоат этиши шарт.*

Минг афсуски, “гуруч курмаксиз бўлмайди”, деганларидек ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари орасида ҳам қонунларни бузиш орқали коррупцияга мойиллик ҳолатлари учраб турибди. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, айниқса, суд тизимида бу каби иллатнинг мавжудлигини асло кечириб бўлмайди. Оммавий ахборот воситалари орқали эшитиб, кўриб турибмиз, мамлакатимизда айрим мансабдор шахслар, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг баъзи бир ходимлари коррупция жиноятини содир этганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилганлиги очиқ-ойдин айтиляпти. Уларга коррупция айблови қўйилмоқда.

Сўнгги йилларда мамлакатимиз суд ҳокимияти тизимида коррупция ҳолатларини келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни чуқур ўрганиш ва таҳлил қилиш, коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш бўйича жуда кўплаб амалий ишлар қилинмоқда.

Халқимизнинг шундай мақоли бор: “Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шуқур қил”. Мазкур ҳолат бизга яхши намуна бўлиши керак. Қуёшнинг чиқмоғи билан ботмоғи бўлганидек, бу йўлдан юрганларнинг ҳам жавоби албатта бўлади. Ана шу тушунчани судьялар ва суд тизими ходимлари онгига сингдириш мақсадида Судьялар олий кенгашининг ташаббуси билан жуда таъсирли ва ибратли “Пушаймон” деб номланган фильм яратилиб, бутун Республика судьялари, уларнинг турмуш-ўртоқлари, ота-оналари, яқин қариндошлари иштирокида намойиш этилди. Суд тизимининг собиқ вакили ҳаёти ва тақдири ҳақида ҳикоя қилувчи мазкур фильм судьяларда жуда катта таассурот қолдирди. Ҳар бир судья, суд тизими ходимлари, уларнинг оила аъзолари бундан ўзига тегишли хулоса чиқарди. Нафсига эрк берса, эртага пушаймон кеч бўлишини англашди.

Судьялар олий кенгаши судьялар ва судлар аппаратлари ходимларининг маънавий дунёқарашини кенгайтириш, масъулиятини ошириш, одобини юксалтириш мақсадида турли китобларни нашр этиб келмоқда. Мана шулардан бири “Уч машҳур ўзбек аёли” китобидир.

Мазкур китобда оддий ўзбек оиласида туғилиб вояга етган, кейинчалик мамлакатимизда ва қолаверса бутун

дунёга машҳур бўлган, энг муҳими ҳалол-пок яшаб, суд ва адлия органларида узоқ йиллар раҳбарлик қилган жонкуяр ва фидойи юртдошларимиз Хадича Сулаймонова, Мамлакат Восикова ва Ҳалима Муҳитдиноваларнинг ибратли ҳаёти ва фаолияти, тарихий аҳамиятга эга бўлган архив материаллари асосида батафсил ёритиб берилган.

Гап шундаки, мазкур китобда ўзбек ҳуқуқшунослиги тарихидан муносиб жой олган мазкур оқила ватандош хотин-қизларимиз ўз ҳаётини қарашлари, оддийгина, лекин ўта мазмунли турмуш тарзи, суд ва адлия органлари тараққиётига қўшган муносиб ҳиссалари билан бугунги кунда барча судьялар ва судлар аппаратлари ходимларига ибрат эканлигига алоҳида урғу қаратилган. Халқимизнинг ушбу юксак салоҳиятли аёллари саналган бу уч ҳуқуқшунос дарғаларини, шубҳасиз поклик ва ҳалоллик шундай улуғ мартабаларга етказган. Судьялар олий кенгашининг суд тизимида коррупцияга қарши кураш бўйича энг йирик лойиҳаларидан бири бўлган “Уч машҳур ўзбек аёли” китоби шу нуқтаи назардан ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Бундан ташқари, 2021 йилда Судьялар олий кенгаши томонидан “Судья маънавияти, одоби ва масъулияти” китоби нашр этилди. Унда судья қандай маънавий фазилатларга эга бўлиши, унинг маърифий қарашлари, одоби, давлат ва жамият олдидаги масъулияти мезонлари ҳақида сўз борган. Хусусан, китобнинг 40 саҳифасида қуйидаги таъсирли жумлалар келтирилган:

– *Маънавий баркамолликка эришишнинг биринчи шартини – нафсни жиловлаш. Инсон ҳам – жонзот. Унинг барча жониворларга ўхшаш жиҳатлари жуда кўп. Нафс – инсондаги худди шундай ҳайвоний эҳтиёжларнинг кўриниши. Нафсни қондирмай туриб яшаб бўлмайди. Яъни, одам ҳар қуни сув ичиши, овқатланиши, ухлаши шарт. Аммо, нафс шунгагина кўниб қўя қолмайди. Нафс эҳтиёжларининг чек-чегараси йўқ. Инсон умрининг охирига қадар яна ва яна кўпроқ моддий неъматларга эга бўлишга интилаверади.*

Нима қилиш керак?

Бу саволга ўзбек халқининг қадим замонлардан ҳозиргача бўлган даврдаги не-не буюк зотлари жўяли жавоблар топган. Уларнинг барини умумлаштирсак, инсон бориға қаноат қилиш асосида нафсини тийиши, жиловлаши, тартибга солиши зарур, деган хулоса келиб чиқади. Шундан бошқа оқилона йўл йўқ. Акс ҳолда, одам шарманда бўлади. “Нафсим менинг балодур, ҳар мақомга соладур”, – дейилади яна бир ўзбек халқ мақолида.

**Азизжон РАҲИМОВ,**

*Тошкент вилояти маъмурий судининг судьяси.*





## СУД ТИЗИМИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ: ТИЗИМЛИК, ТАЪСИРЧАНЛИК ВА САМАРАДОРЛИК

*Сир эмас бугунги кунда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бутун дунёда долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, “коррупциянинг олдини олмасак, ҳақиқий ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яратиб бўлмайди, умуман, жамиятнинг бирорта тармоғи ривожланмайди”.*

Дарҳақиқат, жамиятда коррупциявий жиноятларнинг кўпайиши давлатнинг ривожланишига тўсқинлик қилиб, халқнинг давлат органларига нисбатан ишончини сусайтиради. Давлат ва жамият тараққиёти ўз-ўзидан таназзулга юз тутаяди. Аксинча, коррупция ҳолатлари кам кузатиладиган мамлакат юксак тараққиётга эришади. Масалан, дунёдаги коррупция билан боғлиқ жиноятлар кам учрайдиган Сингапур давлатини олайлик. Ушбу давлатнинг майдони бизнеснинг Андижон вилоятидан 5 баробар кичик бўлган Сингапур дунёда аҳоли жон бошига ЯИМ энг юқори бўлган мамлакатлардан бири ҳисобланади. Жаҳон банки рейтингига 35-ўрин, Халқаро валюта фонди ва БМТ рейтингларида 34-ўринда қайд этилган.

Коррупция балоси айниқса суд тизимида бўладиган бўлса унинг зарарли оқибатлари жуда ҳам катта бўлади. Шу боис бугун биз таҳсил олаётган Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактабида бўлажак судьяларни судьялик фаолияти давомида фақат виждонига қулоқ тутиб, ҳалол ва пок бўлиб, адолатли қарорлар қабул қилишимизни уқтиради. Ўқув жараёнида малакали ва тажрибали устозлар томонидан мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, коррупция, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар, манфаатлар тўқнашуви сингари муҳим тушунчалар, уларнинг мазмун-моҳияти батафсил тушунтирилади. Бундан ташқари, Судьялар олий мактабида судьялик лавозимида номзодларни тайёрлаш курсида таҳсил олаётган тингловчилар билан таниқли шоир-ёзувчилар, олим-уламолар, маърифатпарвар зиёлилар билан доимий равишда учрашувлар ўтказилиб келинмоқда. Айниқса, суд тизимида узоқ йиллар ҳалол ишлаб, халқимизнинг меҳрини қозонган машҳур судьялар билан бўлган мулоқотлар, уларнинг ҳаётий ўғитлари бизни коррупция балосидан узоқ юришимизга даъват қилмоқда. Устозлар томонидан айтиб берилган ҳаётий воқеа-ҳодисалар, ибратли фикр-мулоҳазалар доимо бизнинг ёдимизда бўлиши шарт. Шундагина биз суд тизимида узоқ йиллар ишлашимиз мумкин. Ўқув жараёнида манфаатлар тўқнашуви яъни, иш фаолиятида шахсий манфаатдорлик, қонунга хилоф бойлик орттириш шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият



эканлигини тушуниб етдим. Кимки, коррупцияга ёки манфаатлар тўқнашувида гирифтор бўладиган бўлса, унинг келажаги бўлмайди. Устозлар ўғитидан англадимки, нафсини тийишни удралайдиган киши – ҳар томонлама кучли ва ақлидир, удралай олмаганлар – маънавият оқсаган кучсиз ва ожиз кишилардир.

Бугунги кунда Судьялар олий кенгаши томонидан тизимда коррупциянинг олдини олишга қаратилган жуда кўплаб амалий ишлар қилинмоқда. Масалан, мамлакатимизнинг узоқ ҳудудларида судьялик касбига садоқат билан ишлаб, судьялик одоби кодексига белгиланган қоидаларга қатъий амал қилиб, бошқаларга ўрнак бўлаётган туман ёки шаҳар судларининг судьялари ота-оналарига, мактабда ўқитган ўқитувчиларига фахрий ёрликлар ёки раҳматномалар, эсдалик совғалари бутун суд тизими олдида тантанали равишда топширилмоқда. Судьялар олий кенгашининг мана шундай лойиҳалари коррупциянинг олдини олишда жуда яхши натижа беради. Чунки, бошқа судьялар ҳам шундай эътибор ва ҳурматга эришишга интилади.

Бундан ташқари, Судьялар олий кенгаши коррупция ҳолатларининг олдини олиш ва суд тизими фаолиятида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш учун судьялик лавозимларига номзодларни танлаш бўйича имтиҳон жараёнларини Интернет тармоғи орқали онлайн тарзда ёритиб бориш йўлга қўйди. Судьялик лавозимида номзодлар ва судьяларнинг психологик портрети бўйича касбга муносиблигини баҳолашга кўмаклашувчи электрон дастур ишлаб чиқилиб амалиётга жорий этилди. Амалдаги судьялар фаолиятининг самарадорлигини электрон рейтинг орқали очиқ ва шаффоф баҳолаш амалиётга татбиқ этилди.

Хулоса қилиб айтганда, қонун устуворлигини таъминлаш, адолатни беғараз амалга ошириш жараёнида, ҳар қандай йўсинда манфаатдор бўлишга уриниш, ҳаракат ва ҳаракатсизликнинг олдини олиш тизимлиликка айланди.

**Камол РУЗИЕВ,**

*Судьялар олий мактаби тингловчиси.*

# ҲУҚУҚ УСТУВОРЛИГИНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

## АННОТАЦИЯ:

*ушбу мақолада шахс, жамият, давлат муносабатларидаги ва шу муносабатни адолат ва одиллик асосида тартибга солиб турадиган барқарор ижтимоий муносабат ҳисобланадиган ҳуқуқ устуворлиги ва унинг таянч тамойиллари илмий ва назарий жиҳатдан таҳлил этилган.*

**Калит сўзлар:** *давлат бошқарув асослари, инсон ҳуқуқлари, адолатсиз қонунлар, халқаро ҳуқуқ нормалари.*

Ўтган минг йилликлар давомидаги давлат, жамият ва шахс муносабатларига назар ташлайдиган бўлсак ҳозирда қарор топган барча мамлакатлар учун умумий бўлган бир жиҳатни кўришимиз мумкин, бу ҳам бўлса, давлатни идора қилишдаги усуллар, методларнинг тадрижий равишда ривожланиб, сайқалланиб боришидир. Инсоният шундай даврлардан ўтдики, инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари ҳеч қайси давлат ҳокимияти томонидан таъминланмади, давлат бошқарув асослари эса якка ҳокимлик ва диктатура каби бошқарув негизлари асосида амалга оширилди.

Мана шу даврлардаги кенг кўламдаги инсон ҳуқуқларининг бузилиши ва кейинги даврларда у билан боғлиқ бўлган курашлар бугунги кундаги демократия ва унинг асосий тамойилларини яратган дейишимиз мумкин. Буларни илмий-назарий таҳлил этганимизда давлат бошқарув асосларининг негизи ва инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг мазмуни нақадар мураккаб ва жуда ҳам бой эканлигини кўраимиз. Бу эса ўз навбатида демократия ва у билан чамбарчас боғлиқ бўлган, балки уни қайсидир маънода тўлдириб турадиган ҳуқуқ устуворлиги каби ғояларни ижтимоий амалиётга янада кўпроқ кириб боришининг заруриятини кўрсатади. Дунё мамлакатларига назар ташлайдиган бўлсак, демократиянинг қайсидир бир кўриниши мавжуд бўлган ёки уни қўллаб қувватлайдиган давлат ўз демократияси орқали дунё ҳамжамиятига мақтаниши, лекин, ҳуқуқ устуворлиги, уни амалга ошириш борасида ҳали ҳам оқсоқланиши мумкин. Мана шундай сабаблар ҳуқуқ устуворлиги, унинг мазмун моҳияти каби саволларнинг қанчалик мураккаб эканлигини кўрсатади.

Қадимда демократия ва адолатга ташна олимлар томонидан яратилган асарлар ҳам маълум маънода инсонларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларининг янада ривожланишига ва ижтимоий амалиётга мана шу ғояларнинг кириб боришини таъминлашга ҳисса қўшди. Ўрта асрларда монархлар ва оддий инсонлар ўртасидаги кураш, қулчилик тизимини йўқ қилиш борасидаги табиий даъволар негизида ҳуқуқ устуворлиги асрдан асрга, даврдан даврга сайқалланиб борди, у тўғрисидаги ғоялар ҳам ўзгарди ва янгича кўриниш касб этди.

Ҳуқуқ устуворлигининг тарихий-тадрижий ривожланиш жараёни қуйидагича тартибда кечди.

## Ҳаммурапи кодекси

Энг қадимги ёзма ҳуқуқий кодекс милoddан аввалги 1750 йилга тегишли Ҳаммурапи кодекси эди. Бобил қироли Ҳаммурапи ўзининг тарқоқ ҳудудини бирлаштириши зарур эди ва судьялар томонидан назорат қилинадиган тизим остида хулқ-атвор, савдо ва сотиқ қоидаларини ўрнатишга қарор қилди. Замонавий стандартлар билан солиштирганда, кодекснинг аксарият ҳуқуқ нормалари қаттиқ: кўплаб жиноятлар ўлим ёки жисмоний жазо билан жазоланган. Шундай бўлсада, у ҳукумат ҳуқуққа бўйсунуши кераклиги ҳақидаги ғояларни киритиши билан ажойиб эди. Ҳуқуқлар яширин ёки илоҳий эмас, давлат қоидаларига асосланиши ва бу ҳуқуқ судьялар томонидан самарали ва адолатли қўлланилиши керак.

## Афина демократияси

Афина тизимида судьялар барча фуқаролардан иборат Ассамблеядан куръа ташлаш йўли билан олигарди, чунки ҳукм чиқарилишида тенглик ва коллегиялик бўлиши керак, деб ҳисобланган. Барча фуқаролар ҳам шахсий, ҳам давлат ишларини судга олиб чиқиш ҳуқуқига эга эдилар. Тижорат ҳуқуқида Афина тенг ҳуқуқли фуқаролар ўртасида мажбурий шартномалар тамойилини киритди. Бу шуни англатадики, қўпол куч эмас, балки ҳуқуқ тижорат низоларини ҳал қилишни белгилайди, бу тамойил Афинани минтақанинг савдо марказига айлантиришга ёрдам берди. Тенглик асосида ташкил этилган ҳакамлар ҳайъатининг ҳукми ва фуқароларнинг судларга тенг кириш ҳуқуқи замонавий адлия тизимларининг кўпчилигига киритилган Афина ҳуқуқининг баъзи хусусиятларидан биридир.

## Рим ҳуқуқи

Аксарият олимлар Фарб ҳуқуқига таъсир кўрсатувчи энг муҳим аъёна сифатида Рим тизимини тилга оладилар. Рим ҳуқуқи Афина ҳуқуқига қараганда камроқ тенг ҳуқуқли бўлиб унинг биринчи мақсади аристократик ер эгаларини ҳимоя қилиш эди. Бундан ташқари, Рим ҳуқуқининг тарқалиши империя ва ҳарбий ҳукмронлик орқали содир бўлди. Шу билан бирга Рим аъёнаси ҳуқуқ устуворлигининг бир қанча асосий тамойилларини, шу жумладан фуқаролик ҳуқуқи ва суд жараёнларини билиш заруригини, ҳуқуқ барқарор бўлиши ва преседент ва шароитларга қараб ривожланиши кераклиги ва табиий ҳуқуқ (умумхалқ инсон ҳуқуқлари) ва позитив (техноген) ҳуқуқ

ўртасидаги асосий тамойилларни тушунтириб берди. Рим анъанаси Византия империяси остида сақланиб қолган ва вақт ўтиши билан бутун Муқаддас Рим империяси бўйлаб Европа ҳуқуқининг ва амалиётининг таркибий қисми сифатида киритилган.

### Англо-саксон анъанаси

Милодий 1215 йилда Англия қироли Жон томонидан имзоланган Магна Карта бошқарувнинг энг асосий тушунчаларидан бирини, яъни давлат бошлиғи—монархнинг ҳокимияти ўз фуқароларига нисбатан чекланганлигини ўрнатди. Магна Карта қондаларига куйидагилар киради:

Ҳеч бир эркин одам ҳибсга олинмайди, ҳуқуқлари ёки мулкидан маҳрум этилмайди, қонундан ташқари деб топилмайди ёки сургун қилиниши ёки бошқа йўл билан ўз мавқейидан маҳрум этилиши мумкин эмас:

Биз (Қирол) унга қарши ҳуқуқдан ташқари куч ишлатмаймиз.

Замонавий демократик мамлакатларда ҳуқуқ устуворлиги ижро этувчи ва қонун чиқарувчи ҳокимиятлардан мустақил равишда ҳаракат қила оладиган ва шу тариқа ўзбошимчалик ёки сиёсий сабабларга кўра эмас, балки белгиланган ҳуқуқ ва преседент асосида ҳукмронлик қила оладиган суд ёки суд тизимига таянади. Барон де Монтескье «Қонунлар руҳи» (1748) асарида ҳокимиятларнинг бўлиниши ғоясини тавсифлаб шундай ёзган:

“Яна, агар суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан ажратилмаса, эркинлик йўқ, агар у қонунчилик билан бирлаштирилса, субъектнинг ҳаёти ва эркинлиги ўзбошимчалик билан назоратга олинади, чунки судья ўшанда қонун чиқарувчи бўлар эди, бунда ижро ҳокимияти, судья зўравонлигига йўл қўйиб берилар эди”.

Британия империясининг кенгайиши ва кучайиб бораётган таъсири Британия ва АҚШ қонунчилигига ҳуқуқ устуворлиги ва ҳокимиятлар бўлинишининг киритилишига сабаб бўлди. Кейинги икки аср давомида Қўшма Штатлар жаҳон кучи сифатида ҳуқуқ устуворлиги тамойилларини бутун дунё бўйлаб, шу жумладан Британия мустамлакаларида ҳуқуқ ва эркинликлар кенгайишининг тарқалишини тезлаштирди. Бундан ҳам муҳими, ҳуқуқий жараён, инсон ҳуқуқлари ва ўзини ўзи бошқаришни қўллаб-қувватловчи табиий ҳуқуқ далиллари бутун дунё бўйлаб қўллаб мустақиллик ва демократик ҳаракатларнинг куралига айланди. Маҳатма Ганди ҳуқуқий даъволарини адолатсиз қонунларга қарши фуқаролик қаршилиги билан бирлаштирган энг таниқли ва энг муваффақиятли ҳимоячилардан бири бўлди. Ганди Британия ҳуқуматини ўз тамойилларига риоя қилишга мажбурлашга муваффақ бўлди. Ушбу стратегия қўллаб издошларни жалб қилди. Америка Қўшма Штатларида Баярд Рустин ва Мартин Лютер Кинг Жр каби Ганди издошлари норозилик ва фуқаролик қаршилиги воситаларидан, адолатсиз ҳуқуқларга ҳуқуқий даъволар билан бирга, афро-америкалик-

ларга Жим Кроу ҳуқуқларига ва қонунийлаштирилган камситишларга қарши ҳаракат қилиш имкониятини бериш учун фойдаландилар.

### Ҳуқуқ устуворлигининг асосий тамойиллари.

Ушбу тарихий ёзувлар, ташкилий таърифлар ва замонавий илм-фан ва нутқлар орқали ҳуқуқ устуворлигининг асоси бўлган бир қанча тамойиллар пайдо бўлди. Улар куйидаги фикрларни ўз ичига олади.

#### I. Қонуннинг устунлиги

Қонун устун бўлиши керак. Ҳар бир инсон ҳаётида қандай мавқега эга бўлишидан қатъий назар, қонунга бўйсунлади.

Бу биринчи тамойил Аристотел давридаги ҳуқуқ устуворлигининг моҳиятини баён қилади: ҳуқуқ устуворлиги – бу “одамлар томонидан эмас, ҳуқуқлар бўйича бошқарувдир”. “Сиёсат” асарида Аристотел “ҳар қандай фуқаролардан кўра қонун ҳукмрон бўлиши тўғрироқ” деб ёзган эди. Америка адвокатлар ассоциацияси президенти Честерфилд Смит 1973 йилда Уотергейт баҳси ва Президент Ричард Никсоннинг ролини муҳокама қилишда ушбу тамойилни куйидагича умумлаштирган: “Ҳеч ким қонундан устун эмас”. Қонун жамиятдаги ҳар бир киши учун, уларнинг ҳаётдаги мавқейидан қатъий назар, амал қилади.

#### II. Ҳокимиятларнинг бўлиниши

Таянч концепцияга мувофиқ, ҳуқуматда ҳокимиятлар бўлиниши керак. Қонун ишлаб чиқувчилар ҳуқуқни умумий маънода қабул қилишлари ва муайян вазиятларда қўллаш тўғрисида қарор қабул қиладиган орган бўлмаслиги керак. Ижроия ҳокимияти ҳуқуқни муайян вазиятларда қўллайди. Суд ҳокимияти эса ҳуқуқни муайян вазиятларга қўллаш билан боғлиқ низоларни ҳал қилади.

Бу иккинчи тамойил қабул қилинган қонун жамиятдаги ҳар бир кишига нисбатан қўлланилишини ва фақат танланган шахсларнинг қилмишларини жиноий жавобгарликка тортиш учун қабул қилинмаслигини таъминлайди. Қонунлар умумий, истиқболли бўлиши ва барча шахсларга нисбатан қўлланилиши керак. Қадимги юнон ёзувчилари, айниқса, қонун чиқарувчи орган ва ҳуқуқни қўлловчи орган ўртасидаги ҳокимиятнинг бўлинишидан хавотирда эдилар. Аристотел “Риторика” асарида қонун чиқарувчининг қарори алоҳида эмас, балки истиқболли ва умумийдир, ассамблея аъзолари ва ҳакамлар ҳайъати эса ўз олдларига қўйилган аниқ ишлар бўйича қарор қабул қилишни ўз бурчи деб биладилар, деб ёзган эди.

#### III. Тенг қўлланилиш

Ҳуқуқ барча шароитларда барча шахсларга нисбатан бирдек қўлланилиши керак.

Тенглик тамойили ҳуқуқ устуворлигининг марказий ғоясидир. Юнонларнинг жамиятдаги мавқеий қандай бўлишидан қатъий назар, ҳуқуқ остида ҳамма-нинг тенглиги ғоясини тўлиқроқ ифодаловчи яна бир

сўз — изономия бор эди. Айрим қадимги юнон ёзувчилари учун изономия демократиядан ҳам юқори идеални ифодалаган. Демократик давлатда кўпчилик озчиликни таъқиб қилиши мумкин. Бироқ, изономия жамиятдан барча фуқароларга тенг муносабатда бўлишни талаб қилади. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, ушбу учинчи тамойил ҳуқуқнинг шахслар тоифаларига бошқача муносабатда бўлиши мумкинлигини тан олади, лекин ҳар хил муносабат оқилона асосга эга бўлишни талаб қилади. Ушбу ғоя учинчи тамойилнинг баёнида ҳуқуқ барча шахсларга “ўхшаш вазиятларда” бир хилда қўлланилишни талаб қилиш орқали ўз ифодасини топган.

#### IV. Фақат қонунлар

Қонун адолатли бўлиши ва жамиятдаги барча шахсларнинг асосий инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиши керак.

Бу тўртинчи тамойил ҳуқуқ устуворлигининг процессуал эмас, балки моддий кафолатини ўзида муҳим эътибор берган бўлиб, жамиятда ҳуқуқ устуворлигини таъминловчи қонунлар адолатли бўлиши керак деган ғояни ифода қилади. Ушбу муҳим талаб ҳуқуқ устуворлиги билан ишлайдиган ҳукуматни қонун устуворлиги билан ишлайдиган ҳукуматдан фарқлаш учун мўлжалланган. Масалан, фашистлар Германиясида ҳуқуқ устуворлигининг баъзи элементлари мавжуд бўлиши мумкин эди, аммо қонунлар адолатли бўлмаса, жамият ҳуқуқ устуворлиги асосида бошқарилмайди.

#### V. Мустақкам ва қулай ижро

Ҳуқуқий жараёнлар адолатли қонунлар ижросини таъминлаш ва инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш учун етарлича мустақкам ва қулай бўлиши керак.

Бу бешинчи тамойил қонунлар ижро этилиши шарт деган фикрни ифода қилади. Қўшма Штатларда узоқ вақтдан бери ҳимоясиз ҳуқуқ умуман ҳуқуқ эмаслиги аниқланган. Бош судья Жон Маршалл 1803 йилда “Марбери Медисонга қарши” асаридеда Олий судга шундай деб ёзган эди: **“Қўшма Штатлар ҳуқуқлари одамлар эмас, балки ҳуқуқлар ҳуқуқлари деб аталган. Агар ҳуқуқлар ўзига берилган қонуний ҳуқуқнинг бузилиши учун ҳеч қандай чора кўрсатмаса у албатта, бу юксак унвонга лойиқ бўлмайди”**. Бу билан Жон Маршалл ҳуқуқ, аввало, ўзини ўзи ҳимоя қилиш механизмига эга бўлиш кераклигини ўқтириб ўтади.

#### VI. Мустақил суд тизими

Ана шу адолатли ҳуқуқларни ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминловчи суд ҳокимияти ижро этувчи ёки қонунни қабул қилувчи органлардан мустақил равишда амалга оширилиши керак ва судьялар ўз қарорларида фақат қонунлар ва алоҳида ишларнинг фактларига асосланиши керак.

Ҳуқуқ устуворлиги мустақил суд ҳокимиятини талаб қилади деган тамойилни олим Коннор ҳуқуқ устуворлигининг асоси сифатида таърифлаган. Алек-

сандр Ҳамилтон 1776 йилда АҚШ Конституциясининг маъқулланишини қўллаб-қувватлаган “Федералист” журналида суд мустақиллигининг аҳамиятини шундай таърифлаган: **“Ҳеч ким эртага адолатсизлик қурбони бўлмаслигига ишонч ҳосил қила олмайди. Уни таъминлаш эса адолатли суд ҳокимиятининг зиммасидадир”**. Агар бошқарув одамлар томонидан эмас, ҳуқуқ бўйича бўлиши керак бўлса бу ҳуқуқларнинг холис, бир текисда ва мустақил суд ҳокимияти томонидан қўлланилишини талаб қилади.

Таъкидланганидек, бу олтинчи тамойил ҳам институционал, ҳам қарорий мустақиллик ғояларини ўз ичига олади. Институционал мустақиллик суд ҳокимиятининг ижро этувчи ва қонун чиқарувчи ҳокимият тармоқларидан мустақиллигини тавсифлайди. Қарор қабул қилишнинг мустақиллиги — судьянинг муайян ишни фақат қонун ва ишда судьяга тақдим этилган фактлар асосида ҳал этиши лозимлиги ҳақидаги ғояларни умумлаштиради. Ҳуқуқий давлат бошқаруви учун ҳам институционал, ҳам қарорлар мустақиллиги муҳим аҳамиятга эга.

Юқоридаги фикрларни умумлаштирадиган ва ижтимоий амалиётни давлатлар ва мамалакатлар миқёсида ўрганадиган бўлсак, ҳуқуқ устуворлиги — бу идеалдир. Бу тамойилларнинг барчаси ҳар қандай жамиятда мустақкам бўлиши даргумон. Бу эса шундай жамиятда ҳуқуқ устуворлиги мавжуд эмас деган ҳулосага олиб келмайди.

Бизнинг фикримизча, ҳуқуқ устуворлиги — бу идеал, мақсад, интилувчи нарса. Идеал сифатида унга ҳеч қачон тўлиқ эришилмайди. Шунинг учун унинг мавжудлиги ёки йўқлиги нисбий жиҳатдан баҳоланиши керак, юқори даражада ривожланган ғарбий демократияларда мавжуд бўлган нарсага ривожланаётган мамлакатда эришиб бўлмайди.

Ҳеч бир давлат ушбу тамойилларга тўлиқ риоя қилишни даъво қила олмайди. Демак, ҳуқуқ устуворлиги биз ҳозир ва келажакда йўл-йўриқ сўрашимиз мумкин бўлган йўлчи юлдуздир ва шунинг баробарида, бу бизнинг эркинлик ва адолат учун энг яхши умидимиздир.

**Санжар АМИРОВ, Отабек ПОЁНОВ,**  
*Қашқадарё вилояти юридик техникуми ўқитувчилари.*

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Hayek, supra note 3, at 166.
2. Tom Bingham, The Rule of Law 3–5, 8 (2010); A.V. Dicey, Introduction to the Study of the Law of the Constitution 179–201 (7th ed. 1908); Robert Stein, Rule of Law: What Does It Mean?, 18 Minn. J. Int'l L. 293 (2009).
3. Sandra Day O'Connor, Address at Dedication of the CEELI Institute (June 8, 2007), excerpted in CEELI Inst. News., June 2007, at 2; Ruth V. McGregor, A Tribute to Justice Sandra Day O'Connor, 119 Harv. L. Rev. 1245, 1246 (2006) (describing Justice O'Connor's advocacy for the rule of law and service on the Executive Board of the American Bar Association's Central and Eastern European Law Initiative).
4. Sandra Day O'Connor, Vindicating the Rule of Law: The Role of the Judiciary, 2 Chinese J. Int'l L. 1, 1 (2003).
5. World Justice Project, Rule of Law Index 6–9 (2019).

## СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ, ЯЪНИ НЕЙРОТАРМОҚНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИНИ БЕЛГИЛАШ МУАММОЛАРИ

*Инсоният ақлий фаолиятининг бугунги тараққиёти нафақат инсоният учун қулайлик яратиб, балки ақлий-ижодий фаолият соҳасида инсон учун рақобатчи бўладиган сунъий ақл яратилишига олиб келди. Шу пайтга қадар мантиқий фикрлар, маълумотларни таҳлил қилиш, мавжуд ахборот асосида муайян хулосалар чиқара олиш қобилияти фақат инсонга хос бўлган бўлса, XXI аср 20-йилларидан бошлаб бу соҳада инсон билан рақобатлаша оладиган ақл-идрок соҳиби юзага келди ва буни ҳам инсоннинг ўзи яратди.*

Алал-оқибат эса сунъий интеллект (СИ) деб аталадиган ушбу “тафаккур соҳиби” одатдаги даражадаги инсонларга қараганда тезроқ фикрлайдиган ва хулоса қиладиган даражада такомилга етди. Агар СИнинг такомиллашуви шу зайлда давом этса, кейинги 20 йилликда одамзод “фикрлаш мажбурияти”ни ҳам тўлиқ “янги тафаккур соҳиби”га топшириши катта эҳтимол билан юз беради. Шундай экан, “янги тафаккур соҳиби” – СИ ёки бевосита ақлий-ижодий фикрлайдиган нейротармоқларнинг ҳуқуқий мақомини аниқлаш ва уларнинг инсон билан рақобатлашиши чегарасини белгилаш мақсадга мувофиқдир.

Таъкидлаш лозимки, сунъий нейрон тармоғи ёки шунчаки нейротармоқ –биологик нейрон тармоғи, яъни тирик организмнинг нерв хужайралари тармоғини ташкил этиш ва фаолият кўрсатиш тамойили бўйича қурилган математик модел, шунингдек унинг дастурий ёки аппаратли ифодаланишидир.

Оддий ифодалаганда нейротармоқ – бу машинали таълимнинг туридан бири бўлиб, бунда компьютер дастури турли нейрон боғламларидан фойдаланиб инсон онги тамойили бўйича ишлайди. Агар ниҳоятда содда-лаштирилса, бу кичирайтирилган инсон мияси бўлиб, фақат бунда нейронлар сунъий ва ўзида ҳисоблаш элементларини ифодалайди ва улар биологик нейронлар шаклида ва уларга монанд яратилган бўлади. Шулардан хулоса қиладиган бўлсак, нейротармоқ – математик ҳисоблашга асосланган дастурий таъминот ёки қурилма сифатида инсоннинг ақлий фикрлаш функциясини маълум даражада бажара олиш қобилиятига эга. Шу сабабли нейротармоқ сифатида яратилган турли хилдаги дастурлар ва ускуналар одатдаги механик функциялар билан бирга ақлга асосланган ҳаракатларни ҳамда ижодий фаолиятни ҳам амалга ошириши мумкин.

Айрим мутахассисларнинг фикрича нейротармоқнинг асосий вазифаси фойдаланувчи томонидан бериладиган турли хилдаги интеллектуал вазифаларни бажариш ҳисобланади. Бундай вазифалар эса турли хилда бўлиши мумкин.

Ҳозирги кунда қонунчиликни тартибга солишни талаб қиладиган янги соҳалар тобора кўпайиб нейрон тармоқлардан фойдаланиш аста-секин ушбу соҳалардан бирига айланиб бормоқда. Бугунги кунда сунъий интеллект жамият ҳаётининг барча соҳаларига кириб келган ва жуда кенг тарқалган: фазо (NASA Curiosity роботи), таълим, спорт, виртуал ёрдамчилар (Siri ёки Alexa), онлайн таржимонлар ва ҳатто тиббиёт (Botkin.AI).

Бироқ, сунъий интеллектнинг энг машҳур тимсоли ChatGPT ҳисобланади. У интернет тармоғида мавжуд бўлган очик турдаги ахборотга асосланган матн яратиш учун ишлатиладиган нейрон тармоқ туридир.

Мутахассисларнинг фикрича, нейротармоқ томонидан яратилган асарларга нисбатан муаллифлик ҳуқуқи билан боғлиқ муаммолар бугунги кунда алоҳида долзарблик касб этмоқда. Бу айниқса, диссертациялар, мақолалар, диплом ишларига нисбатан муаллифликни баҳолашда кўпроқ кузатишмоқда. ChatGPTдан фойдаланиб ёзилган асарларга нисбатан муаллифлик ҳуқуқини бериш муаммоси ҳам мавжуд.

Ҳозирда нейротармоқ томонидан яратилган асарларга нисбатан муаллифлик ҳуқуқини ундан фойдаланган шахсга нисбатан беришда турли давлатларда турлича ёндашувлар белгиланганлигини кўриш мумкин. Жумладан, Японияда фойдаланувчи асарни яратишда агар бу асар бошқа асарларга “ўхшаш бўлмаса” ёки улардан “кўчирилмаган” бўлса ҳамда асарни яратиш учун СИга масалан, ChatGPTга “ижодий топширик” берган ва улардан янгилик сифатида фойдалана олган бўлса муаллифлик ҳуқуқи мазкур жисмоний шахсга тегишли бўлиши мумкин.

Нейротармоқлар томонидан яратилган интеллектуал мулк объектига нисбатан муаллифлик ҳуқуқи кимга тегишлилиги масаласига аниқлик киритишда юридик адабиётларда бир қатор назарияларга мурожаат қилиш ҳолатлари учрайди. Хусусан, меҳнат назарияси (labour theory)га кўра табиат яратган ва сақлаган ҳолатдан инсон қандайдир нарса чиқарса, юзага келтирса бу нарса унинг меҳнати билан уйғунланади ва фақат шу меҳнат натижасида яратган инсонга тегишли бўлиб, унинг мулкига айланади. Шу жиҳатдан интеллектуал мулк табиий ва умумий, очик ҳолатда бўлган ресурсларга нисбатан меҳнат натижаси бўлган ва меҳнат қилган шахсга табиий ҳуқуқ бўйича тегишли бўлган нарса ҳисобланади. У. Фишер мазкур назария бўйича қуйидагиларни билдиради: “меҳнат назарияси” моҳиятдан интеллектуал мулк соҳасига нисбатан қўлланилишида тегишли дастлабки материаллар (фактлар ва ғоялар) қайсидир маънода “умумий” ҳисобланади ва уларга меҳнат якуний натижанинг қийматига ўта муҳим ҳисса қўшади”.

СИ томонидан ҳар қандай, ҳаттоки “ноль”дан интеллектуал мулкнинг муайян объектини яратилиши муайян доирадаги шахсларнинг меҳнат сарфини талаб қиладиган ва бундай шахслар жумласига биринчи навбатда нейротармоқнинг “мураббийлари”, яъни нейротармоқни муайян

маълумотлар базалари асосида ўқитадиган ва унинг олдига тегишли вазифаларни қўядиган шахслар киради.

Адабиётларда келтирилишича “меҳнат назарияси” бўйича СИ фаолиятининг натижаси ва инсоннинг интеллектуал фаолияти натижаси ўртасида сезиларли фарқ мавжуд эмас. Зеро ҳозирда СИдан фойдаланиш кенг тарқалган ва бунда аниқлаш, белгилаш каби ҳаракатлар талаб этилмайди. СИ воситаларидан фойдаланиб асар яратиш сунъий интеллект ёрдамисиз, мустақил асар яратишга қараганда кам меҳнат ва вақтни талаб қилса-да, барибир меҳнат зарурдир.

**Меҳнат назариясини** СИ фаолияти натижаларига нисбатан қўллашдаги асосий тўсиқ меҳнат уринишлари қандайдир умумий ресурслар, мазкур назарияга кўра табиий ҳолатдаги табиат ресурслари билан боғлиқ бўлиши лозим, буни интеллектуал мулк соҳасида талқин этсак, бу ресурслар – гоёлар ва фактларнинг чексиз дунёси бўлиб, улардан ўз навбатида интеллектуал фаолиятнинг муҳофаза қилинадиган натижалари олинади. Мазкур ҳолат бўйича адабиётларда мулкдори бўлган ресурслар (бошқа асарлар)га нисбатан меҳнат сарфи натижасида яратиладиган ҳосила асарларга интеллектуал мулк ҳуқуқини тақдим этиш зарурати асослантирилади.

СИ борасида тўхталганда, маълумки, нейротармоқ инсон каби кўрган, эшитган ва бошидан ўтказганидан илҳомланиб ўз ташаббуси билан объектни ярата олмайди, балки ўз олдига қўйилган вазифаларга мувофиқ ва ўргатилган маълумотлар базалари асосида натижаларни кўради, холос. Бинобарин, бундай базаларнинг кўп ҳолларда интеллектуал мулкнинг муҳофаза қилинадиган объектлари “гоёларининг умумий дунёси”га киритилиши баҳслидир, қолаверса, бундай объектларни СИни ўқитишда фойдаланишни мустақил усул сифатида тан олиш учун ҳуқуқ эгасининг розилигини олиш масаласи кейинги пайтларда кўп кўтарилмоқда.

**Шахсий назария (personality theory)** И.Кант ва Г.Гегелнинг ҳуқуқ фалсафасига асосланган ва интеллектуал фаолият натижаларини шахсиятнинг давоми муаллиф иродасининг ифодаланиши ва ўз навбатида унинг шахсий мухторияти соҳасига мансублик сифатида талқин этади. Ўз навбатида, интеллектуал ҳуқуқлар интеллектуал фаолият натижаларини инсоннинг шахсий назорати соҳасига киришини таъминлайди, бундан ташқари, улар инсон ривожланишини учун муҳим бўлган интеллектуал фаолияти ижодкорлигига кўмаклашувчи ижтимоий ва иқтисодий шароитларни яратади. Ушбу назария асосида интеллектуал фаолият натижаларига бўлган ҳуқуқларни фуқаролик муомаласига киритиш муаллиф шахсияти соҳасига унинг рухсатисиз кириш ҳисобланмайди, балки унинг иродасига мос келади, зеро бу ҳолат муаллифнинг ўз талантини ривожлантириш, рассом обрўсига эга бўлиш ва алаоқибат рассом сифатида тирикчилик қилиш истагинини ифодалайди. Ҳолбуки, ушбу назария муаллифга мулк ҳуқуқларга қараганда, мулк ҳуқуқларни бериш зарурлигини тушунтиради.

Бундан ташқари, шахсий назария патент ҳуқуқига қараганда, истисно муаллифлик ҳуқуқларига

тегишлидир. Ушбу назария бўйича патент ҳуқуқи объектларига нисбатан истисно ҳуқуқлар нега мазкур объектларнинг моҳияти жамиятга мажбурий тартибда очикланганидан, патент божи тўланганидан кейин ва патент божи тўлаб туриладиган ва нисбатан узоқ бўлмаган муддатга берилишини тушунтириш қийин.

Шахсий назария асосида СИ фаолият натижасига истисно ҳуқуқлар легитимлигини белгилаш, патент ҳуқуқига истисно ҳуқуқларни белгилашга қараганда янада қийинроқдир. Албатта, нейротармоқнинг ўзи ҳам уни ишлаб чиққан шахс интеллектуал фаолиятининг натижаси ҳисобланади ва шу маънода шахсий назарияга мувофиқ СИ яратувчиси шахсиятининг давоми ҳисобланади. Бироқ СИ яратган объектларда СИ яратувчисининг шахсияти ифодаланиши баҳслидир, айниқса, бу нейротармоқ бошқа шахс томонидан ўқитилса янада мунозарали кўриниш ҳосил қилади. Бу ўринда нейротармоқнинг “мураббий” масаласи эътиборга молик, чунки ушбу “мураббий” нейротармоқ учун вазифалар ўлчамларини ва СИ ўқийдиган маълумотлар базаларини белгилайдики бу ўз навбатида СИ томонидан олинган натижада мазкур инсон шахсиятининг муайян “изи” бўлишини таъминлайди. Бироқ, фикримизча, бундай билвосита боғлиқлик объектни шахсий мухторият соҳасига киритиш ва айниқса муаллифга шахсий номулк ҳуқуқларни тақдим этиш учун етарли бўлмайди.

Адолатли ҳақ тўлаш назарияси (reward theory) асосида шундай далил ётадики, бунга биноан муаллиф ўз меҳнати ва талантининг маҳсулидан фойдалангани учун жамиятдан муносиб ҳақ олиш ҳуқуқига эга.

Айрим мутахассисларнинг ихтирога нисбатан фикрларига кўра тўланадиган ҳақ ихтиронинг фойдали бўлиши тан олинишига боғлиқ ва фойдалилик қанча юқори бўлса, тўланадиган ҳақ миқдори ҳам шунча кўп бўлади. Бошқа томондан адолат тамойилидан келиб чиқилмайдиган бўлса, муаллиф ҳам “йўқдан бор қила олмайди” ва муайян асарни яратишда ўзидан олдинги кўп сонли аждодлар меҳнатининг маҳсулидан муайян даражада фойдаланади: ҳар бир инсон нафақат ўзи шахсий қобилиятининг маҳсули балки, айни пайтда у томонидан олинган таълим, кўрилган ва ҳис қилинган дунёнинг, ўтган асрлар ва ўз асрининг асаридир. Ўз навбатида, интеллектуал фаолият натижаларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш даражаси адолат тамойили асосида белгиланиши ва муаллифнинг ҳақ олиш бўйича манфаатларини ҳам, жамият манфаатларини ҳам ҳисобга олиши лозим. Ушбу назарияни СИ фаолияти натижаларига нисбатан қўллашни асослаш бир қадар мушкулдир. Чунки, унинг асосида қатъий маънавий асослар ётади: зеро адолатни талаб қиладиган нейротармоқ эса фақат фантастик фильмлар ва китоблардагина учрайди, холос. Шу билан бирга, юқорида қайд этилганидек, СИ ўз ташаббуси билан ва олдиндан ўқитилмасдан ҳеч нарса яратмайди, бунда адолатли ҳақ тўлаш назариясининг далиллари нейротармоқ томонидан интеллектуал фаолияти натижаларига монанд объектларни яратиш жараёнида

ўзининг меҳнати ва қобилияти билан ҳисса қўшган шахсларга муайян ҳуқуқларни тақдим этиш масаласини ҳал қилишда инobatга олиниши мумкин.

**Адолатли ҳақ тўлаш назарияси истисно ҳуқуқларнинг утилитар концепцияси (utilitarian theory)** билан кесишади, бироқ утилитар назариясида маънавий жиҳат ижтимоий-иқтисодий жиҳат билан алмашади.

Утилитар концепциянинг асосида И.Бентамнинг утилитар назария ҳуқуқи ётади, унга кўра қонунлар кўпчилик одамлар учун максимал миқдордаги фойда келтириш мақсадида қабул қилиниши лозим ва мулкӣ ҳуқуқларни ўрнатишда қонун чиқарувчи ижтимоий фаровонликни максималлаштиришга ҳаракат қилиши лозим.

Маданий ва илмий-техник тараққиёт ижтимоий фаровонлик сифатида қаралар экан, ушбу назария доирасида истисно ҳуқуқларни бериш муаллифга муайян ҳақ олиш имконияти тақдим этиш билан бирга, куйидаги бошқа мақсадларни ҳам кўзлайди: биринчидан, ижодий ва инновацион фаолиятни рағбатлантириш; иккинчидан, илмий-техник соҳада интеллектуал фаолият натижалари учун интеллектуал фаолият натижаларини жамият учун эълон қилиш муҳимдир, зеро муайян муддат ўтганидан сўнг ушбу объектларга нисбатан истисно ҳуқуқлар умуммиллий бойликка айланади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган мақсадларни ҳисобга олган ҳолда утилитар концепция СИ фаолияти натижаларини легитимлаштириш учун нисбатан мақбулроқ кўриниш ҳосил қилади, деб ҳисоблаш мумкин. Биринчи навбатда, СИ фаолияти натижаларини иқтисодий муомалага амалда жорий этиш бу объектларга нисбатан ижтимоий манфаат мавжудлигини тасдиқлайди.

Дастурлар ва илмий-техника соҳасида, шунингдек микросхемаларни ишлаб чиқишда СИ ни қўллаш салоҳияти ортиб бормоқда ва бу ўз навбатида жамият техник тараққиёти тезлашининг омилларидан бири саналади. Бунда СИ томонидан яратилган ихтиролар ва фойдали моделларга ҳуқуқий муҳофаза беришнинг муҳим асоси сифатида ушбу объектлар мазмуни ва моҳиятини патент ҳуқуқида белгиланган қоидаларга кўра жамиятга тўлиқ ошкор қилишни қўллаб-қувватлаш саналади. Бугунги кунда СИ ёрдамида дори воситаларини яратишга мисоллар мавжуд ва келгусида СИ ривожланиши билан у томонидан яратилган жамият фаровонлиги учун юқори аҳамиятга эга бўлган ечимлар пайдо бўлиши истисно этилмайди. Бундай объектларга нисбатан ҳуқуқий муҳофаза ни олиш истиқболларининг мавжуд эмаслиги уларга нисбатан тижорат сири режимини татбиқ этиш хавфини юзга келтиради ва бу ўз навбатида муайян муддат мобайнида уларнинг мазмунини сир сақланишига олиб келади.

Кўшимча сифатида айтиш лозимки, утилитар назарияга асосан интеллектуал фаолият натижаларига легал монополияни бериш ҳуқуқ эгасига нафақат

унинг ижодий ва интеллектуал уринишлари, балки инвестицияси ва меҳнат сарфи учун ҳам муносиб ҳақ тўланишини таъминлайди ва яқунда жамият учун фойдали натижалар яратилишга олиб келади.

Хулоса сифатида айтганда СИ фаолияти натижасида яратилган интеллектуал мулк объектларига нисбатан ҳуқуқий муҳофаза берилмаслигининг асосий сабаби СИ ўз-ўзидан асарни ярата олмаслиги, бунинг учун кимдир уни тайёрлаши, тегишли маълумотларни киритиши ва ижодий топшириқни бериши лозимлиги ҳисобланади. Шундай экан, фикримизча, нейротизимларнинг ўзи интеллектуал мулкнинг объекти саналади, бироқ улар яратган интеллектуал фаолият натижасига нисбатан шахсий-номулкий ҳуқуқлар нейротизимдан фойдаланган, унга тегишли ижодий топшириқни берган шахсга тегишли бўлиши керак.

**Нурилло ИМОМОВ,**

*ТДҲУ Фуқаролик ҳуқуқи кафедраси мудири,  
ю.ф.д., проф.*

### Фойдаланилган адабиётлар:

- [https://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%9D%D0%B5%D0%B9%D1%80%D0%BE%D0%BD%D0%BD%D0%B0%D1%8F\\_%D1%81%D0%B5%D1%82%D1%8C](https://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%9D%D0%B5%D0%B9%D1%80%D0%BE%D0%BD%D0%BD%D0%B0%D1%8F_%D1%81%D0%B5%D1%82%D1%8C)
- Что такое нейросети: на что способны, как работают и кому нужны // <https://blog.eldorado.ru/publications/chto-takoe-neyroseti-na-chto-sposobny-kak-rabotayut-i-komu-nuzhny-35389>
- Жукова А.Е. К Цифровой успех ChatGPT: кому принадлежит право на результат интеллектуальной деятельности / А.Е.Жукова, А.Е.Куров // Вестник Юридического факультета Южного федерального университета. – 2023. – Т. 10, № 2. – С. 57–63. – DOI: 10.18522/2313-6138-2023-10-2-9.
- Колитова С.М. Нейросеть как новый объект интеллектуальной собственности // <https://conf.siblu.ru/neyroset-kak-novyy-obekt-intellektualnoy-sobstvennosti>
- Жукова А.Е., Куров А.Е. Цифровой успех CHATGPT: кому принадлежит право на результат интеллектуальной деятельности // <https://cyberleninka.ru/article/n/tsifrovoy-uspeh-chatgpt-komu-prinadlezhit-pravo-na-rezultat-intellektualnoy-deyatelnosti>
- Япониянинг “Муаллифлик ҳуқуқи тўғрисида”ги қонуни.
- Искусственный интеллект превзошел человека в проектировании микросхем. URL: <https://www.ixbt.com/news/2021/06/14/iskusstvennyj-intellekt-prevzoshel-cheloveka-v-proektirovanii-mikroshem.html> (дата обращения: 17 января 2024 г.).
- The Artificial Inventor Project. URL: <https://artificialinventor.com/> (дата обращения: 17 января 2024 г.).
- ИИ проектирует микросхемы быстрее и лучше людей. URL: <https://habr.com/ru/news/t/562234/> (дата обращения: 17 января 2024 г.).
- Нейронная соната: как искусственный интеллект генерирует музыку // Перепелкина О. РБК Тренды. URL: <https://trends.rbc.ru/trends/industry/5f84b49e9a794729febf4c88> (дата обращения: 17 января 2024 г.).
- Российский искусственный интеллект нацелился оставить программистов без работы. Он впервые написал программу самостоятельно. URL: [https://www.cnews.ru/news/top/2021-07-23\\_rossijskij\\_iskusstvennyj](https://www.cnews.ru/news/top/2021-07-23_rossijskij_iskusstvennyj) (дата обращения: 27 января 2023 г.).
- The Artificial Inventor Project. URL: <https://artificialinventor.com/> (дата обращения: 17 января 2024 г.).
- Искусственный интеллект впервые создал дизайн фарфора // Российская газета. URL: <https://rg.ru/2021/10/21/reg-cfo/iskusstvennyj-intellekt-vpervye-sozdal-dizajn-farfora.html> (дата обращения: 17 января 2024 г.).
- ИИ проектирует микросхемы быстрее и лучше людей. URL: <https://habr.com/ru/news/t/562234/> (дата обращения: 17 января 2024 г.).
- Искусственный интеллект создал новое лекарство всего за 21 день // Hi-News.ru. URL: <https://hi-news.ru/technology/iskusstvennyj-intellekt-sozdal-novoe-lekarstvo-vsego-za-21-den.html> (дата обращения 07.01.2024).
- The Artificial Inventor Project. URL: <https://artificialinventor.com/> (дата обращения: 17 января 2024 г.).

## НОТАРИУСЛАР ТОМОНИДАН ЭКСПЕРТИЗА ТАЙИНЛАШ: МУАММО ВА ЕЧИМ

*Ўзбекистон Республикаси миллий ҳуқуқ тизимида нотариат низоларнинг олдини олувчи институт сифатида муҳим ўрин тутади. Нотариуснинг ваколатлари ёки фуқароларимизга кўрсатадиган юридик хизматларидан бири далилларни таъминлаш ҳисобланади. Шунга кўра нотариуслар Ўзбекистон Республикаси “Нотариат тўғрисида”ги қонунининг 23- ҳамда 70<sup>2</sup>-моддаларига асосан далилларни таъминлайдилар.*

Нотариус фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда манфаатдор шахсларнинг илтимосига кўра судда ёки маъмурий органда юритиладиган иш юзасидан (агар далил тақдим этиш кейинчалик мумкин бўлмай қолади ёки қийин бўлади, деб тахмин қилиш учун асослар мавжуд бўлганда) далилларни таъминлайди. Нотариуслар томонидан далилларни таъминлаш бўйича бир неча чоралар кўрилиши мумкин. Хусусан, гувоҳларни сўроқ қилиш, ашёларни кўздан кечириш, шунингдек экспертиза тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилиниши мумкин. Нотариуснинг далилни таъминлаш чораси сифатида экспертиза тайинлаши билан нотариал ҳаракатларни амалга оширишда тақдим этилган ҳужжатларнинг асли бўйича шубҳа пайдо бўлганда экспертизага ҳужжатларни юбориши бошқа - бошқа ҳуқуқий ҳаракатлардир.

**Нотариус фаолиятида экспертизага мурожаат қилиш асослари сифатида қонунчиликда қуйидагилар белгилаб қўйилган:**

- нотариал идорага мурожаат қилинганда тақдим қилинган ҳужжатларнинг айнанлигига шубҳа туғилса мазкур ҳужжатларни экспертизага юбориш тўғрисида ва;

- далилларни таъминлаш мақсадида экспертиза тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, нотариал жараённинг ўзида ҳужжатлар сохталаштирилган ёки йўқлигини аниқлаш учун экспертиза ўтказиш зарурати мавжуд бўлса, яна бир нотариал қонунчилик билан боғлиқ экспертиза тайинлаш масаласи бу нотариуснинг далилларни таъминлаш функцияси билан боғлиқ фаолиятидир. Нотариус таъминлаган далиллар кейинчалик суд ёки бирор-бир маъмурий органда юритиладиган иш юзасидан қўлланилиши мумкин. Миллий ҳуқуқ тизимимиздаги экспертиза институтини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таҳлил қиладиган бўлсак, улар суд ва жиноят процессуал ҳуқуқи

бўйича судгача бўлган босқичларда экспертиза ўтказишни назарда тутган. Аслида экспертиза суд, судгача босқичларда, шунингдек, бошқа механизмлар томонидан низоларни ҳал қилиш ва ишларни юритишда қўлланилиши мумкин. Ушбу мақола юзасидан биз суддан ташқари бошқа механизмларда кўриб чиқилаётган низолар ёки юритилаётган ишлар юзасидан экспертиза ўтказиш заруратлари ва уларнинг миллий экспертиза ҳуқуқ институти билан тартибга солилмаганлигини тадқиқ қилмаймиз. Фақатгина нотариал жараёндаги экспертизалар ва нотариуснинг далилни таъминлаш функцияси бўйича экспертиза тайинлаш масалаларини ўрганиб чиқамиз.

Юқорида келтириб ўтганимиздек, нотариат тўғрисидаги қонунчиликка кўра, нотариус экспертиза тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилади. Нотариуснинг мазкур қарорини ижро қилиш механизми албатта экспертиза тўғрисидаги қонунчилик билан белгиланиши лозим. Бу масала экспертиза тўғрисидаги қонунчиликда қанчалик тартибга солинган? Ўзбекистон Республикаси “Суд экспертиза тўғрисида”ги қонунининг 3-моддасига кўра, суд экспертизаси фуқаролик, иқтисодий, жиноят (шу жумладан, терговга қадар текширув материаллари) ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича тайинланади. Шунингдек, “Суд экспертизаси тадқиқотларини ўтказиш тартиби тўғрисида”ги намунавий низомда экспертиза ўтказиш учун асос бўладиган ҳужжатлар ва ҳолатлар белгилаб қўйилган. Унга кўра, экспертиза тадқиқотларини ўтказувчи ташкилотлар, муассасалар томонидан терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суднинг қарори (ажрими) асосида ўтказилади. Шунингдек, адвокат сўровига асосан ёхуд жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига мувофиқ суд экспертиза тадқиқотлари ўтказилиши мумкин.

Юқоридаги экспертиза ўтказиш тартибини белгиловчи норматив ҳуқуқий ҳужжатларда нотариат жараёнида экспертиза ўтказиш масаласи умуман тартибга солилмаганини кўриш мумкин. Бу борада хорижий мамла-



катлар тажрибасини ўрганиб, миллий қонунчилигимиздаги ушбу бўшлиқни тўлдириш бўйича таклифлар ишлаб чиқсак мақсадга мувофиқ бўлади.

Хусусан, Россия Федерацияси “Нотариат тўғрисида”ги қонунининг 103-моддасига асосан, нотариус далилларни таъминлаш мақсадида гувоҳларни сўроқ қилади, ёзма ва ашёвий далилларни текширади, экспертиза тайинлайди.

Венгрия нотариат қонунчилигига биноан нотариус далилларни таъминлайди, жумладан экспертиза тайинлайди. BALÁZS & KOVÁTSITS Legal Partnership ҳуқуқшунослар юридик ҳамкорлиги жамоаси ўзининг расмий сайтида қурилиш ишлари билан боғлиқ суд ишларига оид маълумот эълон қилган. Унга кўра, Венгрияда суд ишлари узоқ вақт давом этади. Айниқса қурилиш соҳасидаги ишларни кўриб чиқиш кўп вақт талаб этади. Шу сабабли ушбу ҳуқуқшунослар жамоаси келажакдаги суд ишлари қисқароқ ва истиқболли бўлиши учун бир нечта воситалардан фойдаланишади. Жумладан улар нотариусга суд экспертизасини тайинлаш бўйича мурожаат қилишади. Венгрияда суд ишларидан олдин нотариус томонидан экспертиза тайинлашнинг афзаллиги шундаки, қурилишнинг ис-талган босқичида қурилиш ишлари қандай амалга ошириляётганлиги тўғрисида экспертиза тайинланиши мумкин. Мазкур ҳуқуқшуносларнинг таъкидлашича суд томонидан экспертиза бўлса, қурилиш тугаганидан сўнг тайинланиши ва унда баҳсли вазиятни қайта тиклашнинг имконияти бой берилиши мумкин. Шунингдек, бир қанча афзалликлардан ташқари нотариус тайинлаган экспертиза суд тайинлаган экспертиза билан бир хил юридик кучга эга ҳисобланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, нотариуслар томонидан экспертиза тайинлаш келажакда судларнинг фуқаролик ва иқтисодий низоларни тўғри ҳал қилишида муҳим омил ҳисобланади. Шу сабабли, нотариус томонидан экспертиза тайинлашнинг ҳуқуқий асослари ҳам қонунчилигимизда аниқ ўрнатилиши лозим, деб ҳисоблаймиз. Тўғри, экспертиза “Суд экспертизаси тадқиқотларини ўтказиш тартиби тўғрисида”ги намунавий низомга мувофиқ фуқаро ёки жисмоний шахснинг ўзи экспертиза муассасаси билан тузилган шартномага мувофиқ ўтказилиши мумкин. Мазкур ҳолатда экспертиза тадқиқотлари натижаси бўйича эксперт хулосаси эмас, балки мутахассис фикри расмийлаштирилади. Ундан ташқари, адвокат сўровига кўра ҳам экспертиза ўтказилиши мумкин. Бундай вазиятда

жисмоний ва юридик шахслар адвокатга мурожаат қилгандан сўнг, адвокат сўрови бўйича экспертиза ўтказилиши мумкин. Нотариусга мурожаат қилинганда нотариус тўғридан-тўғри экспертиза тайинлаш тўғрисида қарор чиқаради.

**Нотариуснинг далилларни таъминлаш учун экспертиза тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилиши ва бу қарор суд-экспертиза муассасалари томонидан экспертиза ўтказишга асос бўлиши тартиби экспертизага оид қонун ҳужжатларига киритилиши лозим, деб ҳисоблаймиз ва “Суд экспертизаси тадқиқотларини ўтказиш тартиби тўғрисида”ги низомнинг 3 бандига қуйидаги иккинчи хатбоши киритилиши мақсадга мувофиқ бўлади:**

*“Нотариуснинг экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарорига кўра тадқиқотлар иқтисодий, фуқаролик ва маъмурий судларда кўриладиган ишлар бўйича мазкур иш юзасидан судда иш кўзгатилганидан қатъий назар, давлат суд-экспертиза муассасалари ва нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари томонидан амалга оширилади”.*

**Шунингдек, “Суд экспертиза тўғрисида”ги қонуннинг 17-моддаси биринчи қисми қуйидаги мазмунда баён қилинишини таклиф қиламиз:**

*“Терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судьянинг қарори, суднинг ажрими, нотариуснинг қарори суд экспертизасини ўтказиш учун асосдир. Суд экспертизаси тегишли қарор ёки ажрим чиқарилган кундан эътиборан тайинланган ҳисобланади”.*

**Гулруҳ МАМАРАИМОВА,**

*фуқаролик ишлари бўйича*

*Шайхонтоҳур туманлараро суди судьяси.*

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Суд экспертиза тўғрисида”ги қонун // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 22-сон, 173-модда.
2. “Суд экспертизаси тадқиқотларини ўтказиш тартиби тўғрисида”ги низом // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 22.02.2023 й., 09/23/73/0098-сон.
3. Россия Федерациясининг “Нотариат тўғрисида”ги Қонуни// [https://www.consultant.ru/document/cons\\_doc\\_LAW\\_1581/](https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_1581/)
4. Expert Appointed by the Notary Public in Matters Relating to Construction. 2022. április 14. // <https://www.bakolegal.com/angol/expert-appointed-by-the-notary-public-in-matters-relating-to-construction/>

# ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДА ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ИЖРОСИ ҲУҚУҚИЙ МОНИТОРИНГИНИНГ ЎЗАРО ЎХШАШ ЖИҲАТЛАРИ

## АННОТАЦИЯ:

мақолада хорижий давлатларда қонун ҳужжатлари ижросининг ҳуқуқий мониторингига оид қонунчилик ҳужжатлари қиёсий жиҳатдан таҳлил қилинган. Таҳлиллар натижасида хорижий давлатларда ҳуқуқий мониторингнинг ўзаро ўхшаш жиҳатлари ажратиб берилган.

**Калит сўзлар:** ижтимоий муносабатлар, ҳуқуқий мониторинг, конституциявий қонун, кодекс, қонунчилик ҳужжати, давлат органи, мансадор шахс, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти, адлия органлари.

Ҳуқуқий мониторингдан кўзланган асосий мақсад ижтимоий муносабатларни қонун ҳужжатлари ёрдамида самарали тартибга солиш ва уларнинг барқарорлигини таъминлашдан иборат.

Таъкидлаш жоизки, айрим олимлар томонидан бир қатор давлатлар ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва қонунчилигида “ҳуқуқий мониторинг” атамаси ўрнига устувор равишда “тартибга солиш таъсирини баҳолаш” термини кенг қўлланилиши, ушбу институт ҳам ҳуқуқий мониторинг сингари ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш самарадорлигини аниқлашга қаратилганлиги алоҳида қайд этилади.

Шу ўринда “Ҳуқуқий мониторинг билан тартибга солиш таъсирини баҳолаш институти бир-биридан нимаси билан фарқ қилади?”, деган ҳақли савол пайдо бўлади.

Қозғоғистонлик ҳуқуқшунос олимлар С.Айсин ва З.Казиевлар қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш тажрибасини таҳлил қилар экан ушбу давлатда бир вақтнинг ўзида иккала институт – ҳуқуқий мониторинг ва тартибга солиш таъсирини баҳолаш амал қилишини, мазкур институтлар жорий этилишидан олдин экспертлар томонидан жаҳон тажрибаси чуқур ўрганилганлиги, ушбу иккала институт ҳам мамлакатдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сифатига ижобий таъсир кўрсатишини таъкидлайдилар.

Хорижий давлатларнинг бу борадаги ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва қонунчилиги таҳлили натижасида бундай институтлар мазмун-моҳият жиҳатдан бир-бирига ўхшаши билан бирга, ҳар бирининг бошқасидан ажратиб турадиган бир қатор ўзига хос хусусиятларга эгалиги ҳам аниқланди.

Хорижий давлатлар қонунчилиги таҳлили натижасида ҳуқуқий мониторинг ўтказишнинг қуйидаги умумий жиҳатлари аниқланди:

### I. Хорижий мамлакатларда ҳуқуқий мониторинг ўтказиш тартиби муайян қонунчилик ҳужжати билан тасдиқланган.

Хусусан, Беларусь Республикасида ҳуқуқий мониторинг ўтказиш тартиби 2019 йил 30 январдаги Вазирлар кенгашининг 65-сонли қарори билан тасдиқланган “Ҳуқуқий мониторинг ўтказиш тартиби тўғрисида”ги қароридан назарда тутилган. Бунда ушбу қарор билан Ҳуқуқий тартибга солиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома тасдиқланган ва ҳуқуқий мониторинг ўтказишнинг батафсил тартиби белгилаб берилган.

Қозғоғистонда ҳуқуқий мониторинг ўтказиш билан боғлиқ масалалар 2016 йил 29 августдаги Ҳуқуматнинг 486-сонли “Ҳуқуқий мониторинг ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қароридан тартибга солинган. Бунда мазкур қарор билан “Ҳуқуқий мониторинг ўтказиш қоидалари” тасдиқланган.

Россияда ҳуқуқий мониторинг билан боғлиқ масалалар Россия Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Россия Федерациясида ҳуқуқни қўллаш мониторинги тўғрисида”ги 657-сонли Фармони билан тасдиқланган “Россия Федерациясида ҳуқуқ-

ни қўллаш мониторинги тўғрисида”ги низомда ўз ифодасини топган.

Юқорида гувоҳ бўлганимиздек, ҳуқуқий мониторинг қўлланиладиган мамлакатларда уни ўтказиш тартиби билан боғлиқ масалалар қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солинган бўлиб, бу бир жиҳатдан мониторинг ўтказувчи субъектларга уни ўтказиш жараёнини аниқ белгилаб беришни назарда тутса, иккинчи томондан мониторинг ўтказиш жараёнида амалга оширилиши лозим бўлган қоидаларни ҳам белгилайди.

**II. Хорижий мамлакатларда ҳуқуқий мониторинг ўтказиладиган объектлар** доираси бир-бирига ўхшайди. Бунда ҳуқуқий мониторинг ўтказиш объекти сифатида муайян давлатда амал қилувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизими намоён бўлади.

Хусусан, Беларусь Республикасининг “Ҳуқуқий мониторинг ўтказиш тартиби тўғрисида”ги йўриқномасида ҳуқуқий мониторинг объекти бўлиб, қабул қилинган ва қонуний кучга кирган норматив-ҳуқуқий ҳужжат, техник нормалаш ва стандартлаштириш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш, уларга ўзгартиришлар киритиш, бундай ҳужжатларни шарҳлаш, уларни амал қилишини тўхтатиб туриш, бекор қилиш ёки кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги қарорлар (буйруқлар) ҳисобланиши белгиланган.

Қозғоғистонда ҳуқуқий мониторинг объекти сифатида янги конституциявий қонунлар, кодекслар, тизимлашган қонунлар, қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар белгиланган.

Юқорида гувоҳ бўлганимиздек, аксарият ҳолатларда ҳуқуқий мониторинг ўтказишнинг объектлари сифатида амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар намоён бўлади.

Эътиборли жиҳати шундаки, бирорта хорижий давлатда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари юзасидан ҳуқуқий мониторинг ўтказилмайди.

Бизнинг фикримизча, бундай ёндашув тўғри бўлиб, уни ҳуқуқий мониторинг бевосита амалдаги қонун ҳужжатларининг ижросига қаратилганлиги билан изоҳлаш мумкин. Ушбу ҳолатда, норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳали лойиҳа босқичида эканлиги у бўйича ҳуқуқий мониторинг ўтказиш имкониятини йўққа чиқаради.

### III. Хорижий давлатларда ҳуқуқий мониторинг ўтказишдан асосан ўхшаш мақсадларни кўзлайди.

Масалан, Беларусь қонунчилигида мувофиқ ҳуқуқий мониторинг қонунчилик сифатини, ҳуқуқни қўллаш амалиётини, ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш самарадорлигини тизимли равишда таҳлил қилиш ва баҳолаб бориш мақсадини кўзлайди.

Қозғоғистонда эса ҳуқуқий мониторинг мамлакат қонунчилигидаги қарама-қаршиликлар, тақрорлашлар, ҳуқуқий бўшлиқлар, самарасиз қўлланилаётган, маънан эскирган ва коррупциявий ҳуқуқ нормаларини аниқлаш, таҳлил қилиш, қабул қилинган норма-

тив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳуқуқни қўллаш амалиётида қўлланилиши самарадорлигини баҳолаш орқали уларни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш мақсадида ўтказилиши қатъий белгиланган.

Россия қонунчилигида ҳам юқоридагига ўхшаш ҳолатга гувоҳ бўлиш мумкин. Унга мувофиқ ҳуқуқий мониторингни ўтказиш мақсади Россия ҳуқуқий тизимини такомиллаштириш эканлиги назарда тутилган.

#### **IV. Ҳуқуқий мониторинг асосан давлат органлари томонидан ўтказилиши қонунчиликда аниқ белгиланган.**

Қозоғистон қонунчилигида ҳуқуқий мониторинг давлат органларининг таркибий бўлинмалари томонидан ўзлари қабул қилган ва (ёки) асосий ишлаб чиқувчи бўлган, улар ваколатига тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича ўтказилади.

Беларусь қонунчилигида ҳуқуқий мониторинг ўтказувчи органларга аниқлик киритиб ўтилган. Унга биноан ҳуқуқий мониторинг тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган ҳуқуқ ижодкори бўлган органлар (мансабдор шахслар) томонидан амалга оширилади.

Шунингдек, тегишли соҳада давлат сиёсатини юритувчи, тартибга солиш ва бошқарувни амалга оширувчи давлат органлари ушбу йўналишдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг, бошқа давлат органлари эса – ўзлари ишлаб чиққан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳуқуқий мониторингини ўтказдилар.

Россия қонунчилигида мувофиқ ҳуқуқий мониторинг ижроия ҳокимияти органлари ва Россия Федерацияси субъектларининг давлат ҳокимияти органлари томонидан ўз ваколатлари доирасида амалга оширилиши назарда тутилган.

#### **V. Хорижий давлатлар қонунчилигида ҳуқуқий мониторингни ўтказиш билан боғлиқ жараёнлар бевосита адлия органлари томонидан мувофиқлаштирилиши назарда тутилган.**

Қозоғистон қонунчилигида давлат органларининг ҳуқуқий мониторинг билан боғлиқ фаолияти адлия органлари томонидан амалга оширилиши, ҳуқуқий мониторинг ўтказиладиган қонунчилик ҳужжатлари ва Ҳукуматнинг норматив-ҳуқуқий қарорларининг ягона электрон реестри ҳам адлия органлари томонидан юритилиши, бунда электрон реестрни тузиш Адлия вазирлигининг таркибий тузилмаси зиммасига юклатилиши белгиланган.

Россияда ҳам ҳуқуқий мониторинг ўтказишда адлия органлари етакчи ҳисобланади. Хусусан, қонунчиликка мувофиқ ҳуқуқий мониторинг ўтказиш режаси Россия Адлия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади.

Эътиборли жиҳати, Россияда Адлия вазирлиги томонидан тайёрланган мониторинг натижалари тўғрисидаги маъруза Президент кўриб чиққанидан сўнг оммавий ахборот воситаларида чоп этилади, шунингдек Россия Президенти ва Адлия вазирлигининг интернетдаги расмий веб-сайтида ҳамма танишиб чиқиши учун жойлаштирилади.

#### **VI. Хорижий давлатлар қонунчилигида ҳуқуқий мониторинг ўтказилиши ҳақида олдиндан аҳолига маълум қилиш ҳақидаги қатъий талаб белгиланган.**

Таъкидлаш жоизки, ҳуқуқий мониторинг мавжуд бўлган давлатларда уни ўтказиш ҳақидаги маълумотни олдиндан аҳолига маълум қилиш бир қатор ижобий жиҳатларга эга бўлиб, бу куйидагиларда намён бўлади:

а) давлат органлари томонидан қайси соҳаларга оид қонунлар ижроси ўрганилаётганлиги борасида жамоатчилик хабар топади ва бу уларга ҳуқуқни қўллаш амалиёти бўйича ўзларига маълум ҳолат-

лар тўғрисида мониторингни ўтказувчи давлат органларига муурожаат қилиш имконини беради, ўзларининг фикрлари ҳамда позицияларини билдиришга шароит яратади;

б) мониторинг ўтказиётган давлат органига тегишли қонуннинг ижросини ўрганиш, танқидий қайта кўриб чиқиш орқали ҳуқуқни қўллаш амалиётида вужудга келаётган қонун нормаларини нотўғри талқин қилишлар, қарама-қарши ҳолатларни аниқлаш ва бартараф этиш, умуман олганда муайян соҳанинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга шароит яратади.

Ҳуқуқий мониторинг амал қиладиган хорижий давлатлар қонунчилигида мониторинг ўтказиш ҳақидаги маълумотни тегишли манбаларга жойлаштириш ҳақидаги қоида белгиланган.

Жумладан, Қозоғистон қонунчилигида ҳуқуқий мониторинг ўтказиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати ва бу бўйича масъул давлат органи, шунингдек ҳуқуқий мониторинг ўтказиш муддатлари “Е-заънама” ахборот тизимида шакллантирилиши белгиланган.

Беларусь қонунчилигида мувофиқ ҳуқуқий мониторинг ташкилот-чиси ҳуқуқий мониторинг ўтказиш бошланишидан 5 иш кунидан кам бўлмаган муддатда ўзининг Интернетдаги расмий веб-сайтида фуқароларнинг, шу жумладан ҳуқуқий мониторинг объектига нисбатан якка тадбиркорлар ва юридик шахсларнинг таклифларини ўрганиш мақсадида ҳуқуқий мониторинг ўтказиш тўғрисида хабар беради.

Россия қонунчилигида ҳам ўхшаш тажрибани учратиш мумкин. Унга мувофиқ мониторинг ўтказиш режаси ҳар йили 1-сентябрга қадар Россия Ҳукумати томонидан тасдиқланади. Бунда Ҳукумат тасдиқлаган йиллик мониторинг режаси унинг интернет тармоғидаги расмий веб-сайтида (<http://government.ru/>) эълон қилиб борилади.

Хулоса ўрнида хорижий давлатларда қонун ҳужжатлари ижросининг ҳуқуқий мониторингини ўтказиш тартиби муайян қонунчилик ҳужжати билан тасдиқланганлиги, ҳуқуқий мониторинг ўтказиладиган объектлар доираси бир-бирига ўхшашлиги, ҳуқуқий мониторинг ўтказишдан асосан ўхшаш мақсадларни кўзлашлиги, қонунчиликда ҳуқуқий мониторинг ўтказилиши ҳақида олдиндан аҳолига маълум қилиш ҳақидаги қатъий талаб белгиланганлиги, ҳуқуқий мониторингни ўтказиш билан боғлиқ жараёнлар бевосита адлия органлари томонидан мувофиқлаштирилиши назарда тутилганлиги каби институтлар мазмун-моҳият жиҳатдан бир-бирига ўхшаши билан бирга, уларнинг ҳар бирини бошқасидан ажратиб турадиган бир қатор ўзига хос хусусиятларга ҳам эгалигини таъкидлаш мумкин.

**Файрат МАШКУРОВ,**

*юридик фанлар номзоди,*

*Судьялар олий мактаби мустақил ишланувчиси.*

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. С.Айсин, З.Казиев. Опыт зарубежных стран по изучению эффективности законодательства. №4 (40) 2015 ж. Қазақстан Республикасы Заңнама институтының жаршысы. <https://cyberleninka.ru/article/n/opyt-zarubezhnyh-stran-po-izucheniyu-effektivnosti-zakonodatelstva/viewer>
2. Постановление Совета министров Республики Беларусь. “О порядке проведения правового мониторинга” от 30 января 2019 г. № 65. <https://pravo.by/document/?guid=12551&p0=C21900065&p1=1&p5=0>
3. Постановление Правительства Республики Казахстан “Об утверждении Правил проведения правового мониторинга” от 29 августа 2016 года № 486. <https://adilet.zan.kz/rus/docs/P1600000486>
4. Указ Президента РФ от 20.05.2011 N 657 (ред. от 06.02.2023) «О мониторинге правоприменения в Российской Федерации» (вместе с «Положением о мониторинге правоприменения в Российской Федерации»). [http://www.consultant.ru/document/cons\\_doc\\_LAW\\_114147/ed640895f0e782690391f2ea4905382b09a28189/#dst100030](http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_114147/ed640895f0e782690391f2ea4905382b09a28189/#dst100030)

# ЭКОЛОГИК МУНОСАБАТЛАРНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШДА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ВА КИБЕРХАВФСИЗЛИК

## АННОТАЦИЯ:

мақолада атроф муҳитни муҳофаза қилишда сунъий интеллект ва шу орқали амалга ошиши мумкин бўлган киберхавфсизлик масалалари тадқиқ қилинган. Бунда экологик муносабатларда сунъий интеллектнинг ижобий ва салбий томонлари, киберхавфсизликни таъминлаш зарурати мисоллар орқали илмий жиҳатдан баён этилган ва интернет орқали экологик маълумотларни қўлга киритишда киберхавфсизликни таъминлаш, мавжуд экологик қонунчиликни такомиллаштириш, янги илмий тармоқни яратиш ва тадқиқотларни амалга ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган. Мавзу доирасида халқаро ва хорижий тажрибадан кенг фойдаланилган. Ўзбекистон Республикасининг экологик қонунчилигини такомиллаштириш бўйича аниқ тавсиялар берилган.

**Калит сўзлар:** экология ҳуқуқида сунъий интеллект, рақамлаштириш, экология ҳуқуқида киберхавфсизлик, экологик маълумот, интернет тармови.

Глобал экологик муаммолар кўламнинг кенгайиши, пандемия, аҳоли сонининг кўпайиши, иқтисодиётнинг модернизациялашганлиги каби омиллар замонавий экологик концепцияларнинг пайдо бўлишига, давлатларнинг экологик сиёсатини белгилашда янги ёндашувлар кучайишига олиб келди. Айниқса, Фарбий Европа давлатларида бошланган “яшил иқтисодиёт” концепцияси ва унга ўтиш ҳамда сўнгги 10 йилда тобора кенг тарқалаётган “ресурсларни тежаш” каби моделлар тобора урфга айланмоқда ва кўпгина давлатлар ўзларининг экологик сиёсатларини мана шу концепция ва моделлар орқали шакллантирмоқда.

Жамият ҳаётига глобал таъсир кўрсатадиган технологик инновациялар, жумладан сунъий интеллект (АИ - Артифисциал интеллигенсе) нинг кириб келиши замонавий хавф ва муаммоларни туғдириши табиий. АИ технологиялари жамиятга ҳам катта фойда, ҳам жиддий зарар келтириши мумкин бўлган ниҳоятда кучли восита эканлиги шубҳасиз. Бу эса муқаррар равишда АИ тизимларини ишлаб чиқиш ва қўллаш билан боғлиқ тартибга солиш нормалар, тамойиллар ва чекловлар тизимини яратиш зарурлигига олиб келади.

Кибермақоннинг замонавий очиклиги ва зарур маълумотлардан эркин фойдаланиш бошқа мамлакатларнинг хатолари ва ютуқларини таҳлил қилиш имконини берди, бу эса ўз навбатида экологик ҳуқуқ ва унинг тамойилларини ривожлантиришнинг ўзига хос, миллий векторини аниқлашга имкон яратди. Халқаро меъёрлар ва тажриба ўртасидаги синергия Ўзбекистоннинг экологик сиёсатини замонавий дунё талаблари ва экологик адолат тамойилларига мувофиқлаштиради. Янги иқтисодий-ижтимоий муносабатлар, рақамлаштириш ва сунъий интеллект даври вужудга келаётган бўлсада, Марказий Осиёда, жумладан, Ўзбекистонда атроф муҳитни муҳофаза қилишга оид бевосита ва билвосита қарашларда XIX-XX асрларда пайдо бўлган концепция элементларини ўзида мужассам этган илмий қарашлар ва ёндашувлар мавжуд. Бу эса фундаментал жиҳатдан қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида янги муносабатларни, хусусан сунъий интеллект натижасида юзага келадиган киберхавфсизлик масалаларини тартибга солишни қийинлаштирмоқда.

Таъкидлаш жоизки, бугунги глобаллашув даврига келиб, табиий ресурслар юзасидан янги қарашлар вужудга келмоқда ва классик ғоялардан кескин фарқ қилувчи назариялар пайдо бўлмоқда. Ушбу назариялар аста-секинлик

билан қабул қилинаётган қонунларда ўз ифодасини тормоқда. Мазкур ҳолатни экологик муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда сунъий интеллект ва киберхавфсизлик тўғрисида мулоҳаза қилиш орқали ифодалаш мумкин.

Бизга маълумки, технология тараққиёти ва рақамлашиш натижасида ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ маълумот ишлаб чиқарамиз ва алмашамиз. Шунинг баробарида инновацион ечимларни талаб қиладиган мисли кўрилмаган экологик муаммоларга ҳам дуч келяпмиз. Ушбу муаммоларни ҳал қилиш эса табиий атроф-муҳит тўғрисидаги маълумотларининг кибер таҳдидлардан ҳимояланганлиги ва кибермудофаа воситаларининг табиий атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қоидаларига мувофиқлигини таъминлашни талаб этади.

Мазкур жиҳатларни ҳисобга олиб, экологик муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда киберхавфсизликнинг ўрни билан боғлиқ бешта асосий масалага тўхталиб ўтамиз.

**1. Атроф-муҳитни муҳофаза қилишга оид маълумотларнинг ошқор бўлиши.** Атроф-муҳитга оид маълумотлар қимматлидир ва ҳакерлар томонидан зарарли мақсадларда фойдаланиш эҳтимоли юқори. Масалан, муҳофаза қилинадиган турлар ёки табиий ресурслар тўғрисидаги маълумотлар ер ости бойликларини ноқонуний қазиб олиш ёки савдо қилиш учун ишлатилиши мумкин. Бунинг олдини олиш учун эса атроф-муҳитни муҳофаза қилишга оид қонунчилик ҳужжатларига тегишли экологик маълумотларни ҳимоя қилиш учун киберхавфсизлик чораларини ўз ичига олган меъёрларни киритиш лозим. Масалан, Европа Иттифоқининг умумий маълумотларни ҳимоя қилиш регламентида (ГДПР) (Жоргенсен ва Леистер, 2018) компаниялардан шахсий маълумотларни кибер таҳдидлардан ҳимоя қилиш чораларини кўришни талаб қиладиган қоидалар мавжудлигини таъкидлашимиз мумкин.

**2. Булутли ҳисоблаш.** Бу дунё интернет тармоғида электрон ҳисоблаш хизматларини компьютер тармоқлари орқали етказиб беришни назарда тутди. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш билан шуғулланадиган кўпгина ташкилотлар маълумотларни компьютер тармоғидаги булутда сақлайдилар. Бироқ, булут кибер таҳдидларга қарши иммунитетга эга эмас ва унда айрим экологик маълумотларни сақлаш билан боғлиқ хавфлар юзага келиши мумкин. Мазкур муаммога ҳуқуқий ечим сифатида АҚШнинг хавф ва авторизацияни бошқариш бўйича Федерал дастурини мисол қилишимиз мумкин. Ушбу дастурда булут хизматлари учун хавфсизлик ва

авторизацияни баҳолашга стандартлаштирилган ёндашувни таъминлайдиган тизим талаблари белгиланган.

**3. Нарсалар интернет** (Интернет оф Тҳингс, IoT). IoT қурилмаларидан атмосфера ва сув сифати каби табиий объектлар ҳолатини кузатиш учун тобора кўпроқ фойдаланилмоқда. Бироқ, бу қурилмалар кибертаҳдидлардан тўлиқ муҳофазаланмаганлиги сабабли экологик қонунчиликка IoT қурилмаларидан фойдаланишда киберхавфсизлик қоидаларига мос келишини таъминлашни назарда тутувчи меъёрларни киритиш ёки тегишли давлат ташкилоти аниқ талаблар асосида кўрсатмалар бериши зарур. Бундай тажрибани Миллий стандартлар ва технологиялар институти (НИСТ) Сйберсесуритй Фрамеворк (НИСТ, 2018) фаолияти мисолида кўришимиз мумкин. Ушбу ташкилот IoT қурилмаларини химоя қилиш бўйича доимий кўрсатмалар бериб боради.

**4. Трансчегаравий экологик маълумотларни узатиш.** Атроф-муҳитга оид маълумотлар кўпинча тадқиқот ёки экологик сиёсатни ишлаб чиқиш учун чегаралар бўйлаб алмашилади. Айтиш лозимки, айрим давлатларнинг экологик маълумотларни муҳофаза қилиш бўйича турли ички қонунчилик ҳужжатлари мавжуд. Асосий талаб ушбу нормалар экологик маълумот узатилаётган ёки қабул қилинаётган давлатнинг қонунларига ҳам мувофиқ бўлиши лозим. Масалан, Европа Иттифоқининг экологик маълумотларни Европа Иттифоқидан ташқарига ўтказишни тартибга солувчи умумий маълумотларни химоя қилиш регламенти (ГДПР) юқоридаги масалаларни тартибга солади.

**5. Киберхавфсизлик соҳасида салоҳиятни ошириш.** Кўпгина экологик ташкилотлар самарали киберхавфсизлик чораларини амалга ошириш учун тажриба ёки ресурсларга эга бўлмаслиги мумкин. Экологик қонунчилик барча ташкилотларнинг атроф табиий муҳитга оид маълумотларни муҳофаза қилиш қобилиятига эга бўлишини таъминлаш учун пойдевор бўлиши лозим. Бунга мисол сифатида атроф табиий муҳитга оид маълумотларни муҳофаза қилиш технологияларини узатиш бўйича қоидаларни ўз ичига олган Африка Иттифоқининг “Киберхавфсизлик ва шахсий маълумотларни химоя қилиш тўғрисида”ги конвенциясини келтириш мумкин.

Келтирилган масалалар атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилонга фойдаланиш ва аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлашда келгусида вужудга келиши мумкин бўлган муносабатларни ифодалайди. Ҳар қандай экологик қонунчилик келгусида назарда тутилган муносабатларни тартибга солиши лозимлигидан келиб чиқиб, киберхавфсизликнинг экологик қонунчиликидаги ўрни бўйича бир нечта тавсияларни таклиф қиламиз:

биринчидан, экология ҳуқуқи соҳасига мустақил институт сифатида “Экология ҳуқуқида рақамлаштириш ва сунъий интеллект” йўналишини киритиш ва илмий жиҳатдан эътироф этиш, унинг субинститути сифатида “экология ҳуқуқида киберхавфсизлик” бўлимини йўлга қўйиш ва шу соҳага бағишланган тадқиқотларни олиб бориш зарур. Бу атроф табиий муҳитга оид маълумотларни кибертаҳдидлардан химоялаш ва киберхавфсизлик чораларининг атроф-муҳитни муҳофаза қилишга оид қонунчиликка мувофиқлигини таъминлашга хизмат қилади;

иккинчидан, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш билан шуғулланадиган барча ташкилотлар учун киберхавфсизлик талабларига риоя қилишни талаб қилувчи норматив-ҳуқуқий

ҳужжатлар базасини яратиш лозим. Бунга киберхавфсизлик чоралари амалда қўлланилишини таъминлаш учун мунтазам текширувлар ва баҳолашлар киратиш;

учинчидан, экологик ташкилотларнинг самарали киберхавфсизлик чораларини амалга ошириш ва етарли тажрибага эга бўлишини таъминлаш учун уларнинг салоҳиятини ошириш ва ўқитишни рағбатлантириш мақсадга мувофиқ;

тўртинчидан, киберхавфсизлик чораларининг жаҳон стандартларига жавоб беришини таъминлаш учун Европа Иттифоқининг маълумотларни химоя қилиш бўйича умумий регламенти ва Миллий стандартлар ва технологиялар институтининг киберхавфсизлик асослари каби халқаро ҳуқуқий ечимларини қабул қилишни рағбатлантириш;

бешинчидан, атроф-муҳитга оид маълумотларнинг трансчегаравий узатилишига кўмаклашиш ва турли юрисдикцияларда маълумотларни муҳофаза қилиш қонунларига риоя қилиш ва узатиш жараёнида нозик экологик маълумотларни химоя қилишни таъминлайдиган норматив-ҳуқуқий базани ишлаб чиқиш.

Ушбу тавсияларни амалга ошириш орқали мамлакатимизда атроф-муҳитга оид нозик маълумотларни химоя қилиш учун киберхавфсизлик чораларини кўришни ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ташкилотларининг тегишли киберхавфсизлик қоидаларига риоя этишини таъминлаш мумкин.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, рақамлаштириш даврида махфий маълумотларни химоя қилишни таъминлаш учун киберхавфсизликнинг ўрни жуда муҳим. Юқорида санаб ўтилган асосий муаммони ҳал қилиш орқали атроф-муҳит қонунчилигининг барқарор ривожланишига ёрдам бериши ва келажак авлодлар учун тоза экологик муҳитни яратишга хизмат қилиши мумкин.

**Дурбек МАХКАМОВ,**

*Тошкент давлат юридик университети  
профессор в.б., юридик фанлар доктори (DSc).*

## Фойдаланилган адабиётлар:

1. Медведев А.И. Правовые аспекты искусственного интеллекта и смежных технологий // Журнал Суда по интеллектуальным правам. Декабрь 2022. Вып. 4 (38). С. 48–63. DOI: 10.58741/23134852\_2022\_4\_48.
2. Гулямов С., Рустамбеков И., 2023. Конституционал Интеграцион оф Глобал Принциплес анд Интернационал Стандардс фор Енвиронментал Консервацион, Ресоурсе Манежемонт, анд Есологисал Едусатион. Интернационал Жоурнал оф Социал Сиенсе Анд Хуман /хттпс://www.ресерчгате.нет/публисатион/371826539\_Конституционал\_Интеграцион\_оф\_Глобал\_Принциплес\_анд\_Интернационал\_Стандардс\_фор\_Енвиронментал\_Консервацион\_Ресоурсе\_Манежемонт\_анд\_Есологисал\_Едусатион
3. Жоргенсен, Р. анд Леистер, Р., 2018. ЕУ Генерал Дата Протестион Регулацион (ГДПР). Тхе Привасй Адвисор. [Онлине] Аваилабле ат: хттпс://иапп.орг/newsc/a/eу-генерал-дата-протестион-регулацион-гдпр/ [Ассессед 10 Жуль 2021].
4. НИСТ, 2013. Федерал Риск анд Аутҳоризацион Манежемонт Програм (ФедРАМП). НИСТ Спесиал Публисатион 800-37. [Онлине] Аваилабле ат: хттпс://нвлпубс.нист.гов/нистпубс/СпесиалПублисатионс/НИСТ.СП.800-37р1.пдф [Ассессед 10 Жуль 2021].
5. НИСТ, 2018. Интернет оф Тҳингс (IoT). Национал Институти оф Стандардс анд Течнологй. [Онлине] Аваилабле ат: хттпс://www.нист.гов/програмс-прожесц/интернет-тҳингс-иот [Ассессед 10 Жуль 2021].
6. Жоргенсен, Р. анд Леистер, Р., 2018. ЕУ Генерал Дата Протестион Регулацион (ГДПР). Тхе Привасй Адвисор. [Онлине] Аваилабле ат: хттпс://иапп.орг/newsc/a/eу-генерал-дата-протестион-регулацион-гдпр/ [Ассессед 10 Жуль 2021].
7. Африсан Унион Соммиссион (АУС), 2014. Сонвентион он Сйберсесуритй анд Персонал Дата Протестион. Африсан Унион. [Онлине] Аваилабле ат: хттпс://ау.инт/ен/тратеиес/африсан-унион-сонвентион-сйберсесуритй-анд-персонал-дата-протестион [Ассессед 10 Жуль 2021].

## БАЪЗИ ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА ҶУЗИНИ ҶУЗИ ҶЛДИРИШ ДАРАЖАСИГА ЕТКАЗИШ ҶКИ ШУНГА УНДАГАНЛИК УЧУН ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИК

**Жаҳон ҳамжамиятида мавжуд ҳуқуқий тизимларнинг ягоналиги ва мустақиллигига қарамай олимлар уларнинг турли типологияларини ажратиб кўрсатадилар. Ҳуқуқшунос олим Р.Девид томонидан илгари сурилган ҳамда умумий тан олинган тасниф асосида романа-герман (континентал), англо-саксон (Англия-Америка), социалистик ва мусулмон ҳуқуқий тизимлар (оилалар)ни кўриб чиқамиз.**

МДҲ мамлакатларида ва айрим собиқ СССР республикаларининг жиноят кодексларида Ҷузини Ҷузи Ҷлдириш даражасига етказиш жинояти учун қонунчилик меъёрларида тузилишига кўра бир қатор Ҷузига хосликлар мавжуд бўлса-да, кўп жиҳатлари бир-бирига Ҷхшашдир. Бундан ташқари, романо-герман ҳуқуқий оиласи доирасида Австрия, Аргентина, Бельгия, Германия Федератив Республикаси, Голландия, Испания, Италия, Польша, Сан-Марино, Туркия, Франция, Швейцария ва Япониянинг жиноят кодексларида Ҷузини Ҷузи Ҷлдириш даражасига етказиш учун белгиланган жиноят қонунчилиги нормаларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Кўпгина Европа мамлакатларининг, шунингдек бир қатор Шарқий давлатларнинг жиноят қонунчилигида Ҷузини Ҷузи Ҷлдириш даражасига етказиш ва унга кўмаклашганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Хусусан, Австрияда Ҷузини Ҷузи Ҷлдиришга ундаш учун жавобгарлик белгиланган бўлса Аргентина ЖК да Ҷузини Ҷузи Ҷлдиришга ундаган Ҷки Ҷз жонига қасд қилишга кўмаклашган шахсга нисбатан жиноий жавобгарлик белгиланган. Испания ЖК 143-моддасида куйидаги жиноий жавобгарликлар назарда тутилади: а) 1-қисми – Ҷузини Ҷузи Ҷлдириш даражасига етказиш учун; б) 2-қисми – Ҷузини Ҷузи Ҷлдиришга ундаганлик учун; в) 3-қисм – жабрланувчининг Ҷлимига олиб келган Ҷз жонига қасд қилишда кўмаклашганлик учун; г) 4-қисм – ушбу модданинг 2,3-қисмида назарда тутилган ҳаракатлар агар жабрланувчи унинг Ҷлимига олиб келадиган Ҷки унга доимий жиддий азоб берадиган касаллиги мавжудлиги туфайли жиддий, аниқ ва охириги чора сифатидаги талаби натижасида содир этилганлик учун, яъни “эвтаназия” бўлса бу ҳолатда энгиллаштирувчи таркиб сифатида тавсифланади.

Италия ЖК 580-моддасида кўрсатилган «Ҷузини Ҷузи Ҷлдиришга ундаш Ҷки эвтаназия» учун жиноий жавобгарлик, Ҷзга шахсни Ҷз жонига қасд қилишга ундаш Ҷки Ҷз жонига қасд қилишни оқлаш, шунингдек, уни содир этиш ва ижро этишга кўмаклашганлик учун келиб чиқади. Бундан ташқари, Италия Жиноят кодексининг 150-моддасига кўра, агар бу ҳаракатлар Ҷн тўрт Ҷшга тўлмаган шахсга Ҷки Ҷз жонига қасд қилиш ҳолатларида салбий оқибатларни тушуниш ва баҳолашга қодир бўлмаган шахсга нисбатан амалга оширилган бўлса қасддан одам Ҷлдиришга тегишли қоида қўлланилади.

Сан-Марино Жиноят кодекси 151-моддасига кўра, Ҷз жонига қасд қилишга ундаш Ҷки кўмаклашиш, агар Ҷлимга олиб келадиган бўлса, озодликдан маҳрум қилиш ва тўртинчи даражада ҳуқуқлардан маҳрум қилиш билан жазоланади. Агар Ҷз жонига қасд қилишга уриниш жиддий тан жароҳати етказса, учинчи даражали қамоқ жазоси қўлланилади. Агар Ҷузини Ҷузи Ҷлдиришга ундаган шахс кичик Ҷшдаги Ҷки Ҷз ҳаракатларининг аҳамиятини англай олмаган Ҷки уларни бошқара олмаган шахс бўлса бундай қилмишга қасддан одам Ҷлдириш учун жавобгарлик тўғрисидаги қоидалар қўлланилади. Шунингдек, Сан-Марино Республикасининг ЖК Европа давлатлари ичида Ҷузини Ҷузи Ҷлдиришга ундаш ва Ҷузини Ҷузи Ҷлдиришга кўмаклашиш жиноятининг ижтимоий

ҳавфлилик даражаси юқори бўлган оз сонли жиноят қонунларидан биридир.

Польша Республикаси Жиноят кодексида “ишонтириш Ҷки Ҷрдам бериш орқали шахсни Ҷз ҳаётига суиқасд қилишга олиб келиш”, Туркия Жиноят кодексига кўра Ҷузини Ҷузи Ҷлдиришга ундаш ва Ҷз жонига қасд қилишга кўмаклашиш учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Франция ЖК да ҳам Ҷузини Ҷузи Ҷлдиришга ундаш учун жавобгарлик белгиланган. Хусусан, ЖКнинг 223-13-моддасига кўра, Ҷз жонига қасд қилишга ундашнинг зарурий белгиси Ҷн беш Ҷшга тўлмаган вояга етмаган шахсга нисбатан содир этилишидир. Бундан ташқари, Ҷлимга олиб келувчи товар (маҳсулот)лар, предметлар ва усулларни тарғиб этиш ва реклама қилиш учун ЖК 223-14-моддасига мувофиқ жиноий жавобгарлик белгиланган. ЖК 223-15-моддасида эса, босма ва аудиовизуал оммавий ахборот воситалари Ҷрдамида амалга оширилган тақдирда оммавий ахборот воситалари фаолиятини тартибга солувчи қонунларнинг махсус қоидаларига асосан жавобгарлик белгиланиши назарда тутилган.

Швейцария жиноят қонунчилигида ҳам мазкур норма Ҷзига хос тарзда тартибга солинган. Яъни, мазкур нормада шахсни турли хил алдовлар ва қизиқтиришлар натижасида ҳамда маълум бир амалий кўмаклашиш натижасида Ҷз жонига қасд қилишга сабабчи бўлиш учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Япония ЖК 202-моддасида кўрсатилган жиноят Ҷузини Ҷузи Ҷлдиришида иштирок этиш ва Ҷузини Ҷузи Ҷлдиришга кўндиришда бир вақтнинг Ҷзида бир нечта, яъни “одамни Ҷлдириш учун тайёрлаган Ҷки Ҷз жонига қасд қилишга Ҷрдам берган Ҷки Ҷз хоши-иродаси билан Ҷки унинг розилиги билан одамни Ҷлдирган” каби хатти-ҳаракатларни Ҷз ичига олади.

Япония ЖКнинг 203-моддаси (Одам Ҷлдиришга суиқасд қилиш)га мувофиқ, ЖК 202-моддасида кўрсатилган қилмишларни содир этишга суиқасд қилиш ҳам жавобгарликка асос бўлиши белгиланган.

Юқоридагиларга асосланиб, қайд этилган бир қатор давлатларда Ҷузини Ҷузи Ҷлдиришга ундаш, кўмаклашиш, кўндириш, шунингдек, Ҷз жонига қасд қилишда Ҷрдам кўрсатиш билан боғлиқ жиноятлар диспозицияси Ҷзига хос жиҳатлари билан бир-биридан фарқ қилади. Бу бевосита мазкур жиноятларни содир этишда назарда тутилган санкцияларда ҳам Ҷз аксини топади. Масалан, Туркия Жиноят кодексининг 454-моддасига кўра, жабрланувчи вафот этган тақдирда айбдор уч йилдан Ҷн йилгача бўлган оғир жазога ҳукм қилинади ва бу Ҷз-Ҷзидан жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида қаралади. Сан-Маринода шахс бундай жиноятни содир этгани учун тўрт йилдан Ҷн йилгача озодликдан маҳрум этилади, Австрияда эса, шунга Ҷхшаш қилмиш содир этгани учун олти ойдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган, Польша Республикасида 3 ойдан 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси, Аргентинада эса бир йилдан тўрт йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган.

Германия Федератив Республикаси ва Бельгия ЖКларининг таҳлили шуни кўрсатадики, бу мамлакатларда ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш, ундаш, ўз жонига қасд қилишда ёрдам кўрсатганлик учун жиноий жавобгарлик назарда тутилмаган. Зеро, шу каби айрим мамлакатларда эвтаназия қонунийлаштирилган.

Хусусан, Нидерландия фаол эвтаназияни қонунийлаштирган биринчи мамлакатдир. Аммо, жиноят қонунчилигида ўзини ўзи ўлдиришга ундаш учун жавобгарлик назарда тутилган.

Шунингдек, эвтаназия ва раҳм-шафқат сабабли ўлдиришни назарда тутадиган жиноят қонунчилигига эга бўлган баъзи мамлакатларда жазони енгиллаштириш йўли билан бундай қилмишларни босқичма-босқич декриминаллаштириш ва уларни рад этишнинг зарур шартлари изланганини кўриш мумкин. Жумладан, Польша Республикаси Жиноят кодексининг 150-моддасида одам ўлдиришни шахснинг илтимосига биноан ёки раҳм-шафқат ҳисси билан содир этганлик учун 3 ойдан 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо кўзда тутилган. Ушбу модданинг 2-қисмида истисно ҳолатларида суд жазони модданинг санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ жазо ёки ҳеч қандай жазо қўлламаслиги мумкинлиги кўрсатилган.

Фикримизча, эвтаназия - бу шахснинг мутлақ қонуний эркинлиги ва ундан ўз ихтиёри ва зарурати асосида фойдаланиш қобилиятига эга бўлганлиги эмас, балки бу агрессив муҳит ёки воситалар билан инсоннинг ўлимини тезлаштириш, уни табиий ҳаётга бўлган ҳуқуқдан маҳрум қилишга қаратилган муносабатдир.

Бу борада Й.Г.Ермолаева "Ўз жонига қасд қилиш, ўз ҳаётини тугатиш учун инсоннинг иродали қарори сифатида, эвтаназиядан фарқ қилади. Чунки, у мустақил равишда амалга оширилмайди, аксинча беморга тиббий ходимларнинг таъсири остида (жиддий касал одамнинг танасига дори-дармонларни киритиш, дори-дармонларнинг ўлдирадиган дозасини танлаш ёки барбитуратлар ва уйқу таблеткаларидан иборат аралашмани тайёрлаш) амалга оширилади" дея фикр юритади. Унинг таъкидлашича, эвтаназияни қонунийлаштириш шахсни ҳаётдан ихтиёрий-мажбурий равишда маҳрум этишга олиб келади.

Бу фикрни О.С.Капинус ҳам қўллаб-қувватлаган ҳолда шундай дейди: "Эвтаназияни тўлиқ декриминаллаштириш қариялар ва оғир касалликка дучор бўлган беморларга "босим" келтириб чиқариши, уларда жамият учун фойдасиз ва ортиқча юк бўлиш ҳиссиётлари уйғонишига сабаб бўлиши мумкин".

Бу борада тиббиёт соҳасининг етук мутахассиси Гиппократ (милоддан аввалги 600 йил) ҳам ўз фикрлари билан эвтаназияга қарши чиққан. Унинг қасамёдида шундай дейилади: "...мен ҳеч кимга ўзимдан сўралаётган ўлим воситасини бермайман ва бундай ниятни амалга оширишга йўл кўрсатмайман".

Демак, Нидерландия, Дания, Польша, Швейцария ва Норвегия Жиноят кодексларининг жиноят ҳуқуқи нормаларини ўрганиш натижаларига асосланиб, ўз жонига қасд қилишга қаратилган жиноий ҳаракатларни декриминаллаштириш имконияти ушбу давлатларнинг ҳуқуқий тизимларини ривожлантиришнинг умумий тенденцияларида аниқ кўринади, дейишимиз мумкин.

АҚШ Техас штати ЖКнинг "Ўзини ўзи ўлдиришга қўмаклашиш" номли 22.08-моддаси (а) қисми ўз жонига қасд қилишни хоҳлаган ёки ўз жонига қасд қилишга уринаётган шахсларга ўз жонига қасд қилишни осонлаштириш ёки ёрдам беришга қаратилган ниятда намоён бўлади. Ушбу қилмиш учун 500 (АҚШ) долларидан ошмайдиган жарима жазоси белгиланган. Агар жабрланувчи ўзини ўзи ўлдириш ёки шунга уриниши натижасида танага жиддий шикаст етса,

180 кундан икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилади ва жазони штат қамоқхоналарида ўтайди.

Австралия Жиноят кодексининг таҳлили шуни кўрсатадики, биз кўриб чиқаётган жиноят таркиби (шунингдек тегишли элементлар) ушбу қонунга киритилмаган.

Ҳиндистонда ўз жонига қасд қилишга қаратилган ҳаракатларга тесқари муносабат шаклланган. Ҳиндистон ҳуқуқ тизими расман англо-саксон юридик оиласига мансублигига қарамай, қонунчилиги кўп тизимли, яъни ҳудудий мансублиги билан белгиланадиган миллий қонунчиликни диний ҳуқуқ тизими билан бирлаштиради.

Ҳиндистон ЖКнинг 305-моддасида ўн саккиз ёшга тўлмаган ёки ақли заиф (ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англай олмаган ёки уларни бошқара олмаган,) шахсларни шунингдек, алкоголь маҳсулотини истеъмол қилган маст одамнинг ўзини ўзи ўлдиришида иштирок этган ҳар қандай айбдор шахсга нисбатан жарима, ўн йилгача озодликдан маҳрум этиш, умрбод озодликдан маҳрум этиш ёки ўлим жазоси билан жазоланиши назарда тутилган.

Ҳиндистон ЖКнинг 306-моддасига биноан ўзини ўзи ўлдиришда иштирок этишда айбдор бўлган шахс ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиниши, шунингдек, жаримага тортилиши белгиланган. Бундан ташқари, Ҳиндистон ЖКнинг 309-моддасига мувофиқ ўзини ўзи ўлдиришга суиқасд қилган шахсга нисбатан жарима, бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги ёки бир вақтнинг ўзига иккита жазо қўлланилиши мумкинлиги белгиланган.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, Ҳиндистон жиноят қонунчилиги, англо-саксон ҳуқуқий оиласига тегишли бўлган бошқа мамлакатлардан фарқли ўларок, биринчи навбатда, бутун мамлакат бўйлаб ҳудудий ҳуқуқни ҳинд ва мусулмон ҳуқуқ манбалари билан мустақамлаш билан боғлиқ бўлиб, бу ўз навбатида ўз жонига қасд қилиш ҳаракати айбли қилмиш деб топилади ҳамда шахснинг ўзга шахсни ўзини ўзи ўлдиришига сабабчи бўлиши жиноят деб ҳисобланади.

Шунингдек, ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш ёки ўзини ўзи ўлдиришга ундаш бўйича МДҲ давлатлари Жиноят кодексининг нормалари асосан намунавий Жиноят кодексининг қоидаларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилганлигини, шу билан бирга, инсон ҳаётини жиноий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш тажрибаси, ушбу соҳадаги жиноий сиёсатнинг алоҳида жиҳатлари бир-биридан фарқ қилишини билиш имконини беради.

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 13 июндаги ЎРҚ-436-сон Қонуни асосида Жиноят кодекси (ЖК 103-м.)га киритилган ўзгартиш ва қўшимчалардан сўнг Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилиги ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш учун жиноий жавобгарликни таъминлашга қаратилган фаолиятини ташкил этиш масалалари бўйича хорижий жиноят қонунчилигининг барча манбалардан ижобий фарқ қила бошлади.

Эвтаназия учун жавобгарлик Европанинг айрим мамлакатлари қонунчилигида белгилаб қўйилган. Аммо, шуни таъкидлаш керакки, бир қатор мамлакатларнинг жиноят қонунчилигида (масалан, Дания, Норвегия, Польша, Швейцария ва бошқалар) ўзини ўзи ўлдиришга "ёрдам" ёки "иштирок" (ҳатто жабрланувчининг илтимосига кўра бўлса ҳам) каби ҳаракатлар енгиллаштирувчи таркиб сифатида белгилаб қўйилган. Бизнинг фикримизча, бундай ёндашув келажақда ушбу меъёрларнинг камайиши учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

**МУХИДДИНОВ Абдор Ҳикмат ўғли,**  
ИИБ Академияси Жиноят ҳуқуқи кафедраси  
катта ўқитувчиси, ю.ф.ф.д (PhD).



## ОИЛА КИЧИК ВАТАН ЁХУД ОИЛАВИЙ СУДЛАРНИНГ МУҲИМ ВАЗИФАЛАРИ

**2023 йилнинг 21 декабрь кун**и Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Оилаларни мустаҳкамлаш ва хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Ушбу қарорга биноан, Олий суд, Судьялар олий кенгаши ҳамда Оила ва хотин қизлар қўмитасининг илгор хорижий тажриба асосида фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судларда оилавий низоларни кўришга ихтисослашган судьялар корпусини шакллантириш ҳақидаги таклифига розилик берилди.

Тажриба тариқасида шу йилнинг 1 февралидан фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд шаҳар, Наманган туманлараро ва Мирзо Улугбек туманлараро судларининг икки нафардан судьясини оилавий низоларни кўриш бўйича ихтисослаштирган ҳолда ушбу судларда «Оила судьялари» ташкил этилиши белгиланди. Олий суднинг фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро судининг никоҳдан ажралиш учун ариза берган оилаларни яраштириш бўйича ижобий тажрибасини босқичма-босқич бошқа судларга татбиқ этиш бўйича молиявий асосланган чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш юзасидан фармойиши қабул қилинди.

Оила ҳар бир жамиятнинг бошланғич ва энг муҳим бўғини ҳисобланади. Оила мустаҳкам, тинч, ҳалол ва пок бўлса, жамият ҳам осойишта, фаровон бўлади. Инсониятга берилган буюк неъматлардан бири унинг туғишганлари билан бир оила бўлиб яшашидир.

Ушбу қарорнинг аҳамияти шундаки, у имкон қадар оилалардаги ажримларни камайитиришга қаратилган. Ажралиш бу жабҳадаги охириги қадам, чунки ёшлар ажралиш учун ариза беришга келдими, демак, улардан бири ёки иккаласининг ҳам тарбиясида қандайдир оқсоқлик бор. Суд шу заҳоти улардаги ана шу кемтик жиҳатларни тузатиб қўя олмайди, албатта. Лекин, мазкур йўналишда ихтисослашган оила судьялари ёшларга ёки уларнинг ота-оналарига тушунтиришлар бериш орқали ажримларнинг олдини олишга кўмаклашади.

Никоҳдан ажратиш, бола ҳуқуқлари билан боғлиқ ишлар фуқаролик муносабатларига оид низолар доирасига кириб, фуқаролик ишлари бўйича судларнинг судловига тааллуқлидир. Фуқаролик ишлари бўйича судлар минглаб фуқаролик муносабатларига оид ишларни кўриб, никоҳдан ажралиш, болалар ҳуқуқига доир мураккаб ҳисобланган муносабатларга етарлича эътибор бериш имкониятига эга бўлиши керак.

Қадимдан бирон-бир оила, уруғ ёки маҳаллада низо келиб чиқадиган бўлса, ўша уруғ ёки маҳалланинг ёши улуг, барча ҳурмат қиладиган аъзолари низолашаётган тарафларни инсофга чақириб, уларнинг орасини ислоҳ қилишга, низони тинч йўл билан бартараф этишга ҳаракат қилишган ва бу амалиёт ҳозирги кунга қадар сақланиб қолган.

Ташкил этилиши режалаштирилган оилавий судларнинг судьялари юридик малакадан ташқари психология ва педагогик билимларига эга бўлишлари, ҳар бир оиланинг ўзига хос анъаналари, тамойиллари, турмуш тарзини чуқур ҳис қилишлари, сабр тоқатли бўлиши, вояга етмаган болаларнинг нозик руҳиятига зарар етказмасдан, фикрини олиши, хоҳиш истакларини ҳис қилиши, тушуна билиши лозим бўлади.

Бунинг учун оилавий судлар судьялари оила ва хотин-қизлар қўмитаси, маҳалла, психолог, педагоглар билан билан ҳамкорликда, ҳар бир оила билан алоҳида ишлайди. Эр-хотин ва болалар муаммоларининг вужудга келиши сабабларини аниқлаб, бартараф этиш чорасини кўриш учун кенг қамровли ишларни бажаради.

Давлатимиз раҳбарининг қароридан бекорга оила судьяларининг фаолиятини йўлга қўйишга эътибор берилгани йўқ. Сабаби, шу оилаларда келажақда олимлар, спортчилар, маданият ва фан арбобларининг тарбияланиши ёки аксинча нотинч муҳитга эга оиладан жиноятчи, гиёҳванд ёнги ўғиллар етишиб чиқиши мумкин.

Оилавий судларни ташкил қилиш бу давр талаби. Мазкур қарор қатор хорижий давлатларнинг бу борадаги иш тажрибалари ўрганилган ҳолда, ушбу амалиёт натижасида оилавий низоларнинг тез ва ўта профессионал даражада ечим топиши, кучли ярашув амалиёти шаклланганлигидан келиб чиқиб қабул қилинган.

Хорижий давлатларнинг амалиётига қарасак оилавий судлар Англия, Япония, Германия, Франция, Бельгия, Италия, Канадада фаолият кўрсатиб келмоқда. Хусусан, оилавий судлар Германияда 1976 йилдан, Японияда 1947 йилдан, Англияда 2010 йилдан бошлаб фаолият юритиб, бу борада кучли амалиётга эга.

Германия судларнинг иш кўриш тартибида ўзига хос хусусиятлардан бири шуки, унда оилавий ишлар ёпиқ суд мажлисларида кўрилиб, судга келиб тушган бир нечта ҳар хил тоифадаги даъво аризалари битта оила аъзолари томонидан тақдим қилинган бўлса, барча даъволарни битта судья кўради, никоҳдан ажралишга оид ишларни кўришда суд томонидан гувоҳлар фақат ҳар иккала тараф шахсан ҳозир бўлганида сўроқ қилинади, бошқа ҳолатда бунга йўл қўйилмайди.

Канаданинг оилавий судлари қийин вазиятда қолган оилаларга ёрдам бериш маркази сифатида фаолият юритади. Ушбу судда низолашаётган оила аъзоларига қатор сервис ва хизматлар кўрсатилади, хусусан ўқув дастурлари тақдим этилади. Уларга мувофиқ никоҳдан ажралишнинг оилага таъсири ўргатилади. Болаларнинг эҳтиёжи, қарашлари, хоҳиш-иродасини аниқлаб берувчи мутахассислар, бепул асосида фаолият юритиб келаётган болалар адвокати хизмат кўрсатади. Япония судларида эса медико-психиатрия консултацияси, ярашув комиссияси фаолият юритади.

Бугунги юксак технология даврида давлат органларида, хусусан ФХДЭ органларида иш юритув соддалаштирилганлиги, аҳоли учун жуда қулай. Аммо бошқа тарафдан қараганда ёшларда никоҳ тузиш масъулияти, оилани бошқариш, бола туғилиши билан пайдо бўладиган ота-оналик ҳисси муҳимлигини англаб етишга, ўйлаб кўришга бўлган жараён тезлашиб оилага тайёр бўлиш учун етарлича бўлмай келмоқда.

Бугунги давр никоҳ тузишдан олдин мулккий муносабатларни олдиндан келишиб олиш, оилавий муносабатларнинг яхши ва қийин қирраларини ёритиб берадиган психолог ва никоҳ шартномасини тузиш масаласида юрист маслаҳатидан фойдаланишни тақозо этади. Никоҳ тузишдан олдин бу масалаларга эътибор берилмайди, аммо никоҳ даврида айнан шу билим оила бузилишининг олдини олади, ажрашган тақдирда ҳам фарзандларига муносиб ота-она бўлиб қолиш, эр ёки хотиннинг қийин моддий аҳволга тушиб қолишининг олдини олади.

Оилавий судлар олдиларига қўйилган тинч оилаларнинг сонини кўпайтириш орқали жамиятимизни янги босқичга олиб чиқиш каби маррага авваломбор халқ, маҳалла, ёши улуг отахону онахонлар, ҳокимият органлари вакиллари, соҳа мутахассислари ёрдамида эришилади.

Дарҳақиқат оиламиз тинч бўлса, бизнинг авлодларимиздан дунёда тан олинган буюк олимлар, спортчилар, маданият ва фан арбоблари етишиб чиқади. Бунинг учун биз Оилавий суд судьялари мазкур маррага эришиш учун барча билим ва ғайратимизни сафарбар қилишимиз шарт.

**Азиза ИСМАТОВА,**

фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд шаҳар суди раисининг ўринбосари.



# “ЎЗБЕКИСТОН – 2030” СТРАТЕГИЯСИ – ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИ САРИ

**Янги замон руҳи кириб бормаган, инсон манфаатига устувор аҳамият қаратилмаётган бирор-бир соҳа йўқ. Тадрижий ривожланиш босқичларига назар солсак, уларнинг мазмун-моҳиятида халқимиз хоҳиш-иродаси, йиллар давомида фуқароларнинг тинчлик-хотиржамлигига тўсиқ бўлаётган овриқли муаммолар ечими тургани янада аҳамиятлидир. Бир сўз билан айтганда, бундай тарихий эврилишлар ўз-ўзидан содир бўлмайди. Мазкур ислохотлар замирида аниқ ва режали мақсад, қатъият, кучли сиёсий ирода муҳассам.**

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Конституцияси Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг конституциявий асосларини мустаҳкамлашга хизмат қилди. Мазкур ҳужжат юртимиз тараққиётининг асосий йўналишларини такомиллаштириш ва улкан ислохотларни янги босқичга олиб чиқишда долзарб аҳамиятга эга ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг 2023 йил 19 сентябр куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 78-сессиясида сўзлаган нутқларига яна бир бор эътибор қаратсак, бугунги мураккаб геосиёсий вазиятда ниҳоятда муҳим ғоя ва ташаббуслар илгари сурилганлигини теранроқ англаймиз: “Биз Асосий қонунимизда миллати, тили ва динидан қатъи назар, барча фуқароларнинг тенглиги, инсон ҳуқуқлари, сўз ва виждон эркинлиги принципларига садоқатимизни яна бир бор тасдиқладик. Мана шундай ҳуқуқий асосда “Ўзбекистон – 2030” тараққиёт стратегиясини қабул қилдик. Бу стратегия Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Барқарор ривожланиш мақсадлари”га уйғун бўлиб, биз ўз зиммамизга олган барча мажбуриятларни тўла ва қатъий бажармоқдамиз”.

“Ўзбекистон – 2030” стратегиясида 5 та устувор йўналиш бўйича 100 та муҳим мақсад ўз аксини топган бўлиб, мазкур ҳужжат орттирилган тажриба,

халқаро экспертиза ва жамоатчилик муҳокамаси натижалари асосида ишлаб чиқилган. Стратегияда белгиланган йўналишларнинг барчасида аҳоли, яъни халқ ва мамлакат манфаатлари бош мақсад сифатида белгиланган. Мазкур ҳужжатнинг кенг жамоатчилик муҳокамаси асосида ишлаб чиқилгани унинг халқчиллигини таъминлаган, десак муболаға бўлмайди.

Стратегиянинг алоҳида боби “Қонун устуворлигини таъминлаш, халқ хизматидаги давлат бошқарувини ташкил этиш” йўналишига бағишланган. Мазкур йўналиш 16 та мақсад (74-89-мақсадлар) доирасида 51 та амалий чора-тадбир ва 21 та вазифани ўзида қамрайди. Бунда маҳалла, маҳаллий давлат органлари, вакиллик органлари, давлат хизмати, фуқаролик жамияти институтлари, суд-ҳуқуқ, инсон ҳуқуқлари, адвокатура, коррупция масалаларига оид 41 та мақсадли кўрсаткични ишлаб чиқиш ва 25 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини тайёрлаш назарда тутилган. Хусусан, “Халқ хизматидаги давлат бошқарувини ташкил этиш ва жамоатчилик бошқарувини такомиллаштириш бўйича ислохотлар” ҳамда “Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар” каби бандларда бир қатор вазифалар белгиланди:

- Электрон шаклда кўрсатиладиган давлат хизматлари улушини 100 фоизгача етказиш;

- “Электрон ҳукумат” тизимининг янги босқичи – “Рақамли ҳукумат” тизимидаги ўтилиб, барча ҳужжатлар ва муносабатларнинг рақамли шаклда бўлишини таъминлаш;

- Фуқароларнинг давлат хизматларидан фойдаланиши учун мурожаат қилишида ариза ёзиш, турли шаклларни тўлдириш каби ортиқча формал тартибларни бекор қилиш, давлат идоралари зарур ҳужжатларни электрон базадан ўзи оладиган тизим яратиш.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, “Ўзбекистон – 2030” стратегияси нафақат юртимизнинг келгуси етти йиллик тараққиётини, балки унинг узоқ йиллик ривожланиш стратегиясини белгилаб берувчи муҳим ҳужжатдир. Унда белгиланган мақсадларнинг ижроси ўз вақтида таъминланиши эса давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама жадал ривожланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

**Шаҳридин ЭШИМОВ,**

жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар судининг судьяси.

*Гўзал гулни, осуда кечани, дуруст дўстни ҳамма хоҳлайди.*

*Муҳими, гулни тикани билан, кечани асрори билан, дўстни дарди билан қабул қила олмоқликдир.*

**Шамс ТАБРИЗИЙ**



# ҚУРИЛИШ СОҲАСИДА КОРРУПЦИЯНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

## АННОТАЦИЯ:

мақолада қурилиш соҳасида коррупциянинг олдини олиш масаласи хориж давлатлари мисолида таҳлил қилинган. Бундан ташқари, самарали деб ҳисобланган хорижий давлатларнинг коррупцияга қарши кураш чоралари тадқиқ этилган.

**Калит сўзлар:** Қурилиш саноати, қурилиш соҳасида коррупциянинг олдини олиш чоралари, ахлоқ кодекси, шаффофлик механизми, коррупцияга қарши профилактика чоралари.

Бугунги кунда қурилиш саноати коррупция учун энг заиф ва жозибали соҳа ҳисобланади. У доимий равишда энг коррупциялашган соҳалардан бири бўлиб, кўплаб мамлакатларда порахўрлик ва коррупцияга оид ишлар судларга доимий равишда келиб тушади.

Лойиҳани амалга ошириш жараёнининг режалаштиришдан то фойдаланишга топшириш ва техник хизмат кўрсатиш босқичларигача коррупцион амалиётларни учратиш мумкин.

**Қурилиш соҳаси коррупцияга мойиллигининг бир қанча сабабларини санаб ўтиш мумкин:**

- **Ўзига хослик.** Кўриб чиқилаётган соҳада иккита мутлақо бир хил қурилиш лойиҳаси деярли йўқ, бу харажатларни объектив баҳолашни қийинлаштиради ва харажатларни ошириб юбориш ва коррупцияни яшириш учун имкониятлар очади.

- **Молиявий операцияларнинг мураккаблиги.** Дизайн ва қурилиш кўплаб турли хил касбий фанларни, мутахассисларни ва шартномавий муносабатларнинг турли шакллари йўз ичига олади, бу эса самарали назоратни ташкил қилишни жуда қийинлаштиради.

- **Яширин ишларнинг мавжудлиги.** Қурилиш саноатида материаллар ва маҳсулотлар кўпинча кўздан яширилади (масалан, пўлат арматура бетон билан қўйилади, девор гипс билан қопланади, кабеллар ва қувурлар симлар учун каналларга ўралади ва ҳоказо.), бу ҳам турли хил суиистеъмоллик манбаи ҳисобланади.

- **Лицензиялаш тартиб-қоидаларининг бюрократияси.** Қурилиш майдончасини куриш учун ишнинг турли босқичларида кўплаб ҳужжатлар, лицензиялар ва рухсатномаларни олиш ва тасдиқлаш талаб этилади, бу эса коррупция манбаи ва порахўрлик учун имкониятдир.

- **Инвестициялар миқёси.** Муҳандислик ва қурилиш инфратузилмасига, хусусан, мураккаб ва ноёб объектларни куришда инвестициялар жуда катта миқдорда бўлиши мумкин, бунинг ичида номақбул харажатлар, ўғирлаш, пора ва ҳоказоларни яшириш анча осон.

Шубҳасиз, юқоридаги рўйхатни сезиларли даражада кенгайтириш мумкин.

Шундай қилиб, мавжуд ҳисоб-китоб ва тахминларга кўра, 2030-йилга бориб ҳақон қурилиш саноатининг йиллик умумий ҳажми 17,5 триллион АҚШ долларини, коррупция, нотўғри бошқарув ва ҳоказолар натижасида кўрилган йўқотишлар эса 6 триллион АҚШ долларини ташкил этади.

Бугунги кунда ривожланган ва ривожланаётган давлатлар қурилиш соҳасида коррупциянинг олдини олиш чораларини ўрганиш ва таҳлил этиш долзарб масаладир.

Қурилишдаги коррупциянинг ноаниқ таърифларини ҳал қилиш учун олимлар таклиф қилган иккита стратегия мавжуд.

**Биринчидан,** Доиг ва бошқа мутахассислар саноатдаги ходимларнинг хатти-ҳаракатларини яхшилаш учун қурилиш фирмаларида ходимларга касбий кўникмалар ва ахлоқий таълим берилиши кераклигини таъкидлайдилар.

**Иккинчидан,** саноат бошчилигидаги ҳаракатлар орқали инфратузилма, қурилиш ва муҳандислик соҳаларида коррупцияга қарши курашни тарғиб қилиш коррупцияни бартараф этишга ёрдам беради (Зиннбауер ва бошқ.). Шунингдек, Боекманнинг таъкидлашича, шаффофлик, ҳисобдорлик ва масъулият тамойиллари барқарор яхлитлик, адолатлилик ва ахлоқий хулқ-атворга олиб келади. Юркевич ва Браун етакчилик (яъни, юқоридан пастга бошқарув) ташкилот маданиятига бевосита таъсир қилишини ва сиёсатга қараганда кучлироқ ва самарали эканлигини кўрсатди. Свендсен ва Граефф ишонч коррупцияни камайтириши, самарадорликни ошириши ва текшириш харажатларини пасайтириши мумкинлигини таъкидлайдилар. Бундан ташқари, Чен ва бошқалар корпоратив бошқарув қурилиш фирмаларидаги ички фирибгарликларни юмшата олишини ва мижознинг ишончини сақлаб қолишини таъкидлайди. Шунингдек, аудит қурилиш соҳасидаги коррупциянинг олдини олишининг самарали усули эканлигини тасдиқлайди.

Таиланд қурилиш саноатидаги коррупция сабабларини ўрганган Опоку ва бошқа олимлар олиб борилган тадқиқотлар натижасига кўра қуйидагича хулосага келишган:

Таиланд қурилиш саноати (TCI) даги коррупциянинг асосий сабаблари хулқ-атвор ва бошқарув омилларига бўлинган. Хулқ-атвор омилларига очкўзлик, оппортунистик характер, ҳокимиятни суиистеъмол қилиш, қулайликка йўналтирилган шахс, қонунга бўйсунмаслик ва жозибадорлик киради. Ҳолбуки, бошқарув омиллари сифатида харидларда шаффофликнинг йўқлиги, бюрократик тизим ва юрисдикциянинг заифлиги, шу жумладан ташкилий маданият ва тузилманинг нотўғри бошқарилиши кабилар санаб ўтилган.

Веймар университети архитектура ва шаҳарсозлик факультети тадқиқотчиси Асгедом Ҳаиле Берхе ўзининг докторлик диссертациясида Эфиопия давлат қурилиш соҳасида коррупция хавфини камайтириш учун қурилиш маълумотларини моделлаштириш (BIM — (Building

Information Modeling) потенциални ўрганган ҳолда уни коррупцияга қарши стратегик ечим сифатида баҳолаган.

Гонконг Политехника Университети тадқиқотчиси Эммануел Кингсфорд Овусу ва бошқалар қурилиш лойиҳаларини бошқаришда (construction project management – СРМ ) коррупциянинг тарқалишининг олдини олиш учун ишлаб чиқилган коррупцияга қарши чораларни (the anti-corruption measures – АСМs ) тадқиқ этар экан, олдинги тадқиқотлар ва қабул қилинган тематик ёндашув бўйича 38 та нашр ишланмалари асосида коррупцияга қарши тўплаган ва энг кўп аниқланган чора-тадбирлар сифатида ахлоқ кодекси, шаффофлик механизми, ўқитиш ва ривожланиш ташаббуслари, хабардорликни ошириш, қатъий техник аудит тизимлари ва шартномалар мониторингини таъкидлаб ўтишган.

Бундан ташқари, Гонконгнинг коррупцияга қарши мустақил комиссияси уч томонлама ёндашувдан фойдаланади: ҳуқуқни муҳофаза қилиш (тартибга солиш чоралари), олдини олиш (проактив чоралар) ва таълим (реклама ёки реклама чоралари).

Юқорида қайд этилганларга кўра, Ўзбекистонда ҳам коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларини таҳлил этиш ва улардаги бўшлиқларни аниқлаб, илғор давлатлар тажрибасини қонунчилигимизга тадбиқ этиш ва инновацион чора-тадбирларни ишлаб чиқиш бугунги кундаги муҳим вазифадир.

**Хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш натижасида юқорида таҳлил этилган айрим ижобий тажрибаларни миллий қонунчилигимизга жорий этиш бу соҳада коррупциянинг олдини олишда самарали натижа беради ва бунинг учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш зарур деб ҳисоблаймиз:**

- Шаффофлик механизмини такомиллаштириш;
- таълим ва ривожланиш ташаббусларини ишлаб чиқиш;
- хабардорликни ошириш;
- қатъий техник –аудит тизимини ўрнатиш;
- контракт мониторингини жорий этиш;
- қаттиқ жазо чоралари;
- ҳисобдорликни ошириш;
- шартномага мувофиқлик;
- ахборотга кириш имкониятини кенгайтириш;
- молиявий ошкор қилиш;
- ахлоқ кодексига мувофиқлик;
- самарали тергов, суд жараёни, идоравий интизомий чораларини қўллаш;
- шартнома ва қурилишни амалга ошириш тафсилотларини нашр этиш;
- мавжуд коррупцияга қарши сиёсат ва қонунларни амалга ошириш учун кучли сиёсий ва ахлоқий иродани ривожлантириш;
- профессионал стандартларга риоя қилиш;
- ишдан бўшатиш ёки бошқа интизомий чоралар;
- аноним ёрдам;
- самарали ҳисобот тизими (мустақил ишонч телефони);
- ахборот технологиялари.

Шунингдек, давлатимизда қурилиш соҳасида коррупциявий хатарларнинг олдини олиш учун зарур қонунлар

ва меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, шаффоф иш жараёнини ташкиллаштириш, шунингдек, тегишли ходимларга ахлоқий тарбия бериш орқали қурилиш бозорини бошқаришни кучайтириш мақсадга мувофиқдир.

Хулоса қилиб айтганда, индивидуал чораларни бирлаштирган янада кенг қамровли ва стратегик тизимни яратиш, соҳада самарадорлик, ошкоралик, адолатлилик, иқтисодиёт ва сифатни ривожлантириш мақсадларига эришишда коррупцияга қарши стратегиялар ишлаб чиқиш, қатъий, йўналтирилган ва ахлоқий назорат тартибини жорий этиш ва қурилиш соҳасида ҳалол маъмурий маданиятни тарғиб қилиш иқтисодиётнинг марказий устуни бўлган қурилиш саноатининг самарали ишлашини таъминлашнинг ягона усулидир.

**Камола АБДУРАХМАТОВА,**

*Ҳуқуқни муҳофаза қилиш  
Академияси таянч докторанти.*

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Bowen P., Edwards P. J., Cattell K. (2012). Corruption in the South African construction industry: A thematic analysis of verbatim comments from survey participants. *Construction Management and Economics*, 30(10),885–901. Crossref. <https://www.tandfonline.com/doi/abs/10.1080/01446193.2012.711909>
2. Polterovich V.M. (1998). Corruption factors. *Economics and mathematical methods*, Vol.34, No. 3, pp. 30-39. (in Russian).
3. Yaskova N.Yu. (2011). Corruption: methods of confrontation in construction. *Bulletin of the Irkutsk State Technical University*, No 3 (50), pp. 176-184. (in Russian)
4. Kenny, C (2007) Construction, Corruption and Developing Countries Policy Research Working Paper: No 4271, World Bank, Washington, DC, World Bank.
5. Sohail, M and Cavill, S (2006) Corruption in construction projects, In: A Serpell (Ed.) *Proceedings of the CIB W107 Construction in Developing Countries Symposium Construction in Developing Economies: New Issues and Challenges*, 18-20 January,
6. Santiago, Chile Santiago: International Council for Research and Innovation in Building and Construction (CIB).
7. Stansbury, N. (2005). Exposing the foundations of corruption in construction. *Global Corruption Report 2005: Corruption in Construction and Post conflict Reconstruction*. Transparency International, Pluto press, London, pp. 36-40.
8. Matthews, P. (2016). This is why construction is so corrupt. *The World Economic Forum*. Available from <https://www.weforum.org/agenda/2016/02/why-is-the-construction-industry-so-corrupt-and-what-can-we-do-about-it> (last visited 12.01.2024).
9. Opoku, A, Poshyanand, M, Elmualim, A, Kavishe, N, Mushtaha, E S N and Abdalla, S B (2022) Corruption in the Construction Industry: An insight from the Thai Construction Sector In: Tutesigensi, A and Neilson, C J (Eds) *Proceedings of the 38th Annual ARCOM Conference*, 5-7 September 2022, Glasgow, UK, Association of Researchers in Construction Management, 307-316.
10. Doig, A, Watt, D and Williams, R (2007) Why do developing country anti-corruption commissions fail to deal with corruption? Understanding the three dilemmas of organisational development, performance expectation and donor and government cycles, *Public Administration and Development*, 27(3), 251-259.
11. Zinnbauer, D, Dobson, R and Despota, K (2009) *Global Corruption Report 2009 Corruption and the Private Sector*. Cambridge: Cambridge University Press. <https://transparency.hu/wp-content/uploads/2009/09/Global-Corruption-Report-2009-final-eng.pdf>
12. Boeckmann, A (2005) The fight against global corruption. *Chemical and Engineering News Archive*, 83(33), 3. <https://pubs.acs.org/doi/epdf/10.1021/cen-v083n033.p003>
13. Jurkiewicz, C and Brown, R (2000) Power does not corrupt absolutely: An empirical study, *Public Integrity*, 2(3), 195-210. <https://www.tandfonline.com/doi/abs/10.1080/15580989.2000.11770833>
14. Svendsen, G and Graeff, P (2012) Trust and corruption: The influence of positive and negative social capital on the economic development in the European Union, *Quality and Quantity*, 47(5), 2829-2846. <https://link.springer.com/article/10.1007/s11135-012-9693-4>
15. Chen, G, Firth, M G, Gao, D.N and Rui, O.M (2006) Ownership structure, corporate governance and fraud: Evidence from China, *Journal of Corporate Finance*, 12(1), 424-448. <https://www.sciencedirect.com/science/article/abs/pii/S0929119905000763?via%3Dihub>
16. <https://constructible.trimble.com/construction-industry/what-is-bim-building-information-modeling>
17. Asgedom Haile Berhe, Dissertation. "Mitigating Risks of Corruption in Construction A Theoretical Rationale for BIM Adoption in Ethiopia". Weimar, September, 2019.
18. Emmanuel Kingsford Owusu, Albert P. C. Chan, Owusu-Manu DeGraft, Effah Ernest Ameyaw, and Osei-Kyei Robert. *Project Management Journal* Volume 50, Issue 1, February 2019, Pages 40-56. <https://doi.org/10.1177/8756972818808983>
19. De Speville B. (2010). Anticorruption commissions: The "Hong Kong model" revisited. *Asia-Pacific Review*, 17(1), 47–71. Crossref. <https://journals.sagepub.com/doi/10.1177/00219096221130348>

## ХИЗМАТ ТЕКШИРУВИНИ МАЪМУРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ БОСҚИЧЛАРИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

*Шуни таъкидлаш керак-ки, давлат бошқаруви тизими - бу жамиятни бошқариш институтлари, функциялари, муносабатлари, қарор қабул қилиш усуллари ва принциплари мажмуидан иборатдир. Давлат бошқаруви тизим сифатида бошқарувнинг ўзаро боғлиқ элементлари, бошқарув аппарати ва жамият ўртасидаги ўзаро таъсир ва ижтимоий муносабатлар мажмуи сифатида қаралади.*

Ўз навбатида, “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 4-моддасида давлат фуқаролик хизмати – давлат хизматининг бир тури бўлиб, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг давлат фуқаролик хизмати лавозимларидаги давлат органлари ваколатлари амалга оширилишини таъминлашга доир ҳақ тўланадиган касбий фаолиятини ифодалайди.

Демак, давлат хизматчиси – давлат фуқаролик хизмати лавозимида ўз фаолиятини амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси фуқароси давлат фуқаролик хизматида лавозимга тайинланган пайтдан бошлаб давлат хизматчиси ҳуқуқий мақомига эга бўлади ва давлат хизматчиси фаолияти тугатилиши муносабати билан уни йўқотади.

Давлат фуқаролик хизматидаги мансабларнинг сиёсий гуруҳига мансуб давлат хизматчиларининг ҳуқуқий мақоми билан боғлиқ қўшимча ҳуқуқлар, мажбуриятлар ва чекловлар алоҳида қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Лекин шуни айтиш керак-ки, амалда давлат хизматчиларининг ўз хизмат вазибаларини бузиш ҳолатлари учраб туради. Шундай қилиб, давлат хизматчисининг лавозим йўриқномасига ва давлат хизматчиларининг одоб-ахлоқ қоидаларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган чеклашларга риоя қилмаслиги унга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш учун асос бўлади.

Хизмат текшируви (хизмат тергови) маъмурий жараённинг интизомий жавобгарликка тортиш каби элементининг босқичи бўлиб, уни амалга ошириш жараёнида муайян вазибаларнинг ҳал этилишини таъминлайдиган интизомий ҳокимият субъектлари томонидан процессуал муддатларни ҳисобга олган ҳолда, натижаси эса маълум бир процессуал шаклда ифодаланган бошқарув қарорларини қабул қилишдир. Давлат органида хизмат текшируви давлат органининг кадрлар бўлими, юридик хизмат ва бошқа бўлимлари, шунингдек касаба уюшмаси (мавжуд бўлса) вакилларида иборат хизмат текшируви комиссияси томонидан амалга оширилади.

Хизмат текшируви ўтказувчи комиссия таркибига давлат органи раҳбари ва Хизмат текшируви натижаларидан манфаатдор шахслар киритилиши мумкин эмас. Хизмат текшируви (текшириш) ўтказиш муддати ўн беш иш кунидан ошмаслиги лозим. Хизмат текширувини ўтказиш комиссиясининг асослангилган ваҳлари асосида давлат органи раҳбари уни ўтказиш муддатини ўн беш иш кунигача узайтиришга ҳақли.

Шуни таъкидлаш керак-ки, ҳар қандай хизмат текшируви интизомий жавобгарликка тортишнинг ўзига хос босқичларига эга бўлиб, улар жазо тайинлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бунга қуйидагилар қиради:

*интизомий ҳуқуқбузарлик содир этилишига сабаб бўлган ҳолатлар ва шартлар;*

*давлат хизматчисини интизомий ҳуқуқбузарликда айблашнинг асосли ёки асоссизлиги;*

*интизомий ҳуқуқбузарлик натижасида етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдори;*

*давлат хизматчисининг тушунтиришлари ва ёзма сўровида кўрсатилган далиллар ва бошқалар.*

Маъмурий ҳуқуқ фанида интизомий иш юритишнинг мазмуни ва босқичлари сони масаласида олимлар ўртасида ягона фикр мавжуд эмас. Бироқ, кўпчилик олимлар интизомий иш юритишнинг тузилишини таҳлил қилар экан, интизомий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишнинг ҳолатлари аниқланган босқични ажратиш зарурлигини таъкидлайдилар, бу эса мансаб интизомини бузадиган субъектлардан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатларидан биридир.

Хорижий олимларнинг хизмат текшируви босқичлари бўйича фикр-мулоҳазаларига эътибор қаратадиган бўлсак, Н.А. Овчинников хизмат текширувини интизомий мажбурлов чораси деб ҳисоблайди. С.Э. Чаннов давлат органининг тегишли мансабдор шахслари томонидан амалга ошириладиган тадбирлар мажмуи сифатида қараса, А.В.Сухинин “уни амалга оширишга ваколатли мансабдор шахслар томонидан содир бўлган ҳолатларни тўлиқ, ҳар томонлама, ҳолисона ўрганишга, айбдорларни жавобгарликка тортиш тўғрисида таклифлар киритишга ёки текширишнинг йўқлиги сабабли текширишни тугатиш, ҳуқуқбузарлик белгилари, шунингдек, уларга ёрдам берадиган сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этган ҳолда профилактика чораларини амалга оширишга қаратилган ҳаракатлар мажмуидир.

Шу билан бирга, барча олимлар бир овоздан мазкур институт интизомий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишнинг барча ҳолатларига ойдинлик киритиш ва қарор қабул қилиш ҳамда кейинги интизомий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилганини бир овоздан таъкидлайди.

Хизмат текшируви натижалари бўйича давлат хизматчисига нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш ёки қўлламаслик тўғрисида хизмат терговини ўтказиш комиссиясининг далолатномаси тузилади ва ҳулоса тайёрланади. Хизмат текшируви ўтказиш комиссиясининг ҳулосаси давлат органи раҳбари томонидан рад этилиши ёки давлат хизматчисига нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш учун асос бўлиши мумкин.

Олимларнинг фикрига қўшиламан, чунки Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 7-моддасига мувофиқ давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг содир этилишига олиб келувчи сабаблар ва шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этишга, фуқароларни онгли, интизомли бўлиш, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига риоя қилиш руҳида тарбиялашга йўналтирилган тадбирлар ишлаб чиқадилар ва уларни амалга оширади.

Ҳулоса сифатида айтадиган бўлсак, хизмат текшируви институти мустақил интизомий иш юритиш институтини ифодалайди. Хизмат текшируви меҳнат интизомининг бир қисми (тури) бўлиб, интизомий муносабатларни тартибга солиш учун меҳнат қонунчилигини қўллашга имкон беради. Хизмат интизомини давлат интизомининг бир тури сифатида тавсифлаш эса давлат-интизом муносабатларини алоҳида тартибга солиш масаласини кўтаришга имкон беради ва бу ҳам давлат-хизмат муносабатларининг бир тури ҳисобланади.

**Нодир ЮСУПОВ,**

*Жамоат хавфсизлиги университети мустақил изланувчиси.*

## РЕЦИДИВ ЖИНОЯТ ВА УНИНГ ЖИНОЯТ КВАЛИФИКАЦИЯСИГА ТАЪСИРИ

**Рецидив сўзи жиноят ҳуқуқида жиноят факти ҳодисасининг қайтарилиб туриши, криминологияда эса ижтимоий ҳодиса сифатида жиноятчиликнинг қайтарилиб туришига нисбатан қўлланилади. Шунга асосан жиноят ҳуқуқида рецидив жиноят содир қилиш тушунчаси, криминологиядаги рецидив жиноятчилик тушунчасидан фарқ қилади. Жиноят ҳуқуқида рецидив жиноят содир қилиш такрорланган юридик фактга нисбатан ишлатилса, криминологияда жиноятчилик тизимида ижтимоий ҳодиса сифатида такрорланган жиноятчиликка нисбатан қўлланилади.**

Криминологияда шахснинг илгари содир этган жинояти тегишли давлат органига маълум бўлган ва рўйхатга олингандан кейин, янги жиноят содир этишни рецидив жиноят содир этиш деб тушунилади.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига рецидив жиноят оддий, хавфли ва ўта хавфли жиноятларга ажратилган.

Жиноят кодексининг 34-моддасида рецидив жиноят тушунчасига берилган таърифга кўра, шахснинг илгари қасддан содир этган жинояти учун судланганидан кейин қасддан янги жиноят содир этиши рецидив жиноят деб топилади. Демак, куйидаги ҳолларда жиноятлар рецидив жиноят деб айтилади:

а) аввалги жинояти учун судлангандан кейин янги жиноят содир этиши;

б) биринчи ҳукм юридик оқибатлари ёки муддат ўтиши натижасида ёки бошқа тартибда ҳали тугамаган даврда жиноят содир этиши.

Жиноят ҳуқуқи доктринасида “ҳақиқий рецидив жиноят” тушунчаси мавжуд бўлиб, бу тушунча шахс томонидан иккита ёки ундан кўп жиноий қилмишлар содир этганликнинг барча ҳолларини, субъектда аввалги қилмишлари учун судланганлиги бор йўқлигидан қатъий назар, қамраб олади.

Қонунчилик ва суд амалиёти жиноятчилар шахси хавфлилиги даражасини жазо муддатини белгилашда муҳим омил сифатида эътироф этади. Масалан, Жиноят кодексининг 54-моддасида “Суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазони энгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олади” дейилган.

Жиноят кодексининг 34-моддаси 2-қисмига асосан илгари ҳукм қилинган жиноятга ўхшаш жиноят содир этган, ушбу кодексда алоҳида кўрсатилган ҳолларда эса, махсус қисмининг бошқа моддалари билан ҳам ҳукм қилинган шахснинг қасддан янги жиноят содир этиши хавфли рецидив жиноят деб топилади.

Оддий рецидивдан фарқли равишда хавфли рецидив қонун чиқарувчи томонидан баъзи жиноят таркиблари учун квалификация қилиш белгиси сифатида баҳоланадиган белги каби таърифланади. Бундай ҳолатда содир этган жинояти учун илгари озодликдан маҳрум этилган шахс яна ўша жиноятга ўхшаш қилмишни содир этса хавфли рецидивист деб топилади. Шахсни хавфли рецидивист деб топиш учун бундан бошқа процессуал қарорга эҳтиёж бўлмайди.

Олий Суд пленумининг “Суд ҳукми тўғрисида”ги 2-сонли қарорида “Хавфли рецидивист томонидан жиноят содир этилиши бир қатор жиноятларнинг тавсифлаш белгиси ҳисобланади ва жиддийроқ жазо чораларини қўллашга олиб келади. Шу сабабли бу ҳолат шахс дастлабки тергов органи томонидан жиноят ишида айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилинаётганда кўрсатиб ўтилган бўлиши лозим ва кейинчалик бу суд ҳукмининг тавсиф қисмида ҳам ўз аксини топиши керак”.

**Шахсни ўта хавфли рецидивист, деб топиш учун шахсга нисбатан беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин бўлган янги жиноят содир этиши, яъни:**

а) илгари ўта оғир жинояти учун ёки икки марта оғир жинояти учун ҳукм қилиниб, уларнинг ҳар бири учун беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган шахс томонидан ўта оғир жиноят содир этилиши;

б) олдин кейинлигидан қатъий назар, оғир ёки ўта оғир жиноятлар учун уларнинг ҳар бирига беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган шахснинг оғир жиноят содир этиши ўта хавфли рецидив жиноят деб топилади. Шахсни фақат суднинг ҳукми билангина ўта хавфли рецидивист, деб топиш мумкин. Шунингдек, шахсни ўта хавфли рецидивист деб топиш учун бошқа давлатларнинг ҳукмлари ҳам эътиборга олинади.

**Шахсни ўта хавфли рецидивист деб топиш бир қатор ҳуқуқий оқибатларга сабаб бўлади:**

1) ўта хавфли рецидивист томонидан жиноят содир этганлик махсус қисмининг кўп моддаларида қонун чиқарувчи томонидан таснифловчи ёки алоҳида таснифловчи белги сифатида баҳоланади;

2) ўта хавфли рецидивист эркаклар озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони махсус тартибли, аёллар эса қаттиқ тартибли колонияларда ўтайдилар;

3) ўта хавфли рецидивистларга озодликдан маҳрум этиш жазоси муддатининг бир қисмини турма қамовида сақлаш тарзида ўташ тайинланиши мумкин;

4) уларга нисбатан жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод этишни қўллашнинг бир қанча чеклашлари белгиланиши мумкин;

5) уларга нисбатан шартли равишда жазо тайинлаш, жазо муддатидан илгари шартли озод этиш ва жазони энгилроғи билан алмаштириш қўлланилмайди;

6) ўта хавфли рецидивистларга нисбатан судланганликни олиб ташлаш алоҳида тартибда белгиланади.

**Рецидив жиноят ҳам куйидаги ҳуқуқий оқибатларга сабаб бўлади:**

1) рецидив жиноят учун жазо тайинлашда оғирлаштирувчи ҳолат сифатида Жиноят кодексининг 56-моддаси «н» банди асосида ҳисобга олинади;

2) Жиноят кодексининг 60-моддасида назарда тутилган қоидалар бўйича жазо тайинлашнинг алоҳида тартибига сабаб бўлади;

3) шартли ҳукм қилишга тўсқинлик қилади (Жиноят кодекси 2-қисм);

4) жазонинг ҳақиқий муддатини узайтириш учун жазо ўташ муддатидан илгари шартли озод қилишда ҳисобга олинади (Жиноят кодекси 73-модда).

**Шоҳсанам РАИМОВА,**

Судьялар олий мактаби тингловчиси.

# ФИРИБГАРЛИК ЖИНОЯТИ УЧУН ЖАВОБГАРЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

## АННОТАЦИЯ:

мақолада фирибгарлик жинояти тушунчаси, унинг таркиби таҳлил қилинган, мазкур жиноятлар учун жавобгарликни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар билдирилган.

**Калит сўзлар:** фирибгарлик, алдаш, ишончни суиистеъмол қилиш, жавобгарлик, жазо.

Мамлакатимизда кейинги вақтларда фирибгарлик жиноятлари сони кўпайиб бораётганлиги ташвишланарли ҳол ҳисобланади. Айтилган, ахборот-коммуникация технологиялари ривожланиб бораётганлиги, интернет жаҳон ахборот тармоғидан ҳамда электрон тўлов тизимларидан фойдаланувчилар сони кўпайиб бораётганлиги ўз навбатида ушбу соҳаларда фирибгарлик жиноятлари сони ошишига олиб келмоқда.

Статистик маълумотларга кўра Ўзбекистонда фирибгарлик сўнги 4 йилда 4 бараварга, киберфирибгарлик эса сўнги 3 йилда 8,3 бараварга кўпайиб, ҳозирда умумий жиноятчиликнинг қарийб 5 фоизига етган. Сўнги 2 йил ичида дунёнинг етакчи компаниялари иқтисодий жиноятчилик натижасида кўрган зарарининг 47 фоизи фирибгарликка тўғри келади, жорий йилда эса ушбу компанияларга 42 млрд доллар миқдоридаги зарар етказилган ва бу сўнги 20 йилдаги энг юқори кўрсаткич сифатида қайд этилган.

Шу сабабдан ҳам бугунги кунда фирибгарлик жиноятларининг келиб чиқиши сабабларини таҳлил қилиш, ушбу жиноят учун белгиланган жавобгарликнинг самарадорлигини ўрганиш, ушбу йўналишда қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан илмий асосланган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Фирибгарлик жинояти учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддасида жиноий жавобгарлик белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2023 йил 23 июндаги “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”-ги 17-сон қарори, 2004 йил 21 майдаги 4-сон “Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги қарорларида фирибгарлик жиноятини малакалаш ва бу жиноятлар учун жазо тайинлаш масалалари бўйича кўрсатмалар берилган.

Фирибгарлик жиноятининг замонавий кўринишлари ошиб бораётганлиги бу жиноятга қарши курашишнинг қонунчилик асосларини тако-

миллаштириш, тайинланган жазо чораларининг самарадорлигини таҳлил қилиш ҳамда жазо тайинлаш, жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш институтларини қайта кўриб чиқиш кераклигини тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддасига мувофиқ, фирибгарлик деганда, алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкни ёки ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқни қўлга киритиш тушунилади.

Ушбу жиноятнинг объекти ўзгалар мулки ёки мулкка бўлган ҳуқуқи ҳисобланади. Юридик адабиётларда фирибгарликнинг объекти сифатида мулкка бўлган ҳуқуқ, мулккий манфатлар, иқтисодий категория, юридик категория, иқтисодий ва ҳуқуқий категориялар йиғиндиси деган қараш мавжуд. Тадқиқотчи Р.Алтиев эса, “ўзгалар мулкни фирибгарлик йўли билан талон-тарож қилишнинг махсус объекти иқтисодиёт соҳасидаги ижтимоий муносабатлар мажмуи; турдош объекти мулкни муҳофаза қилишга қаратилган ижтимоий муносабатлардир” деган хулосага келган. Айбдорга ишониб топширилган ёки унинг ихтиёрида бўлган ўзганинг мулки ёки мулккий ҳуқуқини муҳофаза қилишга қаратилган ижтимоий муносабатлар фирибгарликнинг бевосита объекти ҳисобланади. Шунингдек, у фирибгарлик айрим турдаги жиноятларни содир этиш усули эканлигини эътироф этиб, “бундай турдаги жиноятлар кўшимча объекти жиноятлар бўлиб, мулк ҳуқуқи дахлсизлигини кафолатловчи ижтимоий муносабатлар кўшимча объект бўлади”,- деган нуқтаи назарни илгари сурган.

Жиноятнинг объектив томони – инсон хулқ-атворининг ташқи кўриниши, яъни онг ва ирода назорати остида содир қилинадиган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик кўринишидаги ижтимоий хавфли қилмишдир.

Субъект томондан фирибгарлик қасддан содир этилади. Агар шахс ўзганинг мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни мазкур мулк ёки ҳуқуқ унга берилиши шарти билан боғлиқ мажбуриятларни бажармаслик ниятида олган ёки эгаллаган бўлса, қилмиш айбдорда ўзганинг мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни қўлга

киритишга нисбатан қасд фақат ўзганинг мулки ёки унга бўлган ҳуқуқ қўлга киритилгунга қадар пайдо бўлган ҳолдагина фирибгарлик сифатида квалификация қилиниши лозим. Агар ўзганинг мулкни эгаллашга нисбатан қасд айбдорда мулк қабул қилингандан кейин юзага келган бўлса, шахснинг ҳаракатлари фирибгарлик таркибини ташкил этмайди ва муайян ҳолатларни инobatга олган ҳолда ўзганинг мулкни ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан талон-тарож қилиш сифатида баҳоланиши мумкин. Бугунги кунда фирибгарликнинг янгидан-янги турлари пайдо бўлмоқда. Жумладан интернет ахборот тизими орқали бизнес қилиш бўйича таклиф кириши, пластик карта рақамини турли баҳоналар билан олиш ва ундан маблағларни ечиб олиш, хорижга ишга юборишни ваъда қилиб алдаш орқали маблағларни қўлга киритиш, лизингга автомобиль олиб бериш, хорижий давлатларда ўқишга киритиб қўйиш, ўқишини кўчириб бериш соҳаларида ҳужжатларни қалбакилаштириб фирибгарлик қилиш кўпайиб бормоқда. Бундай жиноятлар кўпайишининг асосий сабабларидан бири сифатида жабрланувчиларнинг ўз эҳтиёжларини тезроқ, белгиланган қоидаларни айланиб ўтиш орқали қондиришга бўлган қарашлари мавжудлиги, тезда бойиб кетиш истагининг кучлилиги, оммавий ахборот воситалари ва интернет тармоғидаги рекламаларга ўта ишонувчанлигини кўрсатиш мумкин. Ушбу жиноятда такроран содир қилиш ҳолатлари юқорилиги, кўп ҳолларда фирибгарлик жиноятини содир қилган шахсларга нисбатан жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш институтлари қўлланилиши туфайли жазодан қўрқмаслиги билан тавфсифлаш мумкин. Суд-тергов амалиётида бир шахснинг фирибгарлик учун 8-10 мартагача судланганлик ҳолати, ҳатто олдинги қилмишлари учун тергов-суд жараёнлари кетаётган вақтда ҳам фирибгарликни давом эттираётганлар учраётганлиги, фирибгарлик учун жавобгарлик масаласини такомиллаштиришни тақозо қилади. Шу мақсадда ЖКнинг шу турдаги жиноятлар билан боғлиқ меъёрларига қуйидаги ўзгаришларни киритиш таклиф қилинади:

- *Жиноят кодексининг 168-моддасига телекоммуникация тармоқларидан, шунингдек, интернет жаҳон ахборот тармоғидан ёки электрон тўлов воситаларидан фойдаланиб содир этилган жиноят учун жавобгарлик белгилайдиган ҳамда ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкаларни қалбакилаштириб ёки уларнинг қалбаки эканлигини била туриб, фойдаланиб содир этилган фирибгарликларни алоҳида банд сифатида киритиш;*

- *фирибгарлик жинояти туфайли етказилган зарарларнинг кўп миқдорда эканлиги ва одатда жабрланувчиларга етказилган зарарни қоплаш масаласи қийинчиликлар келтириб чиқараётганлигидан келиб чиққан ҳолда, етказилган зарар қопланмагунга қадар фирибгарлик жиноятини содир қилган шахсларга нисбатан жиноий жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш институтларини қўлламаслик.*

Ушбу турдаги жиноятларнинг олдини олиш мақсадида виктимологик тадбирни амалга ошириш учун оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий тармоқлар имкониятларидан кенг фойдаланиш лозим, ушбу ҳаракатлар буклет, эслатма, варақалар ва ҳ.к.ни тайёрлашда ифодаланиши мумкин.

Криминологик ва виктимологик профилактика чораларининг таъсирчанлигини таъминлаш учун судлар томонидан маҳаллаларда аҳоли билан очиқ мулоқотларни тизимли равишда ташкил қилиш ва фирибгарлик соҳасидаги жиноят ишларини сайёр суд мажлислари ўтказиш кўламини кенгайтириш, пул-кредит, автомобиль олди-сотдиси, хайрия жамғармалари ва уларнинг фаолияти, қурилиш ва риэлторлик фаолияти, рекрутинг ташкилотлар фаолиятида фирибгарликка қарши амалга ошириладиган чора-тадбирлар таъсирчанлигини ошириш каби ўзгаришлар таклиф этилади.

**Данияр МАТНИЯЗОВ,**

*Судьялар олий мактаби тингловчиси.*

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. <https://daryo.uz>
2. Алтиев Р.С. Фирибгарликнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари. Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Тошкент-2020. 3-б.
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси.
4. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2023 йил 23 июндаги Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисидаги 17-сон қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 21 майдаги Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақидаги 4-сон қарори.
6. Абдурасулова К.Р. Ответственность за мошенничество и получение кредита путем обмана. Мустақил Ўзбекистонда фалсафа ва ҳуқуқ фанларининг долзарб муаммолари. –Т.: Фан, 1999. 48-52 б.
7. Кабулов Р. Понятие хищения чужого имущества и его отграничение от смежных составов преступлений. Учебное пособие. – Т.: Академия МВД Республики Узбекистан, 1997. –133 б.
8. Абдуқодиров Ш.Ё. Мирзаев У.М. Мулкни талон-тарож қилганлик учун жиноий жавобгарлик. Ўқув қўлланма. –Тошкент: ТДЮИ, 2009. – 156 б.
9. Имамов Р. Зўрлик ишлатмасдан талон-тарож қилиш жиноятлари учун жазо тайинлаш. Юридик фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Тошкент, 2011 й.
10. Очиллов Ҳ.Р. Ўзгалар мулкни компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-тарож қилганлик учун жавобгарлик. Монография // -Тошкент: ТДЮИ нашриёти, 2017. -225 б.
11. Рустамбаев М.Ҳ. Жиноят ҳуқуқи курси 1-том Умумий қисм жиноят ҳақида таълимот Тошкент- 2008.



# ОИЛАВИЙ (МАИШИЙ) ЗЎРАВОНЛИК УЧУН АЛОҲИДА ЖАВОБГАРЛИК БЕЛГИЛАНИШИГА САБАБ БЎЛАДИГАН ОМИЛЛАР

**Шарқ мамлакатларида оила азал-азалдан муқаддас қўрғон саналган. Инсон оилада дунёга келади, улғайиб камол топади. Энг аввало оила мустаҳкам, тинч бўлса жамият барқарор бўлади. Оилага “ватан ичра кичик ватан”, дея таъриф берилган.**

Бизнинг заминимизда ҳам оилага муқаддас даргоҳ сифатида қаралади ва бу Бош қомус даражасида мустаҳкамланган. Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XIV боби оилага бағишланган ва унинг 76-моддасида “Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда у жамият ва давлат муҳофазасидадир”, деб таъкидланган.

Оилавий – маиший зўравонлик муаммоси узоқ йиллар Ўзбекистон жамияти учун “ёпик” мавзу ҳисобланиб келинди. Кўпчилик бу муаммони “уй ичидаги масала” сифатида қабул қилиб, оилавий масалаларга “эр-хотиннинг уруши доқа рўмоннинг қуриши” қабилида қараб келган.

Сўнги пайтларда ижтимоий тармоқлар ва матбуот орқали ёритилаётган оилавий зўравонлик бўйича турли ҳолатлар давлат томонидан оилавий зўравонликнинг олдини олиш ва ундан жабр кўрганларга амалий кўмак бериш юзасидан тегишли чора-тадбирлар амалга оширилиши кераклигини кўрсатди.

Шу нуқтаи назардан, жамиятимизда содир бўлаётган оилавий зўравонликнинг сабаб ва шарт-шароитлари нимада эканлигини аниқлаш долзарб саналади. Чунки, муаммонинг сабаби ўрганилмасдан туриб, унинг ечимини топиш имконсиз.

Маълумки, оилавий зўравонлик жисмоний, руҳий, жинсий ҳамда иқтисодий каби йўналишларга бўлинади.

Психолог Р.Тураҳужаеванинг фикрича “Жисмоний зўравонликка тарсақидан тортиб оғир турдаги жароҳатлар етказиш, психологик зўравонликка оиладаги доимий патологик қўрқув, турмуш ўртоғининг шахсини таҳқирлаш, бошқа бир шахс устидан тўлиқ назорат, ижтимоий ҳаётдан бутунлай чеклаб қўйиш ва бошқалар кирради. Жинсий зўравонлик эса шахсни ўз хоҳишига қарши жинсий яқинликка мажбурлашдир. Зўравонликнинг иқтисодий тури турмуш ўртоғига оилавий маблағдан фойдаланишга рухсат йўқлиги, унинг бирор бир эҳтиёжлари учун маблағ ажратилмаслиги, яшаб турган уйига тенг ҳуқуқли бўла олмаслиги қабилида намоён бўлади.

Бир қатор социолог ва психологларнинг эътирофи этишларича оилавий зўравонлик содир этилишининг бир қатор сабаблари мавжуд.

1. *Ижтимоий муҳит, эрта ва босим остидаги никоҳлар, келишилган никоҳларнинг мавжудлиги натижасида жавобгарликнинг ҳис қилинмаслиги, оиладаги тарбия, эркакнинг оилада мутлақ ҳукмронликка эга бўлишига интилиши.*

2. *Аксарият ҳолларда зўравонликка учраган шахснинг ўз ҳуқуқларини билмаслиги эмас, айнан уларнинг сабрлилиги, андешалилиги ҳам бунга сабаб бўлиб қолмоқда.*

3. *Кўпга фуқаролар онгда менталитет ва диний таълимотни нотўғри талқин қилиш оқибатида аёлнинг эркакка тобелиги тушунчасининг мустаҳкамлиги.*

4. *Хотин-қизларнинг касб-хунарга, маълумотга эга эмаслиги, ишсизлик, оиланинг паст даромади.*

5. *Баъзи ҳолларда эркаклар томонидан зўравонликни қўллашга “инсон ҳулқини ўзгартирувчи ижобий ҳодиса” сифатида қаралиши.*

6. *Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ушбу турдаги аксарият ҳолатларга аралашмаслиги ва ҳаракатсизлиги.*

Оилавий зўравонликка учраган шахслар ёрдам ва ҳимояга эга бўла олмаганликлари ҳолатлари ҳам кам эмас. Бунинг оқибатида бу зўравонликни амалга оширган одамлар ўзларини эркин ва жазосиз ҳис қилади. Бу эса, ушбу жиноятларнинг яна тақрорланишига замин яратди.

Бу борада мамлакатимизда оилавий зўравонликнинг олдини олиш ва оилавий зўравонликдан жабр кўрганларга амалий кўмак бериш, бундай қилмишлардан жабрланганларни қўллаб-қувватлаш учун оилавий зўравонлик содир этган шахсларга нисбатан жавобгарликни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий база такомиллаштирилди. Яъни, оилавий зўравонликка нисбатан жавобгарликни белгилашни назарда тутувчи хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш, миллий қонунчилик асосларини инвентаризация қилиш, шунингдек, оилавий (маиший) зўравонликка оид жиноят ишларини кўришда қонунлар тўғри ва бир хилда қўлланилишини таъминлаш, мазкур тоифа ишлар бўйича одил судлов сифатини ошириш мақсадида 2023 йил 11 апрель куни Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 829-сон қонуни қабул қилинди.

Мазкур қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 59<sup>2</sup>-моддаси “Оилавий (маиший) зўравонлик” билан тўлдирилиб, ушбу модда билан “хотинига (эрига), собиқ хотинига (собиқ эрига), бир рўзғор асосида биргаликда яшаётган шахсга ёки умумий фарзандга эга бўлган шахсга нисбатан содир этилган мулк, таълим олиш, соғлиқни сақлаш ва (ёки) меҳнатга оид ҳуқуқни амалга оширишга тўсқинлик қилиш, мол-мулкига ва шахсий ашёларига қасддан шикаст етказиш, худди шунингдек ушбу шахслар соғлигининг ёмонлашувига олиб келган тарзда уларнинг шаъни ва кадр-қимматини таҳқирлаш, уларни кўрқитиш, яқин қариндошларидан ажратиб қўйиш ҳамда хотинини (эрини), собиқ хотинини (собиқ эрини), бир рўзғор асосида биргаликда яшаётган шахсга ёки умумий фарзандга эга бўлган шахсга дўппослаш, ушбу шахсларга соғлиқнинг қисқа муддатга ёмонлашувига ёки меҳнат қобилиятининг унча узоқ бўлмаган муддатга йўқолишига олиб келмаган қасддан баданга енгил шикаст етказиш” учун маъмурий жавобгарлик белгиланган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 126<sup>1</sup>-моддаси ҳам “Оилавий (маиший) зўравонлик” банди билан тўлдирилиб, унга кўра юқоридаги каби ҳаракатлар маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса жиноят деб топилиши белгилаб қўйилди.

Жиноят кодексига юқоридаги модда киритилгунга қадар ҳам оилавий зўравонлик ҳолатлари аниқланганда фуқаролар томонидан содир этилиш эҳтимоли кўп учрайдиган қасддан баданга оғир, ўртача оғир ёки енгил шикаст етказиш, қийнаш, ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш, жиноий равишда ҳомила тушириш (аборт), хавф остида қолдириш, номусга тегиш, аёлни жинсий алоқа қилишга мажбур этиш, вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни, ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаш, никоҳ ёши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш, тиланчилик қилиш, аёлни эрга тегишга мажбур қилиш ёки унинг эрга тегишига тўсқинлик қилиш каби қилмишлар содир этган шахслар учун Жиноят кодексининг тегишли моддаларига асосан жавобгарлик кўзда тутилган эди.

**Фаррух НАЗАРОВ,**

*Судьялар олий мактаби тингловчиси.*



## ГИЁХВАНДЛИК ЖАМИЯТ КУШАНДАСИ

**Баркамол авлодни тарбиялаш, уларнинг ҳаётда, шу жумладан, жамиятда тинчлик ва осойишталикни, жамоат тартибини сақлаш, ҳар қандай кўринишдаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашда фаол иштирок этишини таъминлаш қанчалик долзарб вазифа эканлиги барчамизга маълум. Бироқ, мамлакатимизда ёшлар учун шундай шарт-шароит ва имкониятлар яратиб берилаётганига қарамасдан, улар орасида носозлом муҳит таъсирига тушиб қолаётганлари ҳам учрамоқда. Айниқса, ёшлар орасида кенг авж олиб бораётган гиёҳванд ва психотроп моддаларни истеъмол қилиш, унинг таъсирига тушиб қолиш ҳолатлари жуда аянчлидир.**

Таҳлилчиларнинг фикрича, гиёҳванд моддаларнинг кенг тарқалиши демографик фожеалар, ижтимоий-иқтисодий ҳаётда жиноятчиликнинг урчиши каби бир қатор ижтимоий муаммоларга сабаб бўлади. Статистик маълумотларга кўра дунёда 500 миллиондан ортиқ одам гиёҳвандлик дардига йўлиққан. Уларнинг аксарият қисмини 30 ёшгача бўлганлар ташкил этади. Бунинг оқибатида ҳар йили 200 мингдан ортиқ киши ҳаётдан кўз юмади. Шу билан бирга, жаҳонда содир этилаётган жиноятларнинг 57 фоизи гиёҳвандлар ҳиссасига тўғри келади.

Шуни таъкидлаш керакки, гиёҳвандларни даволаш учун катта миқдорда маблағлар сарфланади. Бу маблағлар давлат бюджетидан ажратилади. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, бугунги кунда ҳар олти гиёҳванднинг биттаси даволаниш имкониятига эга экан. Аммо, уларнинг жамият ҳаётига таҳдид солишларини ҳам асло ёддан чиқариш керак эмас. Шу сабабли гиёҳвандлар соғлиқни сақлаш тизимидан ташқари ижтимоий ҳаётга ҳам муаммо яратувчи сифатида тан олинади. Гиёҳвандликка қарши кураш доирасида гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдосига чек қўйиш ҳам асосий вазифалардан ҳисобланади.

Трансмиллий гиёҳванд моддалар савдосига қарши курашда халқаро ҳуқуқни муҳофаза қилиш ташкилотлари, жумладан Интерпол, Жаҳон Божхона ташкилоти каби ташкилотлар ҳамкорликда фаолият юритишмоқда. Экспертларнинг фикрича, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдо айланмаси бир йилда 300 миллиард доллардан 800 миллиард долларгача бўлган маблағни ташкил қилади.

Гиёҳванд моддалар савдоси ва уюшган жиноятчилик Осиё, Африка, Лотин Америкаси мамлакатларининг иқтисодий, сиёсий барқарорлигига катта хавф солмоқда. Гиёҳвандлик замонавий ҳаётнинг энг хавфли кўринишларидан бири ҳисобланади. Ҳар куни унинг кўрқинчли қармоғига минглаб одамлар тушиб қолмоқда. Ўзбекистон Республикаси гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш бўйича халқаро ҳамжамият олдидаги ўз мажбуриятларини тўлақонли бажаришга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда ва унинг мустақам ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилган.

Таъкидлаш жоизки, 1999 йилда Ўзбекистон Республикасининг "Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида"ги қонуни қабул қилин-

ган бўлиб, мазкур қонунга мувофиқ гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга зид равишда муомалада бўлишнинг ҳар қандай кўри-нишларига қарши жиноий жавобгарлик белгиланган.

Мамлакатимизда гиёҳванд моддалар савдоси ва истеъмолига қарши кескин чоралар кўрилатган бўлса-да, бугун гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланиши энг хатарли ва долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Гиёҳфурушлар янги усул ва найрангларни қўллаб, захри қотилни сотиш ҳаракатларини давом эттиришмоқда. Улар манфур мақсадларини амалга ошириш йўлида ҳали дунёқараши шакланмаган, ўзгалар таъсирига тушиб қолишга мойил ёшлардан унумли фойдаланмоқдалар.

Ўзбекистонда бугунги кунда ёшлар ўртасида анъанавий гиёҳвандлик моддаларидан воз кечиб психотроп ва кучли таъсир этувчи моддаларни истеъмол қилиш ҳолатлари кўпаймоқда. Ҳозирги ёшларда трамадол ва янги пайдо бўлган тропикамид дорилари истеъмоли ҳам кучаймоқда. Улар таъсирида эса ёшлар томонидан оғир турдаги жиноятлар содир этилмоқда.

Гиёҳвандликка мубтало бўлиш нафақат бир шахснинг муаммоси балки, уларнинг оиласи, жамият учун ҳам катта муаммолар келтириб чиқаради. Сўнгги йилларда жаҳон мамлакатларида гиёҳвандликка қарши кенг қамровли кураш олиб борилмоқда ва соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш йўлида анча хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, дунёқараши эндигина шаклланиб бораётган, бор куч-ғайратини фақат билим олишга, изланишга, ҳунар ўрганишга сарфлаши керак бўлган бир пайтда, ўсмирларни алдов йўли билан гиёҳвандлик қурбонига айлантираётган кимсалар озми? Қанчадан-қанча оилаларнинг ёстигини қуритаётган гиёҳвандликка қарши аввало ҳар бир инсон ўзи курашмоғи, ташқи таъсирлардан ҳимояланмоғи лозим. Вояга етаётган фарзандларимиз ўтмиши қадим, тупроғи олтин, осмони мусаффо Ўзбекистоннинг келажак ворисларидир. Уларни мана шундай соғлом муҳитда, эзгу тушунчаларни юракларига жойлаб вояга етказайликки, ҳеч қандай ташқи салбий хуружлар ва қора иллатлар ўпқони уларни ўзига жалб қила олмасин.

**Бахтиёр РУЗМЕТОВ,**

*Судьялар олий мактаби тингловчиси.*



## ҚУРИЛИШ ПУДРАТИ ШАРТНОМАСИ БЎЙИЧА ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

**Қурилиш пудрати шартномаси энг кенг тарқалган фуқаровий-ҳуқуқий шартнома турларидан бири бўлиб, уни амалга ошириш жараёнида турли хилдаги субъектлар ўзаро муноабатларга киришадилар. Шунинг қайд қилиш лозимки, қурилиш пудрати шартномасининг тузилиши ёки ушбу қурилишни ташкилий-ҳуқуқий асослантириш иккита ўзига хосликка эга: биринчидан, қурилиш пудрати шартномаси фуқаровий-ҳуқуқий хусусиятга эга, иккинчидан унинг тузилиши барча бошқа ташкилий-ҳуқуқий асослар ва уларнинг қонунийлигини текшириш имконини беради. Қурилиш пудрати шартномаси бир эмас, бир неча фуқаролик-ҳуқуқий мажбуриятнинг юзага келишига асос бўлади.**

Қурилиш пудрати шартномаси буюртмачи ва пудратчи ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи асосий ҳужжат ҳисобланади ҳамда шартномада тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб қўйилади.

Шунингдек, пудратчи қурилиш ва у билан боғлиқ бўлган ишларни ишнинг ҳажми, мазмуни ва уларга қўйиладиган бошқа талабларни белгилайдиган лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириши шарт. Қурилиш пудрати шартномасида лойиҳа-смета ҳужжатларининг таркиби ва мазмуни аниқланган, шунингдек қайси тараф ва қанча муддатда тегишли ҳужжатларни тақдим қилиши лозимлиги назарда тутилган бўлиши керак. Пудратчи қурилиш давомида лойиҳа-смета ҳужжатларида ҳисобга олинмаган ишларни ва шу муносабат билан қўшимча ишларни бажариш ва қурилишнинг смета қийматини ошириш зарурлигини аниқласа, бу тўғрида буюртмачига хабар бериши шарт. Пудратчи буюртмачидан ўн кун ичида ўз хабарига жавоб олмаган тақдирда, агар қонунда ёки қурилиш пудрати шартномасида бунинг учун бошқа муддат назарда тутилган бўлмаса, тегишли ишларни тўхтатиб, бекор туриб қолиш натижасида кўрилган зарарни буюртмачининг зиммасига юклаши шарт. Агар буюртмачи қўшимча иш бажариш зарурати йўқлигини исботласа, бу зарарни қоплашдан озод этилади.

Агар техник ҳужжатларга ўзгартишлар киритиш туфайли бажарилиши керак бўладиган қўшимча ишлар қиймати жиҳатидан сметада кўрсатилган қурилиш умумий қийматининг ўн фоизидан ошиб кетмаса ва қурилиш пудрати шартномасида назарда тутилган ишларнинг хусусиятини ўзгартирмаса, буюртмачи техник ҳужжатларга ўзгартишлар киритишга ҳақли. Техник ҳужжатларга юқоридаги ҳолатда кўрсатилганига нисбатан каттароқ ҳажмда ўзгартишлар киритиш тарафлар келишган қўшимча смета асосида амалга оширилади.

Агар ишнинг қиймати пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра сметадан камида ўн фоиз ошган бўлса, пудратчи сметани қайта кўриб чиқишни талаб қилишга ва лойиҳа-смета ҳужжатларидаги камчиликларни аниқлаш ва йўқотиш билан боғлиқ оқилонга харажатларни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

Буюртмачи қурилиш пудрати шартномасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда пудратчига ишларни бажариш учун зарур бўлган бино ва иншоотларни фойдаланишга бериши, унинг манзилига юқларнинг ташиб берилишини, вақтинчалик электр таъминоти тармоқлари, сув ва буғ қувурлари ўтказилишини таъминлаши ва бошқа хизматлар кўрсатиши шарт.

Агар шартномада бутун қурилишни ёки унинг муайян қисмини моддий таъминлаш буюртмачи томонидан амалга оширилиши назарда тутилган бўлмаса, қурилишни материаллар, шу жумладан деталлар ва конструкциялар, шунингдек ускуналар билан таъминлаш мажбурияти пудратчи зиммасида бўлади.

Пудратчи қурилиш ва у билан боғлиқ ишларни амалга ошираётган вақтда атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва қурилиш ишларини хавфсиз олиб боришга доир қонунчиликнинг талабларига риоя этиши шарт ва бундай талаблар бузганлиги, қурилиш пудрати шартномасида, техникавий лойиҳада ва тарафлар учун мажбурий бўлган қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган талаблардан чекинишга йўл қўйганлиги, шунингдек қурилиш объектнинг лойиҳа-смета ҳужжатларида белгиланган кўрсаткичларига, жумладан корхонанинг ишлаб чиқариш қувватига эришилмаганлиги учун буюртмачи олдида жавобгар бўлади.

Бино ёки иншоот реконструкция қилинганда (янгиланган, қайта қурилган, реставрация қилинганда ва ҳоказо) бинонинг, иншоотнинг ёки унинг бир қисмининг мустаҳкамлиги, барқарорлиги, ишончилиги пасайгани ёки йўқолгани учун жавобгарлик пудратчи зиммасига юкланади.

Судларда ушбу тоифа низоларни кўриб чиқиш жараёнида кўп ҳолларда пудратчи қурилиш давомида лойиҳа-смета ҳужжатларида ҳисобга олинмаган ишларни ва шу муносабат билан қўшимча ишларни бажариш ва қурилишнинг смета қийматини ошириш зарурлигини аниқлаганда, бу тўғрисида буюртмачига ёзма равишда хабар бермаётганлиги, ишга ёрдамчи пудратчилар жалб қилинган ҳолларда бир-бири олдидаги ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларни тушуниб етмаслик, шартномага мувофиқ ишни бажариш муддатларига риоя қилинмаётганлиги, буюртмачининг материалдан фойдаланган ҳолда иш бажарилганда, ишлатилган материаллар тўғрисида пудратчи томонидан ҳисоботлар тақдим этилмаётганлиги, буюртмачи пудратчининг фаолиятига аралашмаган ҳолда ишнинг бориши ва сифатини текшириш ҳуқуқидан фойдаланмаётганлиги, бошланғич ҳисоб ҳужжатларининг ўз вақтида, тўғри ва ишончли тузилмаётганлиги, шунингдек бухгалтерия ҳисобида акс эттириш учун белгиланган муддатларда топширилмаётганлиги ҳолатлари кузатишмоқда.

Ваҳоланки, Иқтисодий процессуал кодексини 68-моддасининг биринчи қисмига кўра, ишда иштирок этувчи ҳар бир шахс ўз талаблари ва эътирозларига асос қилиб келтираётган ҳолатларни исботлаши керак.

Хулоса ўрнида таъкидлаш ўринлики, тарафлар қурилиш пудратига оид муносабатларни ўрнатишда мазкур муносабатларнинг ёзма шаклдаги шартнома билан расмийлаштирилганлигига, мазкур шартномада барча зарур шартлар келишиб олинганлигига, лойиҳа-смета ҳужжатлари мавжудлигига ва қурилиш ишларини ушбу ҳужжатлар талабларига қатъий риоя қилган ҳолда амалга оширилишига жиддий эътибор қаратишлари лозим.

**Расулбек РУЗМЕТОВ,**

Судьялар олий мактаби тингловчиси.

## ЖИНОЙ ФАОЛИЯТДАН ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШ ЖИНОЯТИНИНГ КРИМИНОЛОГИК ТАВСИФИ

**Жиноий фаолиятдан олинган даромадларга жиноят содир этиш натижасида олинган пул маблағлари, бошқа мол-мулклар ва улардан фойдаланиш орқали олинган ҳар қандай фойда ёки наф, худди шунингдек тўлиқ ёки қисман бошқа мол-мулкка айлантирилган ёхуд ўзгартирилган ёки қонуний манбалар ҳисобидан олинган мол-мулкка қўшилган пул маблағлари ва бошқалар киради.**

Жиноят кодексининг 243-моддасига мувофиқ жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш жиноий фаолият натижасида олинган мулкни ўтказиш, мулкка айлантириш, алмаштириш, жиноий фаолият натижасида олинган мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини, тасарруф этиш, ташилиш усулини, мулкка нисбатан ҳақиқий эгалик ҳуқуқининг ёки унинг кимга қарашлилигини яшириш ёки сир сақлаш каби шаклларда амалга оширилади.

Яшириш усули ёки сир сақлашда жиноий йўл билан топилган пул маблағлари ва бошқа мол-мулкнинг асл хусусияти, манбаи, турган жойи, тасарруф этиш ёки кўчириш усуллари яшириб ёки сир сақланиб уларга қонуний тус берилади. Шунингдек, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгалик ҳуқуқлари ҳамда унинг кимга қарашлилиги ҳам яшириб ёки сир сақланган ҳолда қонуний тус берилади.

Мулк объекти сифатида бундай ҳолларда Фуқаролик кодексининг 169-моддасида назарда тутилган ҳар қандай мулк бўлиши мумкин.

Мазкур жиноят таркибининг зарурий белгиси жиноят содир этиш усули ҳисобланса, унинг зарурий элементи эса бу жиноий фаолият натижасидан орттирилган мулк мавжуд бўлишидир. Демак, жиноят объектив томони факультатив белгиси бўлган жиноят содир этиш усули ва жиноят объекти факультатив белгиси жиноят предмети қилмишни квалификация қилишда ўз таъсирини кўрсатади. Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, Жиноят кодексининг 243-моддаси диспозициясида жиноят объектив томон факультатив белгиларидан усул ва восита жиноят таркиби зарурий белгилари сифатида қонун чиқарувчи томонидан эътироф этилган. Жиноят предмети ва қилмиш содир этиш усули жиноятни квалификация қилишнинг зарурий белгилари бўлсада, бизнинг жиноят қонунимизда эътироф этилиши лозим бўлган икки ҳолат мавжуд. Улардан биринчиси, жиноят объекти мамлакат иқтисодий фаолияти билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар, шу билан бирга жиноят предмети жиноий фаолият натижасида олинган даромадлар, яъни пул маблағлари ва бошқа мол-мулк бўлсада, ЖКнинг 243-моддасида назарда тутилган бу жиноят ЖКнинг “Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноятлар” деб ном олган олтинчи бўлимга киритилган. Бизнинг фикримизча, қонун чиқарувчи бу жиноятни ЖКнинг “Иқтисодийёт соҳасидаги жиноятлар” деб номланадиган учунчи бўлимга киритиши лозим. Чунки, ушбу жиноят содир этилганда биринчи ўринда республика иқтисодий асослари ва фаолияти билан боғлиқ ижтимоий муносабатларга зарар етказиши ёки зарар етказиш реал хавфи остида қолдиради. Чунки, Россия ва Қозғоғистон, шунингдек Беларусь ҳамда Молдова Жиноят кодексларида иқтисодий фаолиятни амалга ошириш тартибига қарши қаратилган жиноятлар тоифасига киритилган. Сабаби, айнан ушбу жиноятлар натижасида топилган даромадлар иқтисодий муомалага эркин кириб келиши натижасида мамлакат иқтисодий фаолияти учун хавfli ҳисобланади.

Иккинчи ҳолат эса ушбу жиноятнинг содир этиш усуллари (молиявий операциялар, битимлар орқали содир этиладиган легализация) ЖКнинг 243-моддаси диспозициясида қонун чиқарувчи томонидан тўғридан-тўғри кўрсатилмаган. Булар асосан Олий суд Пленумининг 2011 йил 11 февралдаги 1-сонли “Жиноий фаолият-

дан олинган даромадларни легаллаштиришга оид ишлар бўйича суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида”ги қарорининг 3-бандида эътироф этилган. Аммо, бу масалалар хорижий мамлакатлар жиноят қонунларида қонун чиқарувчиси томонидан назарда тутилган. Хусусан, МДҲ давлатлари Жиноят кодексларида жиноят содир этиш усуллари тўғридан-тўғри назарда тутилиб, факультатив белги зарурий белги сифати ўз аксини топган.

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришда, яъни жиноий фаолият натижасида топилган пул маблағлари ва бошқа мол-мулкларга қонуний тус беришнинг турли услуб ва воситалари қонун чиқарувчи томонидан Жиноят кодексининг 243-моддаси диспозициясида аниқ қилиб ифодалаб берилган. Жумладан, жиноий фаолият натижасида топилган мулк (пул маблағлари ва бошқа мол-мулк)ни қуйидаги услуб ва воситалар билан унинг келиб чиқишига қонуний тус бериш орқали даромадлар легаллаштирилади.

Шу билан бирга, бундай пул маблағлари ва мол-мулкнинг асл хусусиятини яшириш ёки сир сақлаш, манбаини яшириш ёки сир сақлаш, турган жойини яшириш ёки сир сақлаш, тасарруф этиш ёки кўчириш усулини яшириш ёки сир сақлаш, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгалик ҳуқуқларини яшириш ёки сир сақлаш, пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг кимга қарашлилигини яшириш ёки сир сақлашда ифодаланадиган воситалар орқали содир этилади.

Жиноятнинг тавсифи-ҳодисанинг бўлиши мумкин бўлган эҳтимолли информацион модели ҳисобланиб, тахминий хулоса чиқариш, тергов версиясини олға суриш учун асос бўлади. Жиноят тавсифи ўзига хос вазифани бажаради: у бўлиш эҳтимоли мумкин бўлган ҳодисанинг информацион моделини яратиш имконини беради. Бундай модел эса жиноятларни тез очиш, жиноятларнинг олдини олиш ва тергов қилишнинг бошқа вазифаларини ҳал этишда муҳим аҳамиятга эга.

Жиноят тавсифи таркибини муайян элементлар ташкил этиб, унинг мазмунини жиноят ҳуқуқий, жиноят процессуал, криминалистик, криминалогик, психологик, шунингдек жиноятнинг бўлиши мумкин бўлган эҳтимолли моделини тиклашга қаратилган бошқа маълумотлар ташкил этади. Шу сабабли жиноятнинг тавсифи жиноятга нисбатан бериладиган криминалогик тавсифлардан кўра кенгроқдир.

Жиноят тавсифининг элементлари барча жиноятлар учун бир хил бўлмай, жиноятнинг тигга оид хусусиятларига қараб турлича бўлади.

Тавсифининг айрим элементлари акс этмаган, яъни жиноятчи ва жабрланувчининг шахси каби муҳим белгилар назардан четда қолдирилган.

Шубҳасизки, жиноят тавсифининг умумий назариясидан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш жиноятининг ўзига хос криминалистик тавсифини ишлаб чиқишда фойдаланиш зарур.

Таъжовуз объекти, ушбу жиноят бўйича таъжовуз объекти ЖКнинг 243-моддасида кўрсатилган жиноий фаолиятдан олинган мулк (пул маблағлари ва бошқа мол-мулклар) ҳисобланади.

**Жиянбек НАВРУЗОВ,**

Судьялар олий мактаби тингловчиси.



## МУЛК ИЖАРАСИ ШАРТНОМАСИГА АМАЛ ҚИЛМАСЛИКНИНГ ҲУҚУҚИЙ ОҚИБАТЛАРИ

**Ҳар биримиз ўзгачан мол-мулкни маълум бир муддатга ижарага олаемиз ёки бировга ижарага бериш орқали турмушимизда бу борада ҳуқуқ ва мажбуриятларимизни вужудга келтирамиз.**

Ижара-бу мулк эгасининг ишлаб чиқариш воситалари, буюмлар, автотранспорт, турар жойлар, иморатлар ва бошқа кўчмас мулк объектларини муайян тўловлар эвазига вақтинча фойдаланиш учун бошқа шахс (ўз ўрнида жисмоний ва юридик шахс) га ўзаро келишувга мувофиқ топширишидир. Мулк эгаси (ижарага берувчи) ўз мулкни бошқа бировга (ижарачига) вақтинча эгаллик қилиш ёки фойдаланиш учун беради.

Амалиётда жисмоний ва юридик шахслар томонидан уй-жой, биноларни ижарага бериш, корхонани ижарага олиш, автотранспорт воситаси ижараси, ишлаб чиқариш ускуналарини ижарага олиш, лизинг (молиявий ижара), прокат шартномалари каби ҳар хил ижара шартномалари имзоланаётганлигини кўришимиз мумкин. Бунда, асосан мулк ижараси бўйича фуқаролик кодексининг 34-бобида келтирилган талаблар бўйича низолар келиб чиқмоқда. Тарафлар шартлашилган битимга амал қилмаслик оқибатида ўзларига ортиқча бўлган муаммоларни кўпайтирмоқда ва судлар томонидан шартнома шартларининг бажармаслиги билан боғлиқ кўплаб низолар кўрилмоқда.

Шу ўринда бир юридик шахснинг бошқа жисмоний шахсдан қандолат маҳсулоти ишлаб чиқариш учун ишлаб чиқариш ускунасини ижарага олиш жараёни мисолида шартнома мазмуни билан танишиб чиқсак.

Биринчидан, предметни аввало далолатнома асосида қабул қилиб олиш лозим. Томонлар ушбу ускунанинг ҳолатини кўриб, соз ёки носоз эканлигини далолатнома имзолаш орқали икки томон кўриб олиши лозим.

Иккинчидан, ижарага олинаётган мол-мулкнинг ижара ҳақи ва ҳисоб-китоб қилиш тартибини белгилаб олиш лозим. Бунда ижарага олувчи мол-мулкдан фойдаланганлик учун ижарага берувчига ижара тўлови учун ҳақ тўлашлиги тўғрисидаги келишувда ижара тўлови санасини қатъий белгилаб олиши ва келишилган санадан кечиктирмай ижара ҳақини тўлаб бориши масаласини ҳал қилишлари лозим.

Учинчидан, шартномадаги тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қисмига қатъий амал қилиш. Бунда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг III-бўлимига асосан мажбурият тўғрисида умумий қоидаларни қўллаган ҳолда бир қанча мажбуриятларни амалда бажариш. Бир томон, яъни ишлаб чиқариш ускунасини ижарага берувчи ускунанинг ижарага олинган вақтдан то шартнома муддати якунига етгунига қадар ишлашига кафолат бериши ва ижара тўловини ўз вақтида талаб қилиб олишни, иккинчи тараф, яъни ижарага олувчи ишлаб чиқариш ускунасидан оқилона, унга зарар етказмасдан фойдаланиш ва ўз вақтида ижара ҳақини тўлаб бориш мажбуриятини олишини билиши керак.

Тўртинчидан, тарафлар низо келиб чиққан тақдирда низоларни судгача ҳал қилиш ва унда ўзаро келишув асосида мулкка зарар етказилганда зарар ўрнини қоплаб беришни ҳамда низоларни ҳал қилиш тартибини қатъий келишишлари зарур. Тарафлар келишувга эришмаган тақдирда низони белгиланган тартибда суд орқали ҳал этиш масаласини шартномада белгилаб олишлари зарур.

Бугунги кунда судлар томонидан кўрилатган низоларнинг аксарияти мол-мулкдан оқилона фойдаланмаслик, мулк ижараси тўловини ўз вақтида тўламаслик ҳамда мол-мулкнинг ҳолатини ёмонлаштириш оқибатида етказилган зарарлар туфайли келиб чиқмоқда.

Агар ижарага олувчи мол-мулкни ўз вақтида қайтармаган ёки келишувдан кечиктирган муддатда қайтарган тақдирда ижарага берувчи қонунда белгиланган муддатда унинг олдига бир қанча талабларни қўйишга ҳақли. Масалан, ҳар бир кечиккан кун учун неустойка ёки бой берилган фойда каби. Бунда юридик шахслар ва фуқаролар ўзлари етказган зарарни, шу жумладан, бой берилган фойдани Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда тўлашлари шарт. Фуқаролик кодексининг 541-моддаси 3-4 қисмларида ижарага олувчига ижара мол-мулкни тўлиқ ва ўз вақтида топширмаганлик учун ижарага берувчининг жавобгарлиги белгилаб қўйилган.

Унга кўра агарда шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, мол-мулк барча мансуб ашёлари ва унга алоқадор ҳужжатлари (техник паспорт, сифат сертификати ва ҳоказолар) билан бирга ижарага топширилади. Агарда бундай ашёлар ва ҳужжатлар топширилган бўлмаса ва уларсиз ижарага олувчи мол-мулкдан ўз мақсади йўлида фойдалана олмаса ёхуд шартнома тузиш пайтида мўлжаллашга ҳақли бўлган анча нарчасидан маҳрум бўлса, у ижарага берувчидан бундай мансуб ашёлар ва ҳужжатларни топширишни ёхуд шартномани бекор қилишни, шунингдек зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

Ижарага берувчи ижарага олувчига ижарага берилган мол-мулкни шартномада кўрсатилган муддатда, башарти шартномада бундай муддат кўрсатилган бўлмаса, оқилона муддатда топширмаган бўлса, ижарага олувчи ушбу Кодекснинг 331-моддасига мувофиқ бу мол-мулкни ундан талаб қилиб олиши ва ижронинг кечикканлиги туфайли етказилган зарарни қоплашни талаб қилиши ёки шартномани бекор қилиши ва унинг бажарилмаганлиги сабабли етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Тарафлар ушбу ҳолатда келиб чиқиши мумкин бўлган низоларни ўзаро ҳал қилишлари ёхуд низо судгача етиб борган тақдирда уни ҳал қилишда қийинчиликларга учраши табиий.

Суд жараёнида мулк ижараси шартномасида томонларнинг шартларни қай тартибда бажарганликлари ва бажариши лозим бўлган ҳолатлар юзасидан судья шартноманинг шартлари бузилган бандлари бўйича тарафлардан тушунтириш талаб қилиши зарур.

Бугунги кунда фуқароларимиз томонидан хоҳ ижарага берувчи бўлсин хоҳ ижарага олувчи бўлсин мулк ижараси шартномаси шартларига тўлиқ риоя этишлари ва ортиқча овозгарчиликларсиз низоларни ўзаро ҳал қилишлари лозим. Бу икки тараф учун ҳам маъқул йўлдир.

**Лазиз ХУДОЙҚУЛОВ,**

*Судьялар олий мактаби тингловчиси.*

# СУДЬЯЛАР ДАХЛСИЗЛИГИ – СУД ҲОКИМИЯТИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ГАРОВИ

**Мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлининг чуқур таҳлили бугунги кунда одил судлов борасида ҳам мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришни тақозо этмоқда. Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, аҳолининг одил судловга бўлган ишончини оширишга қаратилган янги босқични бошлашни ҳаётнинг ўзи заруратга айлантирди.**

Бу борада асосий эътибор қаратилиши ва урғу берилиши лозим бўлган жиҳат судлар мустақиллиги масаласидир. Судлар ва судьяларнинг мустақил ва дахлсизлиги таъминланмас экан одил судлов ҳақида гапириш ноўрин.

Судьяларнинг дахлсизлиги – бу суд тизимининг самарадорлиги ва беғаразлигининг зарур шартларидан бири ҳисобланади. Судьяларнинг дахлсизлиги, ҳалоллиги ва поклиги суд органлари мустақиллиги билан чамбарчас боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши томонидан суд органларининг мустақиллиги, судьяларнинг ҳолислиги ва дахлсизлиги, уларга салбий таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш мақсадида республика судларида ўтказилган сўров натижаларига кўра суд тизимидаги дахлсизлик тамойилининг бузилиши сабаблари сифатида судлар томонидан суд раиси ва судьяларга нисбатан туман, шаҳар ва вилоят ҳокимлари томонидан тазйиқ ва босим ўтказилиши, ишларга аралашуш, шунингдек одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган бошқа тадбирларга жалб қилиш ҳолатларига йўл қўйилаётгани, бу билан судьяларнинг дахлсизлиги ва ҳолислиги принципи бузилаётгани, суд органлари ва судьяларнинг молиявий ва ижтимоий ҳимояси талабга жавоб бермаслиги, судлардаги штатлар сони етарли эмаслиги ва одилона тақсимланмаганлиги, судьяларни навбатдаги муддатга тайинлашдаги ортиқча бюрократик тартибларнинг ҳали ҳамон мавжудлиги, суд қарорларининг вақтида ва тўлиқ ижро этилмаслиги, судья ва суд аппарати ходимлари орасида коррупция ва таъмағирликка мойил шахсларни аниқлашнинг самарали механизмнинг мавжуд эмаслиги каби салбий ҳолатлар билдирилган.

Шунинг учун ҳозирда мавжуд судьяларнинг олий малака ҳайъати ва жойлардаги судьяларнинг малака ҳайъатлари судьялар ўртасида одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши, суд ишларига аралашуш ҳолатлари, судьяларга нисбатан хизмат текширувлари ўтказиш ва уларни жавобгарликка тортиш каби вазифаларни амалга оширсан, суд тузилмасида мавжуд кадрлар бўлими мазкур суд раиси раҳбарлигида унда фаолият юритаётган барча судьялар ва суд ходимларининг меҳнат ва ижро интизомига, одоб-ахлоқ қоидаларига, судьяларнинг қасамёдига қатъий амал қилишлари бўйича зарур чораларни кўради. Бундан ташқари, ҳар бир вилоят суди судьяси ушбу вилоятда жойлашган бир ёки бир неча туман (шаҳар) судлари фаолиятига масъул ҳисобланса, Олий суд судьялари ҳам муайян

вилоят судларига масъул ҳисобланади. Ушбу ҳолатда бу тизимдан судьяларга ўтказилаётган босим ва тазйиқлардан ҳимоя қилиш механизми сифатида ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Судьялар дахлсизлик тамойилининг бузилиши асосан интизомий ҳуқуқбузарлигини рўқач қилиб, судьялар ваколатларини тўхтатиб туриш, судьяларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга гувоҳ ёки гумонланувчи сифатида қақриш кўринишида давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний талаблари асосида юзага чиқади. Судьялар ва уларнинг хавфсизлигига нисбатан содир этиладиган ноқонуний хатти-ҳаракатлар нафақат судьялар корпусига ёки муайян суд институтига, балки давлатда шаклланган суд-ҳуқуқ тизимига ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Бир сўз билан айтганда, судьялар дахлсизлигини таъминлаш шахсий имтиёз эмас, балки мустақил ва одил судловни таъминлашнинг воситаси ва мажбурий заруратидир. Шу ўринда аниқ мисолларга тўхталадиган бўлсак бугунги кунда 1300 нафарга яқин судья ҳамда уларнинг 10 минг нафарга яқин оила аъзоларининг хавфсизлиги давлат томонидан таъминланиши Конституция даражасида кафолатланган.

Шу билан бирга аҳолининг одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишни жадаллаштиришни, соҳага илғор халқаро стандартларни жорий этишни талаб этмоқда. 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, судлар фаолияти самарадорлиги ва одил судлов сифатини ошириш мақсадида “Инсон қадрини ўқун” гоёси асосида чинакам адолатли суд тизимини шакллантириш ҳамда унинг фаолиятини халқ манфаати ва инсон қадр-қимматини самарали ҳимоя қилишга йўналтириш, адолатли суд қарорлари қабул қилинишига эришиш орқали халқнинг, шу жумладан, тадбиркорларнинг суд тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш, ҳар бир шахс суд ва судьялар сиймосида ўзининг ишончли ҳимоячисини кўришига эришиш устувор вазифалар сифатида белгиланди.

Бу вазифаларни бажариш учун Олий суд томонидан Давлат хавфсизлик хизмати, Бош прокуратура, Адлия вазирлиги билан биргаликда жиноят ишлари бўйича суд қарорлари қонуний, асосли ва адолатли қабул қилинганлигини текширишнинг фуқароларга қулай ва соддалаштирилган тартибини яратиш мақсадида туманлараро, туман, шаҳар судлари томонидан биринчи инстанцияда кўрилган ишларни вилоят ва унга тенглаштирилган судларда апелляция ёки кассация тартибида қайта кўриб чиқиш, юқори инстанция судлари томонидан ишни янгидан кўриш учун қўйи судларга юбориш тартибини бекор қилиш ва уларга иш бўйича якуний қарор қабул қилиш масъулияти юклатишни жорий этишни назарда тутувчи қонун ишлаб чиқилди.

Судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш мақсадида уларнинг ишига ҳар қандай аралашув қатъий жазоланиши, судьяларнинг хавотирсиз ишлаши учун давлат томонидан барча шароитлар яратилиши мажбурий этиб белгиланди.

**Барчиной ТУЙЧИЕВА,**

*Судьялар олий мактаби тингловчиси.*

**Қаргалар қагиллай  
бошлагач,  
булбуллар жим бўлар.**

**Жалолиддин  
РУМИЙ**

## ШАРҚ МАМЛАКАТЛАРИДА МЕРОС: ҲИНДИСТОН ВА БАА МАМЛАКАТЛАРИ МИСОЛИДА

*Тарихдан маълумки, ҳар бир халқ, давлат, миллат, элат ва динларда вафот этган кишининг мол-мулкани мерос қилиб олиш қонун – қоидалари мавжуд. Мерос масалаларида муаммоларга дуч келинишига асосий сабаб эса инсонларнинг безътиборлиги, ҳуқуқ-шунослардан бу ҳақида маслаҳат сўралмаслигидир. Жумладан, меросхўрлар мулкани ўз ихтиёрига кўра тасарруф қилмоқчи бўлганда мерос мулки етарли тартибда расмийлаштирилмаганлиги ва меросхўрлар ўртасида тақсимланмаганлиги маълум бўлади. Воқелик ҳам шуни кўрсатмоқдаки, мерос масаласи киши вафотидан ўн йиллар ўтгандан кейин ҳам кўтарилмоқда. Бу эса талай муаммоларни келтириб чиқармоқда.*

Шу ўринда Шарқ мамлакатларининг айримлари мисолида мерос гувоҳномасини расмийлаштириш жараёнини Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги билан солиштириб, талқин қилмоқчимиз.

Қарама қарши фикрлар, элатлар, динлар ва зиддиятларга бой бўлган мамлакат — Ҳиндистон Республикасида мерос қонунчилиги ўзига хосдир. Ушбу давлатда мерос кўпчилик учун нафақат даромад манбаи, балки ҳинд жамиятида насл-насаб рамзи ҳамдир. Ҳиндистондаги мерос қонунлари қонуний равишда ворислик қонунлари деб ҳам аталади. Ушбу мамлакатда ягона Фуқаролик кодекси мавжуд бўлмаганлиги сабабли мерос қонунчилигининг ўзига хос хусусиятларидан бири, ворислик тўғрисидаги қонунлар мулк эгаси амал қиладиган қоида, одат ва динига, яъни сикхлар, жайнлар, буддистлар, мусулмонлар, христианлар ва Арья Самаж ўртасидаги мерос қонунчилигига асосланади. Ҳиндистон Республикаси амал қиладиган эътиқодига қараб 1925 йилдаги “Ҳиндистондаги ворислик тўғрисида”-ги, 1937 йилдаги “Мусулмонларнинг шахсий ҳуқуқини қўллаш тўғрисида”ги, 1956 ва 2005 йиллардаги “Ҳиндларнинг меросхўрлиги тўғрисида”ги қонунлари мавжуд. Бу қонунчилик ўрганиб чиқилганда Ҳиндистон Республикаси мерос қонунчилигининг бошқа мамлакатлардан фарқ қилувчи ўзига хос жиҳатларини кўриш мумкин.

Жумладан, алоҳида оила меросхўр сифатида, яъни Ҳиндистон қонунчилигида “HUF” атамаси билан белгиланган мерос олиш ҳуқуқи кўрсатилган, яъни Ҳиндистоннинг 1961 йилдаги “Даромад солиғи” тўғрисидаги Қонунига асосан “HUF” ҳинду бўлмаган оила “шахс” сифатида киритилиб, унинг мерос масалалари ўзига хосдир. Ҳинду қонунларига кўра HUF – бу умумий аждоддан келиб чиққан, яъни эркаклар, уларнинг хотинлари ва турмушга чиқмаган қизларини ўз ичига олади. Шартнома асосида HUFни яратиб бўлмайди, у оилада қариндошлик муносабатлари асосида яратилади. HUFнинг эркак жинсли аъзоси жамиятнинг боқувчиси ҳисобланади, агар шу оилада эркак киши вафот этса ҳинду қонунларига асосан мерос масалалари дарҳол ҳал этилиши талаб қилинмайди, (оила бошлиғи бундан мустасно), агарда бошқа оила боқувчиси талаб қилмаса. “HUF”да эркак кишининг ўлиmidан сўнг унинг хотини мулкига нисбатан меросхўр бўлмайди, фақатгина фарзандлари қонуний меросхўрлари ҳисобланади. Эътиборли жиҳати шуки, агарда вафот этган эркак хотинининг алоҳида ўз мулки бўлса, ушбу мулкнинг тенг ярми, яъни умумий улушли мулки фарзандларига ўтади. Бу масала-

лар ҳинд бўлмаган оиланинг мерос қонунчилиги бўлса, ҳиндларнинг мерос масалалари бошқа тарзда кўрилади. Бунда ҳинд эркак вафот этса унинг биринчи навбатдаги меросхўрлари тенг равишда олади, агар биринчи навбатдаги меросхўрлари бўлмаса, иккинчи навбатдаги меросхўрларига ўтади, агар 1-2 ва бошқа навбатларда ҳам меросхўрлар бўлмаса, мулк эгалиги тугатилиб давлат эҳтиёжига ўтади.

Ҳинд аёлининг мерос масаласидаги ҳуқуқи маълум бир чекловларга эга бўлиб, жуда камситилган. Бу ерда қиз ва ўғил фарзандларнинг меросдаги улушларини кўрганимизда, қиз фарзанд турмушга чиқмаган бўлса ота ва онадан кейин тенг улушдаги меросхўр ҳисобланади. Агар турмушга чиққан аёл киши вафот этса унинг мулки эри ва фарзандлари ўртасида тенг равишда тақсимланади, агар фарзандлари бўлмай эри вафот этган бўлса, унинг мулки эрининг қариндошлари ўртасида тақсимланади. Агар эрининг қариндошлари ҳам бўлмаса, авваламбор аёлнинг отаси ва унинг қариндошлари ёки онаси ва унинг қариндошлари ўртасида тақсимланади. Бева аёл эрдан сўнг қайта турмушга чиққунча эрининг мулкига даъво қила олади, умри давомида меросхўр ҳисобланиб эрининг мулкидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади.

Ҳиндистонда мерос ҳуқуқи яна фикҳ қонунчилиги, яъни мусулмонлар ислом ҳуқуқи асосида ҳам юритилади. Жумладан, аёл кишининг қадр эркак кишининг ярмидир. Бу ерда аёллар (турмуш қурган ва турмуш қурмаган қиз фарзандлар) учун мерос қонунлари қизларга ўғиллари оладиган улушнинг ярмини беради, аммо аёл ўз мулкани тўлиқ назорат қилади ва фойдалана олади. Турмушга чиққан аёлнинг эри вафот этган тақдирда фарзандлари бўлмаган ҳолатда мулкнинг  $\frac{1}{4}$  қисмини, фарзандлари бўлса  $\frac{1}{8}$  улушини олади. Бошқа меросхўрлар эса қиз фарзандга бериладиган улушнинг икки баробарини олиши керак, фақат битта қиз отаси мол-мулкнинг ярмини олади.

Ҳозирги кунда дунёнинг энг ривожланган давлатларидан яна бири — Бирлашган Араб Амирлигининг (БАА) мерос масалалари ҳам ўзига хос. БААда мерос масалалари шариат қонунчилиги асосида кўрилади. У ердаги бир неча кодификация қилинган қонунлар шариатга асосланган. Бунда фуқароларнинг 80 % дан кўпи экспатриант, яъни ўзларининг туб аҳолиси эмас. Шунга кўра БААда аҳолининг дини, эътиқоди ва келиб чиқишига асосан мерос қабул қилиниш асослари кўрилади. БААда мерос масалалари 1985 йилда қабул қилинган 5 сонли “Федерал Қонун” ва “Шахсий

Статус” тўғрисидаги Қонунлар билан тартибга солинади. Шариат масалалари ислом юриспруденцияси бўйича баъзида “МИРАТ” дейилади ёки “АЛ ФАРАХИД” деб юритилади. Меросхўрлар уч тоифага бўлинади:

**1. Квота (заву ал-фарах) ворислари.** Бу гуруҳ, одатда, улушларни ёки мулк улушини мерос қилиб олади ва фойда олувчи турмуш ўртоғи, ота – онаси, ўғли, қизи, ака-ука, бобо-буви ҳисобланади. Улар меросхўрлар доирасидан ҳеч қачон чиқариб ташланмайди. Вазият ва шароитга қараб, бошқа меросхўрлар истисно қилиниши мумкин.

**2. Асаба аъзолари ёки қолдиқлари:** булар меросхўрларнинг улушлари квоталарга мувофиқ тегишли тақсимлангандан сўнг меросни қолдиқ сифатида оладиган аъзолардир.

**3. Катта оила аъзолари (дхаву ал архам):** одатда она томондан бобо, холалар, жиянлар ва биринчи амаки-ваччалар. Меросни тақсимлаш учун судларнинг асосий босқичи меросхўрларни аниқлаш ва икки эркак гувоҳ орқали оилавий алоқаларни аниқлаш (туғилганлик ва никоҳ гувоҳномалари) йўли билан белгиланади. Ноқонуний ва асраб олинган болалар ислом қонунларига кўра меросхўр ҳисобланиши мумкин эмас, мусулмон бўлмаган фуқаролар мусулмоннинг мулкидан фойдалана олмайди ҳамда меросдан фойда олиш мақсадида қотиллик содир этган фуқаро мерос олиш ҳуқуқига эга эмас.

Тарихга назар солсак, Ухуд жангида бир аёлнинг эри вафот этганидан сўнг, мерос қолдирувчининг барча мол мулки укасига ўтади. Шунда аёл шикоят қилганда, ҳозирги кундаги мерос тақсимлаш шартлари пайдо бўлган экан. Шариат бўйича мерос олиш тартиби қуйидагича амалга оширилади: аввал квота меросхўрлари ўзларининг улушларини олади, тақсимлаш учун бошқа мулк қолмаса, жараён тугатилади, мерос иши тугалланмаган тақдирда иккинчи босқичга ўтилади. Иккинчи босқичдаги меросхўрлар ўзларининг улушларини оладилар. Қолдиқ меросхўрлар бўлмаса, лекин мол-мулк мавжуд бўлган ҳолларда, пуллар квотанинг меросхўрлари ўртасида тенг равишда қайта тақсимланади ва бу қайта тақсимланиш “Ал-Рад” деб аталади. Кейинги навбатдаги шажара ёки баланс меросхўрлари бўлмаган тақдирда, мол-мулк катта оила аъзолари ўртасида тақсимланади. Агар бундай меросхўрлар умуман бўлмаганда мулк давлат газнасига тушади ва Байтул-мол деб аталади. БАА қонунларига мувофиқ мерос масалалари судлар томонидан кўриб чиқилади.

Муқаддас Қуръони Карим “Нисо” сурасининг 11-оятда ҳам мерос масалалари қатъий белгиланган. “Оллоҳ фарзандларингизга (тегишли мерос) ҳақида бир ўғил учун икки қиз улуши баробарида мерос беришни амал қилур. Агар меросхўрлар иккидан ортиқ аёл бўлса, уларга эр қолдирган нарсанинг учдан иккиси, агар яқка қиз бўлса, унга (мероснинг) ярми тегур. Агар марҳумнинг фарзанди бўлса, ота-онасининг ҳар бирига қолдирган меросидан олтидан бири тегур. Энди агар фарзанд бўлмай, фақат ота онаси (меросхўр) бўлса, у ҳолда онасига учдан бири тегур, (қолгани отасига тегишлидир). Агар унинг ака-укалари бўлса, онасига олтидан бири тегур. Бу тақсимотлар марҳум қилган васият ва унинг қарзлари адо этилганидан кейин бўлур. Ота-оналарингиз ва фарзандларингизнинг қайси бирлари

сизлар учун фойдаси тегувчироқ эканини билмайсизлар. Оллоҳ томонидан қатъий фарз қилиб қўйилди. Албатта, Оллоҳ билим ва ҳикмат эгаси бўлган Зотдир.”

Мерос масалаларининг Ўзбекистон Республикасида васиятнома ва қонун асосида расмийлаштирилиши Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 66-69 бобларида тўлиқ талқин этилган.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикасининг мерос қонунчилиги гендер тенглиги асосида тузилган бўлиб, жинсидан қатъий назар, Фуқаролик кодексининг 1135-1140 моддаларига асосан мерос мулки навбат асосида тақсимланади ва бу Ўзбекистон Республикасининг Янги Конституцияси 58-моддасида хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлиги, давлат хотин-қизлар ва эркакларга жамият ҳамда давлат ишларини бошқаришда, шунингдек жамият ва давлат ҳаётининг бошқа соҳаларида тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминланиши қатъий белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 1135-моддасига асосан фарзандлари ва фарзандликка олинган болалари, эри (хотини) ва ота-онаси (фарзандликка олувчилар) тенг улушларда мерос қолдирувчининг 1- навбатдаги меросхўрлари қаторига киради. Мерос қолдирувчининг туғишган ҳамда она (ота) бир ота (она) бошқа ака-укалари ва опа-сингиллари, шунингдек унинг ҳам ота, ҳам она тарафдан бобоси ва бувиси тенг улушларда қонун бўйича иккинчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига эга бўладилар. 1 ва 2 навбатдаги меросхўрлар мавжуд бўлмаганда ёки улар воз кечишганда кейинги навбатдаги меросхўрлар мерос олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Юқорида таҳлил қилинган давлатларнинг мерос қонунчилиги ва бизнинг миллий қонунчилигимизда мерос масалаларида ижобий ва салбий тарафларни кўришимиз мумкин. Жумладан, бизнинг Конституциямиз ва қонунчилигимизда гендер тенглиги қонун билан мустақамланганлиги, аёлларнинг мерос олиш ҳуқуқи қатъийлиги, ота-она ёки кейинги даражадаги меросхўрларнинг ҳам мерос олиш ҳуқуқи маълум моддаларда мустақамланганлиги, мерос олиш муддати чекланмаганлиги, яъни мерос қабул қилиш муддати белгиланмаганлигини ижобий деб олсак, меросхўрлар доирасининг чекланмаганлиги ва мерос қабул қилиш, уни юритиш, воз кечиш, ҳамда бир неча қонунларда бир - бирига зид коллизиялар мавжудлиги, қатъий мерос ва меросхўрлар тўғрисидаги қонун мавжуд эмаслиги салбий тарафлардир. Масалан Фуқаролик кодексининг 1135-1141-моддаларида меросхўрлар қабул қилиш навбати 6 даражаси назарда тутилган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 57- моддасида 4 даражага қариндошлик масалалари кўрсатилган. Шуни таъкидламоқчимизки, агарда 6 даражада мерос қабул қилиш лозим бўлсаю, лекин Оила кодекси ва Фуқаролик кодекси бўйича шажара бир-бирига зид келганда, қайси қонунчиликни белгилаш ҳам муаммо туғдиради. Таклиф сифатида барча кодекс, пленум Қарорлари ва қонунларни таҳлил этиб ва бирлаштирган ҳолда мерос ва мерос муносабатларини тўғри белгиловчи ягона мерос тўғрисидаги Қонун қабул қилиш лозим деб ҳисоблаймиз.

**Сунбула УМАРОВА,**

*Судьялар олий мактаби тингловчиси.*



## АЛИМЕНТ ТЎЛАМАГАНЛАРНИНГ МАМЛАКАТ ХУДУДИДАН ЧИҚИШНИ ВАҚТИНЧА ЧЕКЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

*Бугунги кунда халқаро умумэтироф этилган қоидалардан бири – ота-онанинг ўз фарзанди ҳақида гaмхўрлик қилиши ва уларга моддий таъминот бeриш мажбуриятидир. “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”-ги конвенциянинг 27-моддаси 2-бандида ота-оналар ҳамда фарзандни тарбия қилувчи бошқа шахслар ўзининг қобилияти ва молиявий имкониятлари доирасида бола ривожланиши учун зарур ҳаёт шароитларини таъминлаш учун асосий жавобгарликни ўз зиммасига олади, деб белгиланган. Ушбу универсал қоида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ҳам жорий қилиниб, жумладан Оила кодексининг 96-моддасида ота-она вояга етмаган болаларига таъминот бeриши шартлиги, вояга етмаган болаларига таъминот бeриш мажбуриятини ихтиёрий равишда бажармаган ота (она)дан суднинг ҳал қилув қарорига ёки суд буйруғига асосан алимент ундирилиши мустақамлаб қўйилган.*

Алимент тўлаш мажбурияти юридик жиҳатдан белгиланганлиги фарзанд ўз моддий таъминотини амалда олади дегани эмас. Афсуски, бугунги кунда юртимизда ота-оналар томонидан ўз фарзандларига моддий таъминот бeриш даражаси кўнгилдагидек эмас. Статистик маълумотларга қараганда, Ўзбекистон Республикасида жами 290 000 ота алимент тўлаш мажбуриятига эга бўлиб, улардан 172 000 таси ушбу мажбуриятни бажаришдан бош тортмоқда. Ҳозирги вақтда алимент юзасидан жами қарздорлик 115 миллиард сўмдан ошиб кетган.

Алимент мажбуриятларининг ўз вақтида бажарилишини қонунда белгиланган тартибда таъминлаш давлат мутасадди органларининг, биринчи навбатда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг вазифаси саналади.

Мажбурий ижро бюросининг ҳудудий бўлинмаларига алиментларни ўз вақтида тўлашишни таъминлаш борасида амалдаги қонунчилик томонидан муайян ҳуқуқлар берилган. Жумладан, давлат ижрочиси “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 42-моддасига асосан суд қарори асосида берилган ижро ҳужжатидаги ёки ижро ҳужжати бўлган суд қарори талаблари белгиланган муддатда қарздор – жисмоний шахс томонидан узрсиз сабабларга кўра ижро этилмаганда давлат ижрочиси ундирувчининг аризаси бўйича ёки ўз ташаббуси билан қарздор – жисмоний шахснинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишини вақтинча чеклаш тўғрисида қарор чиқаришга ҳақли эканлиги белгиланиб қўйилган.

Бунда ўринли савол туғилади: Ушбу чеклов қанчалик шахснинг эркин ҳаракатланиш ҳуқуқига даҳл қилади ва Ўзбекистоннинг бу борадаги халқаро мажбуриятларига қай даражада мос келади? Жумладан, Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларациясининг 13-моддасида ҳар бир инсон ҳар бир давлат доирасида эркин юриш ва яшаш жойи танлаш, ҳар қандай мамлакатдан, хусусан ўз мамлакатидан чиқиб кетиш ва ўз мамлакатига қайтиб келиш ҳуқуқига эга эканлиги белгилаб қўйилган.

Айни вақтда Декларациянинг 29-моддаси 2-бандига мувофиқ, ҳар бир инсон ўз ҳуқуқ ва эркинликларидан фойдаланишда ўзгаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг етарли даражада бўлишини ҳамда ҳурмат қилинишини таъминлаши, ахлоқ, жамоат тартиби, умум фаровонликнинг одилона талабларини қондириш мақсадидагина қонунда белгиланган чекланишларга риоя этиши керак. Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясидаги умумэтироф этилган меъёрлар мазмунидан ҳулоса шуки, ҳар қандай шахс эркин ҳаракатланиш ҳуқуқига эгадир, бироқ ушбу ҳуқуқ ўзгаларнинг қонуний ҳуқуқ ва манафаатлари, ахлоқ, жамоат тартибини таъминлаш мақсадида оқилона равишда чекланиши мумкин, бунда алимент тўлаш мажбуриятига эга бўлган шахснинг эркин ҳаракатланиш ҳуқуқи ўз-ўзидан эмас, балки алимент пуллари ўз вақтида тўланмаган тақдирдагина чекланишига йўл қўйилади.

Мамлакатимиз қонунчилигида алимент пуллари ўз вақтида тўламаган қарздор-жисмоний шахснинг Ўзбекистон Республикасидан

чиқишини вақтинча чеклашни бекор қилиш асослари белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 6 октябрдаги 808-сонли қарори билан тасдиқланган “Алиментларни олдиндан тўлаш, шунингдек алимент тўлаш мажбуриятини таъминлаш бўйича гаров шартномасини тузиш тартиби тўғрисида”ги Низом вояга етмаган болалар таъминоти учун алиментларни олдиндан тўлаш, шунингдек вояга етмаган болалар, эр (хотин), собиқ хотин (собиқ эр) ва бошқа меҳнатга лаёқатсиз шахслар таъминоти учун алимент тўлаш мажбуриятини таъминлашда гаров шартномасини тузиш тартибини белгилаб берди. Низом 9-бандининг талабларига асосан алиментларни олдиндан тўлаш бола вояга етгунига қадар ҳар қандай давр учун, беш йилдан кам бўлмаган муддатга амалга оширилиши, агарда болалар вояга етгунига қадар бўлган давр 5 йилдан кам бўлса, алиментларни олдиндан тўлаш қолган давр учун амалга оширилиши белгиланган.

Таъкидлаш лозимки, алимент тўловлари бўйича қарздор жисмоний шахснинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишини вақтинча чеклаш тўғрисида қарор ҳақиқатдан ҳам қарздорлик бор йўқлиги атрофлича текширилиб, алимент пуллари ўз вақтида тўланмаганлиги шубҳасиз тасдиқланган тақдирдагина қабул қилиниши лозим. Бугунги кунда электрон тўлов тизимлари носозлиги, банк хизматларининг ўз вақтида кўрсатилмаганлиги, ёхуд давлат ижрочилари алимент юзасидан қарздорликни текширмасдан, ёппасига барча алимент тўловчиларга нисбатан чекловни ўрнатиш ҳолатлари учраб турибди. Асосиз равишда қўйилган Ўзбекистон Республикасидан чиқишни вақтинча чекловлар учун айбдор давлат ижрочилари ва улар раҳбарларининг интизомий жавобгарлик масаласи ҳал этилиши зарур. Ана шунда қонун олдида алимент ундирувчи ва қарздорнинг тенглиги, уларнинг Конституция ва қонунларда белгиланган ҳуқуқ ва манфаатлари таъминланган бўлади.

**Ҳаётхон ХЎЖАМАТОВА,**

*Судьялар олий мактаби тингловчиси.*

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Конвенция о правах ребенка - <https://lex.uz/docs/2595909>
2. Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси - <https://lex.uz/docs/104720#159180>
3. При БПИ будет создан фонд гарантированной выплаты алиментов - <https://www.gazeta.uz/ru/2022/03/02/alimony/>
4. М.Нажимов, Ш.Сайдуллаев. Давлат функциялари. Т.: ТДЮИ, 2004. Б.14, 24.
5. “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари ижро этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни - <https://lex.uz/acts/26477>
6. Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси - <https://constitution.uz/uz/pages/humanrights>
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 6 октябрдаги 808-сонли қарори билан тасдиқланган “Алиментларни олдиндан тўлаш, шунингдек, алимент тўлаш мажбуриятини тўлаш мажбуриятини таъминлаш бўйича гаров шартномасини тузиш тартиби тўғрисида”ги Низом - <https://lex.uz/docs/3967908>
8. Несправедливая система. Почему узбекистанцы, выплачивающие алименты, постоянно сталкиваются с запретом на выезд. - <https://podrobno.uz/cat/obchestvo/nespravedlivaya-sistema-pochemu-uzbekistantsy-vyplachivayushchie-alimenty-postoyanno-stalkivayutsya/>



# МАЪМУРИЙ СУД ИШЛАРИДА ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ ВА УНДАН КЕЙИН СУДНИНГ ҲАРАКАТЛАРИ

## АННОТАЦИЯ:

*Ушбу мақолада маъмурий суд ишларини юритишда ҳал қилув қарори қабул қилиниши ва қарордан кейин суднинг ҳаракатлари ҳақида сўз боради. Муаллиф ҳуқуқий маълумотларга таяниб, мавжуд илмий адабиётлар асосида маъмурий суд ишларини юритишда ҳал қилув қарори қабул қилиниши ва қарордан кейин суднинг ҳаракатлари бўйича ўзига хос жиҳатларни ўрганган ва таҳлил қилган.*

**Калит сўзлар:** маъмурий суд, суд ишларини юритиш, ҳал қилув қарори, қарордан кейин суднинг ҳаракатлари.

Мамлакатимизда маъмурий судларнинг ташкил этилиши Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 110-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик, жиноий, иқтисодий ва маъмурий суд ишларини юритиш соҳасида суд ҳокимиятининг олий органи ҳисобланиши билан боғлиқ конституциявий норманинг амалга оширилишини ҳам таъминлайди.

Маъмурий суд ишларини юритишда ҳал қилув қарори қабул қилиниши бошқа суд ишларидаги каби муҳим саналади. Суд ишни мазмунан кўриб чиқиш натижалари бўйича ҳал қилув қарорини қабул қилади. Суднинг ҳал қилув қарори қонуний ва асослантирилган ҳамда суд мажлисида текширилган далилларгагина асосланган бўлиши лозим.

Суд ҳал қилув қарорини қабул қилаётган маслаҳатхонада фақат ишни кўриб чиқаётган суд таркибига кирадиган судьялар бўлиши мумкин. Ушбу хонага бошқа шахсларнинг кириши, шунингдек суд таркибига кирмайдиган шахслар билан мулоқотда бўлишнинг бошқа усуллари тақиқланади.

Ҳал қилув қарорини қабул қилиш чоғида суд ишда иштирок этувчи шахсларнинг ўз талаблари ва эътирозларини асослантириш учун келтирган далиллари ва эътирозларига баҳо беради, иш учун аҳамиятга эга бўлган қайси ҳолатлар аниқланган аниқланмаганлигини белгилайди ва ишда иштирок этувчи шахсларнинг қандай ҳуқуқ ва мажбуриятлари борлигини ҳамда талабни қаноатлантириш лозим ёки лозим эмаслигини ҳал қилади.

Суд ҳал қилув қарорини қабул қилишда далилларни қўшимча текшириш ёки иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни аниқлашни давом эттиришни зарур деб топса, суд муҳокамасини янгидан бошлайди, бу ҳақда ажрим чиқаради. Бундай ҳолда суд муҳокамаси фақат қўшимча текшириш эҳтиёжи бўлган ҳолатлар доирасида олиб борилади.

Иш бўйича ҳал қилув қарори эълон қилинганидан сўнг ҳал қилув қарорини қабул қилган суднинг ўзи уни бекор қилишга ёки ўзгартиришга ҳақли эмас, бундан қонуний кучга кирган суд ҳужжатининг янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўрилиши мустасно.

**Ҳал қилув қарорини қабул қилган суд куйидаги ҳолларда қўшимча ҳал қилув қарорини қабул қилади, агар:**

1) ишда иштирок этувчи шахслар далиллар тақдим этган бирор-бир талаб бўйича ҳал қилув қарори қабул қилинмаган бўлса;

2) суд ҳуқуқ тўғрисидаги масалани ҳал қилиб, жавобгар амалга ошириши шарт бўлган ҳаракатларни кўрсатмаган бўлса;

3) суд ҳаражатлари тўғрисидаги масала ҳал этилмаган бўлса.

Қўшимча ҳал қилув қарори ишда иштирок этувчи шахсларнинг аризаси ёки суднинг ташаббусига кўра қабул қилинади ва у асосий ҳал қилув қарори билан бирга қонуний кучга кириши, ёки унинг устидан асосий ҳал қилув қарори билан бирга шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин ва қўшимча ҳал қилув қарорини қабул қилиш рад этилган тақдирда, ажрим чиқарилади.

Баъзан судлар иш тажрибаларида ҳал қилув қарорларини шошма-шошарлик билан, тил ва имло қонуниятларига риоя қилмаган ҳолда услубий хатолар билан ёзиш ҳолатлари ҳам учрайди. Ана шундай вазиятларда ҳал қилув қарорини қабул қилган суд ёзувда йўл қўйилган имловий ва ҳисоб амалларидаги хатоларни ҳал қилув қарорининг мазмунини ўзгартирмаган ҳолда ишда иштирок этувчи шахс, давлат ижрочиси ёки суд ҳал қилув қарорининг ижросини зиммасига юклатган бошқа органларнинг аризасига кўра ёки ўз ташаббуси бўйича тузатишга ҳақли.

Ёзувдаги ёки арифметик хатоларни тузатиш тўғрисидаги ариза ишда иштирок этувчи шахслар, давлат ижрочиси ёки суд ҳал қилув қарорининг ижроси зиммасига юклатилган бошқа органларни ушбу Кодекснинг 124-моддасида назарда тутилган тартибда хабардор қилган ҳолда суд мажлисида кўрилади. Бироқ мазкур шахсларнинг келмаганлиги аризани кўришга тўсқинлик қилмайди.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар қандай суднинг қарори Ўзбекистон Республикаси номидан эълон қилинади. Бу эса қарор қабул қилувчи суд зиммасига катта масъулият юклайди ва қабул қилинажак қарорга ҳар томонлама диққат билан ёндашув зарурлигини талаб этади.

**Нодир ТУРСУНОВ,**

*Судьялар олий мактаби тингловчиси.*

## Фойдаланилган адабиётлар:

- 2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси.
- Ўзбекистон Республикасининг "Маъмурий тартиб таомиллар тўғрисида"ги Қонуни.
- Ўзбекистон Республикасининг "Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисида"ги кодекси. 2018-йил 25-январь.
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 24-июлдаги ПФ-6034-сонли "Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги Фармони.
- 2022-2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси. 2022-йил 28-январьдаги ПФ-60-сонли Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони.
- «Давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг самарали ҳимоя этилишини таъминлаш ҳамда аҳолининг судларга бўлган ишончини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-107-сонли Қарори. 2022-йил 29-январь.



## МАНСАБ СОХТАКОРЛИГИ ЖИНОЯТИНИНГ ЖИНОЙИ-ҲУҚУҚИЙ ТАВСИФИ

**Мансаб сохтакорлиги – бу давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг гаразгўйлик ёки бошқа манфаатларни кўзлаб расмий ҳужжатларга била туриб сохта маълумотлар ва ёзувлар киритиши, ҳужжатларни қалбакилаштириши ёки била туриб сохта ҳужжатлар тузиши ва тақдим этиши натижасида фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига жиддий зарар етказилишидир.**

Ушбу жиноятнинг бевосита объекти давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари нормал фаолият юритишини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Қўшимча бевосита объектини эса фуқароларнинг ҳуқуқлари, қонун билан қўриқланадиган манфаатлари, давлат ёки жамоат манфаатларини таъминлайдиган ижтимоий муносабатлар ташкил қилади.

Мансаб сохтакорлиги жиноятининг зарурий белгиси–бу жиноятнинг предмети, яъни расмий ҳужжатлар ҳисобланади.

Била туриб ҳужжатларни қалбакилаштириш деганда ҳужжатни ҳақиқийсига ўхшатиб тайёрлаш ёки асл ҳужжатга унинг ҳақиқий мазмунини ўзгартирувчи маълумотларни киритишни тушуниш лозим.

Била туриб сохта ҳужжатлар тузиш ва тақдим этиш-ҳақиқий ҳужжатларга ўхшаш ҳолда тузилган ва ёлгон маълумотларни акс эттирган, ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотлар киритилган, мазмунан ўзгартирилган ҳужжатни тайёрлаш ва бундай ҳужжатнинг сохта эканлигини била туриб, уни тегишли шахсларга бериш орқали реализация қилишдир.

Фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига жиддий зарар етказилиши кўринишидаги оқибатнинг келиб чиқиши жиноят объектив томонининг зарурий белгиси ҳисобланади.

Ушбу жиноят натижасида етказиладиган зарар турли хил хусусиятга эга бўлиши мумкин, аммо унинг жиддийлигини аниқлаш учун ягона мезон мавжуд эмас. Шундай экан, етказилган зарарнинг жиддийлигини аниқлаш ҳар бир аниқ ҳолатнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ҳал қилинади.

Зарар нафақат моддий, балки бошқа (масалан, фуқаролар конституциявий ҳуқуқларининг бузилиши, давлат органи обрўсининг тушиши, бошқа бир жиноятларнинг яширилиши ва ҳ.к.) кўринишда ҳам бўлиши мумкин.

Мансаб сохтакорлиги жинояти моддий таркибли бўлганлиги учун мансабдор шахс томонидан модда диспозициясида назарда тутилган ҳаракатлардан бирининг содир этилиши оқибатида фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига жиддий зарар етказилган вақтдан бошлаб жиноят тугалланган ҳисобланади. Ушбу жиноятни ҳуқуқий баҳолашда мансабдор шахс томонидан модда диспозициясида назарда тутилган ҳаракатлардан бирининг содир этилиши ва келиб чиққан оқибат ўртасидаги сабабий боғланишни аниқлаш шарт. Агарда бундай сабабий боғлиқлик аниқланмаса, Жиноят кодексининг 209-моддасида назарда тутилган жиноят таркибини келтириб чиқармайди.

Мансаб сохтакорлиги бошқа жиноятларни содир этиш усули ҳисобланган ҳолларда қилмиш жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилинади. Масалан, агар мансабдор шахс ўзи

содир этган талон-тарож жиноятини енгиллаштириш ёки яшириш мақсадида расмий ҳужжатларга била туриб ёлгон маълумот ва ёзувлар киритган бўлса, унинг қилмиши Жиноят кодексининг 167 ва 209-моддаларида назарда тутилган жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиниши лозим.


Мансабдор бўлмаган шахс томонидан расмий ҳужжатларга сохта маълумот ёки ёзувлар киритилган, улар қалбакилаштирилган, сохта ҳужжатлар тузилган ва тақдим этилган ҳолларда қилмиш Жиноят кодексининг 228-моддаси билан квалификация қилиниши лозим.


Мансаб сохтакорлиги жиноятининг субъектив томони айбнинг қасд шаклида ифодаланади. Айбдор расмий ҳужжатларга сохта маълумот ва ёзувлар киритиши, ҳужжатларни қалбакилаштириши ёки сохта ҳужжатлар тузиши ва тақдим этиши ижтимоий хавфлигини ва бунинг натижасида таҳлил қилинаётган модда диспозициясида кўрсатилган оқибатлар келиб чиқиши мумкинлигини англайди ҳамда уларнинг келиб чиқишини истайди.

Мансаб сохтакорлиги жиноятининг субъекти 18 ёшга тўлган мансабдор шахслар ҳисобланади.


Мансаб сохтакорлиги такроран ёки хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса, айбдорнинг ҳаракатлари Жиноят кодексининг 209-моддаси иккинчи қисми «а» банди билан квалификация қилинади. Бу ерда жиноятнинг такроран содир этилиши айбдор мансаб сохтакорлиги жиноятини содир этганидан сўнг, ушбу жинояти учун судланмасдан ва жавобгарликка тортиш муддати тугамасдан туриб, (ЖК 64-м.) мустақил қасд билан ифодаланган ва аввал содир этган жиноятига жиноят таркибининг барча белгилари бўйича мос келувчи янги жиноят содир этишини англатади.

### **Мансаб сохтакорлиги жиноятининг олдини олиш учун;**

 мансабдор шахслар ёки давлат хизматчилари томонидан содир этилган мансабдорлик жиноятлари тўғрисидаги маълумот ва хабарларнинг оммавий ахборот воситаларида эркин эълон қилинишини таъминлаш;

 кенг жамоатчиликни мансаб сохтакорлиги ёки бошқа турдаги мансабдорлик жиноятлари содир этган мансабдор шахслар ва уларга нисбатан жазонинг муқаррарлиги принципи таъминланганлиги ҳақида ҳар доим хабардор қилиш;

 фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини янада ошириш;

 расмий ҳужжатларни тузиш, уларни сақлаш, юбориш ваколатига эга бўлган мансабдор шахсларнинг масъулиятини ошириш ва уларга «ҳалоллик вакцинаси»ни сингдириш учун махсус семинарлар ташкил этиш каби бир қанча ишларни амалга ошириш мумкин.

**Донахон ЮСУПОВА,**

Судьялар олий мактаби тингловчиси.

## КОРПОРАТИВ НИЗОЛАРНИНГ ТУРЛАРИ ВА СУДЛОВГА ТААЛЛУҚЛИЛИГИ МАСАЛАЛАРИ

*Корпоратив низоларнинг қайси суд томонидан кўриб чиқилиши процессуал қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Улар мураккаб тоифадаги низолар ҳисобланади. Сабаби бундай низоларда аксарият ҳолларда тарафларнинг сони кўп миқдорда бўлади ва уларнинг ҳал этилиши бир қанча ҳуқуқ субъектлари ҳамда давлат органларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларига таъсир қилади.*

Ушбу низоларнинг субъектлари сифатида юридик шахслар ҳам, жисмоний шахслар ҳам иштирок этишлари мумкин. Шу боисдан бундай тоифадаги низоларни кўришда ҳуқуқ ва манфаатларига таъсир қиладиган барча шахсларни аниқлаш ҳамда уларни ишга жалб қилиш орқали тарафларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаш муҳим ҳисобланади.

ИПКнинг 25-моддаси биринчи қисмининг 5-бандига биноан корпоратив низолар иқтисодий судлар томонидан кўриб чиқилади. Шу ўринда корпоратив низоларга доир ишлар иқтисодий судга тааллуқли бўлиши учун:

а) ушбу низолар корпорация фаолиятдан келиб чиққан бўлиши лозим. Бироқ, бу ерда низо меҳнатга оид бўлмаслиги, яъни иш берувчи билан ходим ўртасидаги ишга қабул қилиш, ишдан бўшатиш, меҳнат таътилини бериш, қўшимча вазифалар юклаш, иш ҳақи тўлаш, моддий жавобгарлик белгилаш, турли меҳнатга оид имтиёзлар бериш ва ҳоказо шу каби муносабатлардан келиб чиқмаслиги керак;

б) низо фаолиятига тегишли бўлган (фаолиятдан келиб чиққан) корпорация давлат рўйхатидан ўтиб, юридик шахс мақомига эга бўлиши шарт.

Шуни таъкидлаш керак-ки, корпоратив низо меҳнатга оид бўлмаслиги керак. Меҳнатга оид низолар деганда, иш берувчи ва ходим ўртасида меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг қўлланиши ва меҳнат шартномасида назарда тутилган шартлар юзасидан келиб чиққан келишмовчиликлар тушунилади. Масалан, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 79-моддаси саккизинчи қисмига асосан жамият директори, бошқаруви аъзолари ва ишончли бошқарувчининг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари тегишлича ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларида, жамият уставида ҳамда уларнинг ҳар бири жамият билан бир йил муддатга тузадиган шартномада белгиланиб, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилинади. Шартнома жамият номидан жамият кузатув кенгашининг раиси ёки кузатув кенгаши ваколат берган шахс томонидан имзоланади. Жамиятнинг директори, жамият бошқарувининг раиси, ишончли бошқарувчи билан тузиладиган шартномада улар-

нинг жамият фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариш қандай бораётганлиги юзасидан акциядорларнинг умумий йиғилиши ва жамият кузатув кенгаши олдида берадиган ҳисоботларининг даврийлиги назарда тутилиши лозим.

Корпоратив низоларни иқтисодий судларда кўриш ИПКда белгиланган тартибда даъво тартибиде иш юритишнинг умумий қоидаларига мувофиқ кўриб чиқилади. Корпоратив низо юзасидан даъво аризасига ИПКнинг 149-моддасида белгиланган ҳужжатлардан ташқари, юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи ва унинг жойлашган ери (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган ҳужжат илова қилиниши керак. Даъво аризасига мазкур ҳужжатларнинг илова қилиниши, энг аввало, юридик шахс тўғрисида тўлиқ маълумотларни олишга хизмат қилади. Шунингдек, ишни судда кўришда манфаатдор шахсларнинг доирасини аниқлаш имкониятини беради. Бундан ташқари, судловга тегишлилик қоидалари бузилишининг олдини олади.

Корпоратив низоларнинг судловга тегишлилиги умумий судловга тегишлилик қондасидан фарқ қилади. Умумий судловга тегишлилик қондаси (ИПКнинг 33-моддаси биринчи қисми)га биноан юридик шахсларга нисбатан даъволар улар давлат рўйхатидан ўтган жойдаги, юридик шахсларга нисбатан уларнинг алоҳида бўлинмалари фаолиятдан келиб чиқадиган даъволар алоҳида бўлинмалар давлат рўйхатидан ўтган жойдаги, фуқароларга нисбатан даъволар улар яқка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтган жойдаги судга тақдим этилиши белгиланган. Яъни, даъволарнинг судга тақдим этилиши жавобгарнинг давлат рўйхатидан ўтган жой билан боғлиқ бўлса, корпоратив низолар бўйича эса даъволар корпоратив низо вужудга келган юридик шахснинг жойлашган жойдаги судга тақдим этилади. Бундан ташқари, ИПКнинг 34–39-моддаларида судловга тегишлиликнинг бошқача, яъни махсус қоидалари ҳам назарда тутилган. Жумладан, ИПКни 37-моддасининг бешинчи қисмида белгиланишича, корпоратив низолар юзасидан даъволар ушбу Кодекснинг 30-моддасида кўрсатилган юридик шахс жойлашган ердаги судга тақдим этилади.

**Мунира ДЖУМАЕВА,**

*Судьялар олий мактаби тингловчиси.*

## ШАРТЛИ ҲУКМ ҚИЛИШ АСОСЛАРИ ВА УНДАН КЎЗЛАНГАН МАҚСАД

Шартли ҳукм қилиш (ЖКнинг 72-моддаси) айбдорни жазодан озод қилишнинг алоҳида шакли сифатида миллий жиноят қонунида белгиланган. Маълумки, суд айблов ҳукмини чиқараётганда айбдор шахс “шартли” ҳукм қилинмайди, қоида тариқасида ҳукм эълон қилиниб жазо тайинланади. Шундан сўнг маҳкумга нисбатан жазони ижро этмаслик тўғрисида қарор чиқарилади.

Бунда шартли ҳукм қилиш моҳияти суднинг айблов ҳукмини чиқариб маҳкумга муайян жазо турини тайинлаш ва унинг ҳажмини белгилаш ва тайинланган жазони шартли ҳисоблашида ифодаланади. Суд Жиноят кодекси 72-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган чоралардан бирини тайинлагач, маҳкум жазони ўтамасдан ҳам унинг ҳулқини тузатиш мумкин, деган ҳулосага келиши лозим ва бу ҳолда у тайинланган жазони шартли, деб ҳисоблаш тўғрисида қарор қабул қилади.

Шартли ҳукм қилишга асослар мавжуд бўлса, суд маҳкумга муайян вақт мобайнида етказилган зарарни бартараф қилиш, ишга ёки ўқишга кириш, яшаш жойи, иш ёки ўқиш жойи ўзгариб қолса, бу ҳақда шартли ҳукм қилинган шахснинг ҳулқи устидан назорат олиб борувчи органга хабар бериб туриш, вақти-вақти билан келиб бу органларда рўйхатдан ўтиб туриш, муайян жойларда бўлмаслик, муайян вақтда яшаш жойида бўлиши, алкогольизм, гиёвандлик ёки таносил касаллигидан даволаниш курсини ўташи каби мажбуриятларни юклаши мумкин.

Статистик маълумотларга кўра, Республика судлари томонидан 2023 йилнинг 9 ойи давомида 1019 нафар (2022 йил давомида 1429 нафар) шахсга нисбатан шартли ҳукм қўлланилган, шундан 285 нафари аёллар, 129 нафари вояга етмаганларни ташкил қилади.

Шартли равишда тайинланадиган жазолар рўйхатини кенгайтириш маҳкумга унинг ҳуқуқлари ва эркинликларини жиддий чекламасдан ахлоқан тузалиш имконини беради, шу тариқа жазонинг, шу жумладан жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадларига эришиш учун имконият яратади. Шу жиҳатдан, шартли ҳукм қилиш институтини жиноят қонунининг бошқа институтлари билан мувофиқлаштирган ҳолда унинг қўллаш асосларини кенгайтириш лозим.

Бундан ташқари, жиноят қонунини қўллаш амалиётидан келиб чиққан ҳолда ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар учун синов муддати миқдорини дифференциация қилиш мақсадга мувофиқ.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, шартли ҳукм қилиш рағбатлантирувчи хусусиятга эга бўлиб, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг самарадорлигини ошириш, шахсларнинг қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кенгайтириш, жиноий жазоларни либераллаштириш, жиноий жазоларни қўлламасдан туриб маҳкумни тарбиялашнинг қонуний асосларини такомиллаштириш, инсон шаъни ва кадр-қимматини юксалтиришга хизмат қилади.

**Элбек АХБУТАЕВ,**

*Судьялар олий мактаби тингловчиси.*

## ОДИЛ СУДЛОВГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР: ТУРЛАРИ ВА ЖАМИЯТ УЧУН ХАВФЛИЛИК ДАРАЖАСИ

Президентимизнинг 2023 йил 16 январдаги “Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 11-сонли фармонида суднинг мустақиллиги ва судьялар дахлсизлигини таъминлашни кучайтириш бўйича бир қатор чоралар белгиланди.

Хусусан, судга ҳурматсизлик қилиш ҳолатларини бартараф қилишнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш, бунинг учун маъмурий жавобгарлик чораларини кучайтириш ва жиноий жавобгарлик белгилаш, суд ишларини ҳал этишга аралашганлик ва суд ҳужжатини ижро этмаганлик учун жавобгарлик чораларини кучайтириш, шунингдек, суд ҳужжатларининг ижро этилишини таъминлашга қаратилган таъсирчан механизмларни жорий этиш, одил судловни амалга ошириш фаолиятига аралашганликка оид ҳар бир жиноят иши якуни бўйича жамоатчиликни оммавий ахборот воситалари орқали мажбурий равишда хабардор қилиш тартибини жорий этиш вазифаси шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси Махсус қисмининг 16-боби “Одил судловга қарши қаратилган жиноятлар” деб номланади ва 230-241<sup>1</sup>-моддаларида белгиланган жиноятларни ўз ичига олади.

Мазкур жиноятларнинг бевосита объекти шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари, кадр-қиммати, одил судловни амалга оширишда суд фаолиятининг мустақиллиги, дастлабки тергов, суд органлари ва суд ҳужжатларини ижро этиш билан шуғулланадиган давлат органларининг нормал фаолият юритиши, обрўи ва нуфузини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади. Бу тоифадаги жиноятларнинг жамият учун хавфлилиги шундаки, улар орқали айбсизлиги аён бўлган шахсни жиноий жавобгарликка тортиш учун далиллар сунъий равишда яратилади ва сохта далиллар туфайли суд томонидан фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини асосиз поймол қилиниши билан боғлиқ нотўғри ҳукм чиқарилишига олиб келинади.

Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 11 апрелдаги “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-762-сонли қонунига кўра, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этиш жараёнига аралашганлик учун жавобгарлик белгиланиб, одил судловга қарши жиноятлар тоифасига янги 232<sup>1</sup>-моддаси киритилди. Ушбу жиноят учун жавобгарлик ижро ҳужжатининг ижро этилишига тўсқинлик қилганлик, ёки давлат ижрочисига турли шаклда қонунга хилоф равишда таъсир ўтказганлик ҳолатларидан келиб чиқади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, мамалактимизда одил судловни таъминлашнинг устувор вазифалари сифатида чинакам адолатли суд тизимини шакллантириш ҳамда унинг фаолиятини халқ манфаати ва инсон кадр-қимматини самарали ҳимоя қилишга йўналтириш, суд ишларини юритишда тортишув ва тарафларнинг тенглиги тамойилларини тўлақонли рўёбга чиқариш, судларнинг холислигини амалда таъминлашга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш ҳамма вақт ислохотларимизнинг бош мезонларидан бўлиши лозим.

**Сардор ЭГАМНАЗАРОВ,**

*Судьялар олий мактаби тингловчиси.*

## СУДЬЯ, ҚОНУН ВА АДОЛАТ

*Фуқароларимиз ҳуқуқ ва эркинликларининг тўлиқ таъминланишига эришишда одил судловнинг аҳамияти беқиёс. Инсон учун аҳамиятли бўлган озодлик, тенглик, адолат ва қадим қадриятларнинг қарор топиши юридик тенгликнинг таъминланишига хизмат қилади. Шу ўринда Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг “Қонун ҳукмрон бўлган жойда эркинлик ҳам бўлади”, деган сўзларини эслашнинг ўзи кифоя. Судьялар фаолиятида эса одиллик деганда қонун асосида ҳақиқатни аниқлаш, тўғрилиқ билан адолат юзасидан қарор қабул қилиш назарда тутилади.*

Одиллик-холис иш тутиш демак. “Холислик” арабча сўздан олинган бўлиб, тоза, соф, самимийлик каби инсоний фазилатларни англатади. Одиллик фазилатига эга инсон атрофдагиларга беғараз, чин дилдан ва самимий яхшилик қилади. Ушбу фазилат ҳаммага қонун устуворлиги асосида бир хил бўлиш, бир манфаат юзасидан бирор воқеа-ҳодисага адолат юзасидан таъмасиз ёндашишни билдиради. Судьяларга олижаноблик хос экан, улардан албатта хизмат амалларини самимий бажариш талаб этилади. Одилликнинг акси таъмагирлик, миннат қилиш ва “хизмат” юклашдир. Чунки, манфаатдорлик, таъма аралашган жойда одилликка дарз кетади.

Шундай экан, судьялар ўз фаолиятида адолатпарварликнинг моҳиятидан келиб чиқиб, барча фуқароларга тенг ва холис муносабатда бўлишлари, айниқса, инсонлар тақдири борасида ҳукм чиқарганда адолат қонунига риоя қилишлари зарур ва муҳимдир. Улар жамиятда содир бўлиши мумкин бўлган адолатсизликка қатъият билан, аёвсиз курашишлари лозим. Бу эса ўз навбатида қонун устуворлигига олиб келади.

Ушбу ўринда мустақил тараққиёт борасида эришган улкан ютуқларимиз билан бирга, йўлимиз айрим хато ва камчиликлардан ҳам холи бўлмаганини очиқ айтиш лозим. Сабаби, эски тузумдан воз кечиб, демократик жамият барпо этишга қаратилган жараёнлар, мураккаб ва таҳликали даврнинг ўзи турли муаммо ва вазифаларни олдимизга тўсиқ сифатида қўйган эди. Бугун эса сиз билан биз мустақил Ватанимизда яна бир муҳим Уйғониш жараёнини бошимиздан кечирмоқдамиз. Ҳар дақиқа “Янги Ўзбекистон” ва “Учинчи Ренессанс” ғоялари ҳаётимизда ўзаро уйғун ва ҳамоҳанг бўлиб янграмоқда.

Хулоса шуки, жамиятда суд органларининг нуфузини ошириш, судьяларнинг чинакам мустақиллигини ва фақат қонунларга асосланиб иш юритишини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва шу асосда қабул қилинаётган қатор қонунларда мустаҳкамлаб қўйилди. Эндиликда, ижтимоий ҳаётимизда давлат идоралари ишини демократик принциплар асосида ташкил этиш устувор вазифага айланди.

**Замонали МАЖИДОВ,**

*Судьялар олий мактаби тингловчиси.*

## МАЪМУРИЙ СУД ИШЛАРИДА ТАФТИШ ИНСТАНЦИЯСИ ИНСТИТУТИНИНГ ЖОРИЙ ҚИЛИНИШИ

*Вилоят ва унга тенглаштирилган судлар томонидан апелляция ёки кассация тартибида кўрилган ишларни мазкур судларда тафтиш тартибида қайта кўриб чиқиш, шунингдек вилоят ва унга тенглаштирилган судлар томонидан тафтиш тартибида кўрилган ишларни Олий суднинг судлов ҳайъатларида тафтиш тартибида қайта кўриб чиқиш каби қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, яъни янги институт – тафтиш инстанцияси жорий қилиниши белгиланган.*

Шунга кўра Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 25 декабрдаги “Суд қарорларининг қонунийлиги ва асослилигини текшириш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги ўРҚ-889-сонли Қонуни қабул қилинди.

Мазкур қонун билан “Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисида”ги кодексга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, 28-боб билан тўлдирилган. Хусусан, вилоят ва унга тенглаштирилган маъмурий судлар томонидан тафтиш тартибида кўрилган ишлар бўйича суд ҳужжатлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан кўрилган суд ҳужжатлари устидан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатига юқорида кўрсатилган шахслар томонидан тафтиш тартибида шикоят қилиниши, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарлари томонидан протест келтирилиши мумкинлиги белгиланган.

Тафтиш тартибидаги шикоят (протест) биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори, ажрими, қонуний кучга кирган кундан эътиборан бир йил ичида берилиши, тафтиш тартибида шикоят (протест) бериш муддати кассация инстанцияси суди томонидан қарор қабул қилингунига қадар ўтган тақдирда, тафтиш тартибидаги шикоят (протест) кассация инстанцияси суди қарор қабул қилган кундан эътиборан уч ой ичида берилиши мумкинлиги белгиланган.

Ўз навбатида, тафтиш тартибида шикоят (протест) беришнинг ўтказиб юборилган муддати шикоят берган шахснинг илтимосномаси бўйича, агар илтимоснома тафтиш тартибида шикоят бериш муддати ўтган кундан эътиборан уч ой ичида берилган ва шикоят (протест) бериш муддатининг ўтказиб юборилиши сабаблари суд томонидан узрли деб топилган бўлса, тикланиши мумкинлиги алоҳида қайд этилган.

Мазкур қонун билан тафтиш инстанцияси томонидан тафтиш тартибидаги шикоят (протест)ни қабул қилиш, қабул қилишни рад қилиш, қайтариш, кўрмасдан қолдириш ва шикоят (протест) бўйича иш юритиш тугатиш, шунингдек ишни тафтиш инстанцияси судида кўриш тартиби белгиланган.

**Исломидин АБДУЛЛАЕВ,**

*Судьялар олий мактаби тингловчиси.*



# АЙБСИЗЛИК ПРЕЗУМПЦИЯСИ ШАХС ХУҚУҚЛАРИНИНГ КАФОЛАТИ СИФАТИДА

*Айбсизлик презумпцияси барча давлатларнинг қонунчилигида акс этган бўлиб, жиноят процессида шахс ҳуқуқларининг кафолатидир.*

Ушбу халқаро нормалар мамлакатимизнинг миллий қонунчилигида, яъни Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 28-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 23-моддасида акс этган бўлиб, жиноят процессининг барча босқичларида мазкур нормаларга қатъий риоя қилиниши лозим.

Айбсизлик презумпцияси деганда айби қонунда белгиланган тартибда ва тегишли органлар томонидан тасдиқланмагунча шахснинг айбсиз ҳисобланиши тушунилади. Бу Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 23-моддасида куйидагича акс этган: "Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи унинг жиноят содир этишда айбдорлиги қонунда назарда тутилган тартибда исботлангунга ва қонуний кучга кирган суд ҳукми билан аниқлангунга қадар айбсиз ҳисобланади. Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаб бериши шарт эмас. Айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозим. Қонун қўлланилаётганда келиб чиқадиган шубҳалар ҳам гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши керак".

Мазкур моддада жиноят содир этишда гумон қилинаётган, айбланаётган ёки судланаётган шахс учун бир эмас бир нечта кафолатлар белгиланган, жумладан, жиноят содир этган шахснинг қилмиши судда текширилган ва баҳоланган рад этиб бўлмайдиган ишончли, мақбул далиллар билан исботланиб чиқарилган ҳукм қонуний кучга кирмагунга қадар шахснинг айбдор деб топиш мумкин эмаслиги, иккинчидан, шахс ўзининг айбсиз эканлигини исботлаб бериши шарт эмаслиги, аксинча унинг жиноят содир этишда айбли эканлигини исбот қилиш субъектлари суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд исботлаб бериши шартлиги, шунингдек, жиноят содир этишда гумон қилинаётган, айбланаётган ёки судланаётган шахс умуман гапирмаслик ҳуқуқидан фойдаланиши ҳам мумкинлиги, учинчидан ишни юритиш мобайнида айбдорликка оид, бундан ташқари, қонунчиликдаги бўшлиқ ёки тушунмовчилик юзасидан бирон-бир шубҳа ва гумонлар бўлса-ю, уларни бартараф этиш имконияти мавжуд бўлмаса, мазкур шубҳа ва гумонлар албатта гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозим.

Ушбу жиноят процесси принципининг янги қабул қилинган Конституциямизнинг 28-моддасида акс этиши мазкур принципнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг ҳимоя қилиниши ва таъминланишида нақадар муҳим аҳамиятга эга эканлигини намоён этади.

Жумладан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 28-моддасида, "... гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаши шарт

эмас ва исталган вақтда сукут сақлаш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин. Ҳеч ким ўзига ва яқин қариндошларига қарши гувоҳлик беришга мажбур эмас. Агар шахснинг ўз айбини тан олганлиги унга қарши ягона далил бўлса, у айбдор деб топилиши ёки жазога тортилиши мумкин эмас. Озодликдан маҳрум этилган шахслар ўзига нисбатан инсоний муомалада бўлиниши ҳамда инсон шахсига хос бўлган шаъни ва кадр-қиммати ҳурмат қилиниши ҳуқуқига эга. Шахснинг судланганлиги ва бундан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар унинг қариндошлари ҳуқуқларини чеклаш учун асос бўлиши мумкин эмас" деб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2023 йил 23 июндаги "Одил судловни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларини тўғридан-тўғри қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги 16-сонли қарорининг 3-бандида Конституцияда ҳеч ким расмий эълон қилинмаган қонун асосида ҳукм қилиниши, жазога тортилиши, мол-мулкдан ёки бирон-бир ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин эмаслиги ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатни матбуот ва расмий манбаларда эълон қилиниши улар қўлланилишининг мажбурий шarti эканлиги, 8-бандида, Конституциянинг 28-моддаси талабларига мувофиқ айбдорликка оид барча шубҳаларни бартараф қилишнинг имкони йўқлиги шахснинг айбсиз деб топишга асос бўлиши, шахснинг ўз айбини тан олганлиги унинг айби судда текширилган бошқа далиллар билан исботланган тақдирдагина айблов ҳукми чиқарилишига асос бўла олиши, жиноят ишларини юритишда гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаши шарт эмаслиги, исталган вақтда сукут сақлаш ҳуқуқидан фойдаланиши, ўзи ва яқин қариндошларига қарши гувоҳлик беришга мажбур эмаслиги билан боғлиқ Конституцияда белгиланган шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини бузилиши процессуал қонун нормаларининг жиддий бузилиши деб эътироф этилиши каби судлар учун мажбурий бўлган раҳбарий тушунтиришлар берилган.

Бу эса жиноят ишларини юритишда "Миранда қоидаси", "Хабеас Корпус акти", "Айбсизлик презумпцияси" каби халқаро принципларнинг нафақат жиноят процессуал кодексига, балки, Конституциямизда бевосита акс этиши орқали фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг таъминланишига эришилади.

Хулоса қилиб айтиладиган бўлсак, жиноят процессининг барча босқичларида айбсизлик презумпцияси принципига қатъий амал қилиш орқали фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаб, судлар томонидан қонуний, асосли ва адолатли қарорлар қабул қилинишига эришиш мумкин.

**Хусниддин РУСТАМОВ,**

*Судьялар олий мактаби тингловчиси.*

## КАССАЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИ СУД МАЖЛИСИДА ҲУКМ ЁКИ АЖРИМНИ ТЕКШИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

